

Muassis:

O'zbekiston Respublikasi
Xalq ta'limi vazirligi

1991-yildan chiqa boshlagan

O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 2006-yil 22-dekabrda
0055-raqam bilan ro'yxatga olingan



2013-yil, 7-son

TIL VA ADABIYOT TA'LIMI

LANGUAGE AND LITERATURE TEACHING

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGINING ILMIIY-METODIK
JURNALI

Bosh muharrir:

Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay'ati:

Baxtiyor DONIYOROV

Mamatqul JO'RAYEV

Shahnoza JO'RAYEVA

Islom ZOKIROV

Ulug'bek INOYATOV

G'ulom MIRZAYEV

Nizomiddin MAHMUDOV

Abduhamid MUXTOROV

(Mas'ul kotib)

Abdug'afur RASULOV

Ergash UMAROV

Jamoatchilik kengashi:

Muhammadjon ALIYEV

Ergesh ABDUVALITOV

Manzura DADAXO'JAYEVA

Lutfullo JO'RAYEV

Ehson TURDIQULOV

Valijon QODIROV

Bo'lim muharrirlari:

Shahnoza JO'RAYEVA

(Til o'qitish metodikasi bo'limi)

Dono XO'JAYEVA

(Adabiyot o'qitish metodikasi bo'limi)

Sahifalovchi:

Husan SAFARALIYEV

Matn teruvchi:

Nodira MIRZAAHMEDOVA

Jurnaldan ko'chirib bosilgan maqolalar «Til va adabiyot ta'limi»dan olindi, deb izohlanishi shart.

Jurnalda nashr etilgan maqolalarda mualliflarning tahririyat nuqtai nazariga muvofiq kelmaydigan fikr-mulohazalari bosilishi mumkin.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Bosmaxonaga 15.07.2013-yilda topshirildi. Ofset usulida chop etildi. Qog'oz bichimi 60x84¹/₈. Shartli bosma tabog'i 6,0. «Times» garniturasini 10, 11 kegl. Art «Paper business» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Toshkent sh. Rahimboboyev ko'chasi, 50-uy, 2-kv.

Buyurtma № . Adadi 7820 nusxa.

MUNDARIJA**QADR-QIMMATIM, TAYANCHIM VA IFTIXORIMSAN, MUSTAQIL O'ZBEKISTON!**

Uldona Abdurahmonova. Yurtga minnatdorlik izhori..... 3

DOLZARB MAVZU

Abdusattor Sodiqov. Chet tillarini o'rganish dunyo bilimlari eshigini ochadi..... 7

METODIK TAVSIYA

Valijon Qodirov, Elmurod Nasrullayev. Adabiyot o'qitishning tashkiliy-didaktik vazifalari..... 9

ILG'OR PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR

Donoxon Usmonova. Ona tili darslarida noan'anaviy uy vazifalari..... 13

Havassxon Shokirova. G'afur G'ulom ijodini o'rganish tajribasidan..... 16

LET'S LEARN ENGLISH

Lutfullo Jo'rayev. Keling, ingliz tilini o'rganamiz! 18

ARUZ VAZNI SABOQLARI

Laylo Sharipova. Ruboiy vaznlari..... 21

ADABIY TAQVIM

Ergash Ochilov. Ruboiy navislar ustodi 24

TAHLIL

Boqijon To'xliyev. Ta'lim bosqichlarida Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti va ijodini o'rganish masalalari 28

Vahob Rahmonov. O'n yetti yoshida doston qahramoni 30

TADQIQOTLAR

Bekmurod Yo'ldoshev. O'zbek ekolingvistikasining dolzarb muammolari 33

Nazokat Jiyanova. Mumtoz adabiy asarlar tilida o'lchov atamalarining qo'llanilishi..... 36

RASMIY BO'LIM

Ona tilini chuqur o'rganishga ixtisoslashtirilgan umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun «Nutq madaniyati»dan dastur 39

QO'SHIMCHA MATERIAL

Jo'ra Mamatov. O'zbekning o'z so'zlari 45

Dilovar Fayziyeva. So'z o'yinida frazeologik birliklarning ahamiyati 46

Tahririyat manzili:

100129, Toshkent shahri, Navoiy ko'chasi, 30-uy. Telefon: (8-371) 244-04-18,

244-04-15. E-mail: til@sarkor.uz Veb-sayt: www.tilvaadabiyot.uz

OLIV TA'LIM MUASSASALARIGA TEST SINOVLARI u qanday yangiliklar asosida o'tadi?

Yurtimiz ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan keng ko'lamli islohotlar barkamol avlodni voyaga yetkazishga qaratilgan. Bunda yoshlarimizning tanlagan kasb-hunar sohalari bo'yicha etuk mutaxassis bo'lishlari muhim ahamiyatga ega. Ayni jarayonda esa, eng avvalo, ta'limning quyi bosqichlari bitiruvchilarining oliy ta'lim muassasalariga qabul uchun bo'ladigan davlat test sinovlariga nechog'lik tayyorgarliklari hal qiluvchi o'rin tutadi.

Shu ma'noda hozirda Prezidentimizning «2013/2014 o'quv yilida O'zbekiston Respublikasining oliy ta'lim muassasalariga qabul to'g'risida»gi Qarori asosida amalga oshirilayotgan ishlar barchaning diqqat e'tiborida, desak yangilishmaymiz. Ushbu hujjatga ko'ra, oliy ta'lim muassasalariga bakalavriat ta'lim yo'nalishlari va magistratura mutaxassisliklariga talabalar qabuli bo'yicha joriy yil kvotalari belgilandi. Jumladan, 2013/2014 o'quv yilida bakalavr ta'lim yo'nalishiga 56607 nafar talaba, shundan 19120 nafari davlat granti, 37487 nafari esa to'lov-kontrakt asosida qabul qilinadi.

Joriy yilda oliy ta'lim muassasalariga 6300 nafar magistr, shundan 1548 nafari davlat granti, 4752 nafari esa to'lov-kontrakt asosida o'qishga qabul qilinishi belgilangan.

Shuningdek, Toshkent kimyo-texnologiya instituti (Qo'ng'iro't bo'limi)ning maxsus sirtqi bo'limiga davlat granti bo'yicha 65 nafar va Toshkent axborot texnologiyalari

universitetining maxsus sirtqi bo'limiga 50 nafar talaba, shu jumladan, 15 nafari davlat granti, 35 nafari to'lov-kontrakt (shartnoma) asosida qabul qilinadi.

Ta'kidlash joizki, bu yilgi test sinovlarida ham har bir abituriyentga individual variantli test topshiriqlari taqdim etiladi. Test topshiriqlari umumiy o'rta, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarining malakali mutaxassislarini jalb qilgan holda ko'p variantlilik asosida ishlab chiqilgan. Test topshiriqlari bazasi to'liq yangilangan.

Davlat test markazi matbuot xizmati ma'lumotlariga ko'ra, bu yilgi test sinovlarida quyidagi o'zgarishlar kiritilmoqda. Ma'lumki, Prezidentimizning 2012-yil 10-dekabrda «Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi Qarorida 2015/2016 o'quv yilidan boshlab, barcha oliy ta'lim muassasalariga kirish testlari blokiga xorijiy tilni kiritish masalasi qo'yilgan.

Shundan kelib chiqib, bu yil Toshkent axborot texnologiyalari universitetida test sinovi o'tkaziladigan fanlar majmuasiga ingliz tili fanidan savollar kiritilmoqda. Jumladan, kompyuter injiniringi, dasturiy injiniring, telekommunikatsiya texnologiyalari, televizion texnologiyalar, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasida kasb ta'limi, pochta aloqasi texnologiyasi ta'lim yo'nalishlaridan test sinovi matematika, fizika, ona tili va adabiyot (18), ingliz tili (18) fanlari majmuasidan o'tkaziladi.

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasida iqtisodiyot va menejment yo'nalishida test sinovi matematika, ingliz tili, ona tili va adabiyot fanlaridan, axborotlashtirish va kutubxonashunoslik yo'nalishlarida matematika, ona tili va adabiyot, ingliz tili fanlaridan o'tkaziladi.

Prezidentimizning 2012-yil 31-maydagi «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safida muddatli harbiy xizmatni o'tab bo'lgan fuqarolarga imtiyozlar tizimini takomillashtirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi Qarorida O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safida muddatli harbiy xizmatni o'tab bo'lgan harbiy xizmatchilarga respublika oliy o'quv yurtlariga kirish uchun tavsiyanomalar berishda tegishli tartib o'rnatildi, shuningdek, ularga berilayotgan imtiyozlar yanada kuchaytirildi.

Mazkur qarorga ko'ra, 2012/2013 o'quv yilidan boshlab O'zbekiston Res-

publikasi Qurolli Kuchlari safida muddatli harbiy xizmatni o'tab bo'lgan, harbiy qismlar qo'mondonligining tegishli tavsiyanomalariga ega bo'lgan fuqarolar barcha yo'nalishlar va mutaxassisliklar bo'yicha bakalavrlar tayyorlashda respublikaning barcha oliy ta'lim muassasalariga kirishda to'plash mumkin bo'lgan maksimal ballarning 27 foizi, ya'ni 61,2 ball miqdorida qo'shimcha ball shaklidagi imtiyozga ega bo'lmoqdalar.

Vazirlar Mahkamasining 2012-yil 11-iyuldagi 205-sonli qarori bilan tasdiqlangan «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari safida muddatli harbiy xizmatni o'tab bo'lgan fuqarolarni oliy ta'lim muassasalariga qabul qilish tartibi to'g'risida»gi nizomda muddatli harbiy xizmatni o'tab bo'lgan fuqarolarni oliy ta'lim muassasalariga o'qishga qabul qilish tartibi belgilangan. Unga ko'ra, abituriyent oliy ta'lim muassasasi qabul komissiyasiga hujjat topshirish jarayonida o'z arizasida birinchi va ikkinchi oliy ta'lim muassasasi hamda ta'lim yo'nalishi nomlarini ko'rsatadi. Bunda yo'nalish bo'yicha test sinovlari topshiradigan fanlar majmuasi (bloki) va ta'lim sohasi mos bo'lishi shart.

Abituriyent arizada ikkinchi oliy ta'lim muassasasi sifatida birinchisini belgilab, undagi boshqa ta'lim yo'nalishini ko'rsatishga haqli (bunda yo'nalish bo'yicha test sinovlari topshiradigan fanlar majmuasi (bloki) va ta'lim sohasi mos bo'lishi shart).

Ikkinchi oliy ta'lim muassasasi sifatida belgilanishi mumkin bo'lgan oliy ta'lim muassasasi (ta'lim yo'nalishlari) ro'yxati Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi bilan kelishgan holda Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi tomonidan tasdiqlanadi.

Abituriyentning to'plagan ballari uning arizasida ko'rsatilgan birinchi oliy ta'lim muassasasi bo'yicha davlat granti yoki to'lov-kontrakt asosida o'qishga qabul qilishga etarlicha bo'lmagan taqdirda, arizasida ko'rsatilgan ikkinchi oliy ta'lim muassasasi ta'lim yo'nalishida tanlovda ishtirok etadi va uning bali yetarlicha bo'lgan taqdirda fanlar bo'yicha topshirilgan test sinovlari fanlar to'plami (bloki) va abituriyent tomonidan to'plangan ballarga muvofiq belgilangan kvota doirasida to'lov-kontrakt asosida o'qishga qabul qilish Davlat komissiyasi qaroriga binoan amalga oshiriladi.

Albatta, mazkur jarayondagi har bir yangilik, eng avvalo, o'z oldiga etuk va raqobatbardosh mutaxassis-kadr bo'lgan holda, oilasi, ona xalqi istiqboli va Vatani ravnaqiga munosib hissa qo'shishni maqsad qilgan yigit-qizlarimizning niyatiga muvofiq holda hayotga tatbiq etilmoqda. Zero, bugungi globallashuv davrida yosh avloddan dunyo ilm-fanining eng so'nggi yutuqlaridan boxabar bo'lib, mamlakatimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligini oshirishda doimiy izlanish talab etilmoqda. Bu y o'lda esa, barchaga omad yor bo'lsin.

Q.MATQURBONOV



ЮРТГА МИННАТДОРЛИК ИЗҲОРИ ёшларимизнинг оламшумул ютуқларида мужассам

«...Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз!».

Ислом КАРИМОВ

Мустақил Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан 1992 йил 4 январь куни Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясида айtilган бу фикр юртимизда таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш тизимларини ислоҳ қилиш, ўз фикри ва иродасига суянадиган баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги эзгу ишларнинг асосий ғоясидир.

Давлатимиз раҳбарининг 1992 йилда эълон қилинган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида ягона узлуксиз миллий таълим тизимини яратиш борасидаги дастурий вазифалар белгилаб берилган. Бунда халқимизнинг миллий-руҳий турмуш тарзи, таълимдаги бутун жаҳон ва Шарқ тажрибасининг энг илғор ютуқлари ҳар томонлама эътиборга олинishi зарурлиги, олий ва ўрта махсус таълимнинг бутун тизимини тубдан қайта қуриш, мутахассисликлар таркибини жиддий ўзгартириш кераклиги таъкидланади.

Ўшанда Юртбошимизнинг «...бизда ҳам ўқув юртларининг янги шакллари – гимназиялар, лицейлар, коллежлар ривожланади. Малакали ишчи кадрлар тайёрлаш тизими янги хусусиятларга эга бўлади. Иқтидорли ёшларни хорижий мамлакатларнинг етакчи ўқув, илмий марказлари ва фирмаларига ўқишга ва стажировкага юборишга муҳим аҳамият берилади», деган гаплари кимлар учундир ширин бир ҳаёлдай туюлган бўлса, ажаб эмас. Бу йўналишдаги пишиқ-пухта дастурларнинг амалий самараларини бугун эришилаётган юксак марра ва натижалар – ҳаётнинг ўзи айтиб турибди.

Мамлакатимиз таълим тизимидаги туб ўзгаришларни Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 62-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернат фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Дунё иморатлари ичида энг улуғи...

– Икки тузумни ҳам кўрган педагогман, – дейди Ғиждувон туманидаги 62-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати директори Саид Раҳмонов. – Бугун замонавий қиёфадаги билим масканимизда ўқийман-изланаман, деган бола учун барча шарт-шароит мавжуд. Битирувчиларимизнинг деярли барчаси юртимиздаги олий ўқув юртларига киришмоқда, АҚШ, Франциядаги нуфузли университетларда ўқимоқда, ишламоқда. Энг муҳими, мактаб – ўқувчилар учун келажак пойдевори қуриладиган мўътабар масканга, ёшларга билим бериш эса ўқитувчилар учун ҳаёт мазмунига айланди.

Президентимиз Ислом Каримов 1998 йилда «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларида агар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муваффақиятли амалга оширил-

са, биз ҳаётимизда ижобий маънодаги «Портлаш эффекти»га эришамиз, деганди. Бу, биринчи навбатда, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилишини, натижада, мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаришини таъкидлаганди.

Бундан ўн-ўн беш йил олдин, айниқса, қишлоқ ва маҳаллалардаги болаларнинг машғулоти эсланг: кимдир тўп тепиб ойна синдирган, ёғоч милтиқ кўтариб «уруш-уруш» ўйнаган, тўрт-беш бола бирорта саёқ мушукни тутволиб биғиллатган... Хуллас, ўз бошига қолган болаларнинг на мураббийи, на мақсадли эрмаклари бор эди. Бугун эса ўша кўчалар сокин. Нега? Чунки, ҳозир бекорчи болани топиш қийин: у қайсидир тўгарақда билим олиб, ҳунар ўрганади ёки спорт билан шуғулланади, асосийси, ўз келажagini қуриш учун аллақачон йўлга чиққан. Ёшлар тафаккуридаги иқлимнинг ўзгариши, дунёқарашнинг юксалаётгани – ана шу.

Ахир, бир ўйлаб кўрайлик: бундан ўн-ўн беш йил олдин мактабларимизнинг бугунгидек энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозланишини ким фараз қила олар эди?! Спорт инфратузилмасига эга бўлишини, мактаб ҳаётига интернет тизими кенг кириб бориши кимнинг тушига кирганди?! Юртимизда «Электрон таълим» миллий тармоғи барпо этилгани барча таълим муассасасини ягона ахборотлашган компьютер тармоғига улаш имконини бермоқда.

Яна бир мисол: 1-синф ўқувчиларини Президент совғаси – янги дарсликлар, 12 турдаги ўқув анжомлари билан таъминлаш ишларини дунёнинг бошқа мамлакатларида учратиш қийин. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда мактаб дунё иморатлари ичида энг улуғига, ўқитувчилик ва мураббийлик энг шафтли касбга айланганининг яққол далилидир.

Маърифат ва маънавият ўчоғи раҳбари

Саид Раҳмоновнинг ташаббуси билан 1996 йилда Ғиждувон туманида чет тилларига ва математика, информатика фанларига чуқурлаштирилган дастур асосида ўрганишга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ташкил этилди. Бугунги кунда бу даргоҳда бир вақтнинг ўзида ўқувчилар учта – инглиз, француз, рус тилларини ўрганмоқдалар.

Масканга ўқитувчилар ва ўқувчилар республикамизнинг 7 вилоятдан синов асосида ишга ва ўқишга қабул қилинади. Улар ётоқхона, 4 маҳал овқат билан таъминланган. Билим олишлари учун кутубхона, қўшимча дарслар, тўғараклар ташкил қилинган. Бу борада тўпланган тажрибалар, илғор педагогик технологиялар нафақат ўзбекистонлик ўқитувчиларда, балки хорижлик ўқитувчиларда ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Чет тилларини ўргатишда С. Раҳмонов томонидан яратилган илғор педагогик технологиялар ҳар йили республика миқёсида омалаштириб келинмоқда.

Қарор ва ижро

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ чет тиллари бўйича узлуксиз таълим тизимининг янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Ушбу механизмларни яратишда «Чет тилини билишнинг умумевропа компетанциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш» (CEFR) талабларига таянилди. Бу борада Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 62-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати директори Саид Раҳмонов қуйидаги фикрларни билдирди:

– 2001 йили ишлаб чиқилган хорижий тилларни ўрганиш ва ўқитишнинг халқаро стандарти – CEFR тил ўрганувчи фаолиятини бир томонлама шакллантирувчи анъанавий тизимдан фарқли ўлароқ ўқувчиларнинг гапириш, ёзиш, ўқиш ва тинглаб тушуниш кўникмасини баравар ривожлантиришга қаратилган. CEFR 6 та даражага асосланган – A1, A2, B1, B2, C1, C2. Янги дарсликлар шу талабларга мос бўлиб, ўқувчи бошланғич таълимни тугатганда A1, умумтаълим мактабини тамомлаганда A2 ва B1 даражасига эга бўлиши қувонарли ҳолдир.

Чет тилларини 1-синфдан бошлаб босқичма-босқич ўқитиш бўйича янги ўқув режасига кўра 1–4-синфларда ҳафтасига 2 соатдан чет тили фани киритилди. Хорижий тиллар амалдаги ўқув режага асосан, 5–9-синфларда йил давомида 510 соат ҳажмда ўқитилган бўлса, янги ўқув режада бу кўрсаткич 782 соатни ташкил этади.

Француз тили мамлакатимизнинг 1221 мактабида ўқитилади. Халқ таълими вазирлиги Ахборот хизматининг маълумотиغا мувофиқ, бугунги кунда мамлакатимизда 1221 умумтаълим мактабларининг 5–9-синфларида 232 645 нафар ўқувчи француз тилини ўрганиб келмоқда. Юқорида номи қайд этилган қарор асосида умумтаълим мактабларида француз тилини ўргатиш асослари янгиланмоқда. Жумладан, 1-синф ўқувчилари учун янги «Hirondelle» – «Қалдирғоч» дарслиги яратилди. Мазкур дарслик жорий йилнинг май ойида мамлакатимизнинг 28 мактабида тажриба-синовдан ўтказилиб, жойлардан олинган фикр ва мулоҳазалар, таклиф-тавсиялар асосида такомиллаштирилди. Янги ўқув йилидан бошлаб мактаб остонасига илк қадам қўядиган 539 553 нафар 1-синф ўқувчиси 2045 та синфда чет тилларини ўргана бошлайди. Улардан 12 минг 900 нафари француз тилидан сабоқ олади. Жорий ўқув йили якунига қадар умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синфлари учун чет тиллари дарслик-мажмуалари 130 та мактабда ва 14 та малака ошириш институтида тажриба-синовдан ўтказилади. Хусусан, 1-синфларнинг «Kid's English» — «Болалар учун инглиз тили» дарслиги ва қўшимча тарзда ўқитувчи қўлланмаси тажриба-синов учун чоп этилди ва унга мультимедиали иловалар (CD дисклар) тайёрланди. «Duetsch macht spab» — «Немис тили қувонч бағишлайди» дарслик-мажмуаси яратилиб, синовдан ўтказилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан 1-синфлар учун француз тили фанидан «Hirondelle» — «Қалдирғоч» (француз тили) номли электрон ахборот-таълим ресурси яратилди. Марказ томонидан француз, инглиз, немис, рус, ўзбек тилларини ва 9 та йўналишни ўз ичига олган «Менинг бирин-

чи луғатим» номли электрон луғат ҳам яратилди. Ушбу электрон дарслик ва луғатларни Халқ таълими вазирлигининг www.eduportal.uz сайтининг «Хорижий тилларни ўрганамиз» бўлимидан топиш мумкин.



Жорий йилнинг 15 августига қадар синов-тажриба натижалари халқаро экспертлар хулосаси асосида такомиллаштирилади ва дарслик-мажмуалари чоп этилиб, барча мактабларга етказилади.

Президентимизнинг мазкур қарорида чет тиллари фани ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантириш ҳам қатъий белгиланган. Жумладан, ҳужжатнинг 7-бандига кўра, қишлоқ ҳудудларида жойлашган таълим муассасаларининг чет тиллари ўқитувчилари тариф ставкасига 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларидаги мутахассисларга 15 фоиз ставкалар миқдоридagi қўшимча устама ҳақ кўшиб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан электрон дарсликлар, инглиз, француз, немис, рус, ўзбек тилларини, «Касблар», «Транспорт ва йўл ҳаракати қоидалари», «Уй жиҳозлари», «Сабзавот ва мевалар», «Ҳайвонот олами» каби ўнга яқин йўналишни ўзида жамлаган электрон луғатлар, таълим ресурслари яратилди. Уларнинг барчаси вазирликнинг махсус ахборот-таълим порталида «Хорижий тилларни ўрганамиз» бўлимига жойлаштириб борилмоқда.

«Ҳақ йўлида...»

Педагог Саид Раҳмонов Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ француз тили фанидан 1-синфлар учун «Hirondelle» – «Қалдирғоч» дарслик-мажмуаларини яратди. Биринчиси ўқувчи китоби, иккинчиси ўқитувчи китоби ва дарсликдаги ҳар бир мавзу бўйича берилган расмлар устида ишлаш бўйича услубий тавсиялардан иборат



бўлса, учинчиси аудиовизуал материаллар ёки мультимедиялар жамланмасидир.

Ушбу мультимедиа иловаси 54 дарсдан иборат бўлиб, 14 бобга бўлинган. Дарслик эса 14 мавзу 66 соатга мўлжалланган бўлиб, у 128 бетни ташкил қилади. Шунингдек, ота-оналарга фарзандлари билан ишлаш учун тавсиялар ҳам берилган.

Китобнинг жуфт бетларига ўқувчилар дарсда ўқитувчи билан ишлайдиган материаллар, тоқ бетларига эса санаш, расмларни бўйаш, кўшиқ ва шеър ёдлаш, ота-оналар билан ишлаш машқлари жойлаштирилган. 160 бетдан иборат ўқитувчи китобига машқларга оид услубий тавсиялар жамланган.

С. Раҳмоновнинг фикрича, бола 6–7 ёшда иккинчи тил ўрганишга ҳам физиологик жиҳатдан тайёр бўлади. Аммо бу даврда таълимий ўйинлар орқали мантиқий ва ижодий фикрлаш қобилиятини ўстириш, ҳаракатли материаллар ёрдамида ҳайвон номлари, уй-рўзгор буюмлари ва айрим кичик деталларни эслаб қолиши етарли. Шунингдек, тутиш лозимки, чет тилини ўрганиш борасидаги дастлабки қадамданок болани ортиқча зўриқтириш акс натижа бериши ҳам мумкин. Шу боис ўқувчиларни ортиқча зўриқтирмаслик, зериктирмаслик учун сеvimли эرتак ва мультфильм қахрамонларининг мулоқотларидан фойдаланилди. 1-синфда ўқиш, ёзиш амалиёти бажарилмай, барча материаллар тинглаб тушуниш ва тушунгани асосида сўзлаш,



оғзаки нутқни ўстиришга қаратилган. Дарсликка «Қизил қалпоқча», «Зумрад ва Қиммат» эртаклари киритилган. Оила ҳақида ҳам матнлар берилган.

Муқовада акс этган дунё

Рамз – фикр ифодаси. Ранг-тасвирда фикрлар сўзсиз анланади. Исми жисмига мос дега-нидай, дарсликнинг муқоваси мазмунига уйғун. Муқованинг устида мусаффо ва сокин осмон – юртимиз тинчлиги, Мустақиллик ва эзгулик аркаси – озод ва хур диёримиз, Бахтиёр она ҳайкали – авлодлар давомийлиги, арка остидаги навқирон дарахтда қуш уяси – оила, полапонлар – авлод давомчилари, сайраётган ва парвоз қилаётган қалдирғочлар – камолга етган авлод, дарахт тагида дарслик қаҳрамонлари – Азиз ва Лола дўстларини ўзбекона лутф ила илм олишга чорлаётгани тасвири ҳамда Эйфель минораси – Франция рамзи акс эттирилган.



Илм йўлида...

Устознинг «Француз тилини ўрганамиз» қўлланмаси, 2010 йилда ёзилган 6-синф учун француз тили дарслиги, ўқитувчи китоби, «Ўқувчи машқ китоби», 2011 йилда яратилган 9-синф учун «Бир мамлакатдан иккинчисига» дарслиги умумтаълим мактаблари таълим жараёнига татбиқ этилган. Шунингдек, 2010 йилда умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун С. Раҳмонов томонидан яратилган кўргазмали қуроллар ўқитувчи ва ўқувчи учун муҳим услубий қўлланма бўлди.

Бугун мамлакатимизда ёшларни чет тилларни, айниқса, инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишлари ҳисобга олиниб, мактаб-интернат за-

монавий техника воситалари билан жиҳозланган, ўқув услубий қўлланмалар билан бойитилган. «Тил ўрганиш маркази» нафақат вилоятда, балки республикада ҳам янгилик бўлди. Мамлакатимизнинг чекка бир қишлоғидаги мактабда ёшлар, катталар учун яратилган бу марказ бугун ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Устоз-шогирд анъанаси

Умумий меҳнат фаолияти 40 йилни ташкил қилган заҳматкаш ўқитувчининг 45 нафар ўқувчиси фан олимпиадаларида, 5 нафар ўқувчиси «Билимлар беллашуви» кўрик-танловида ғолиб бўлган. Шогирд ўқитувчиларининг 4 нафари «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» шарафига муяссар бўлди. Шунингдек, 120 нафардан ортиқ шогирдлари чекка қишлоқларда хорижий тиллардан дарс беришмоқда.

– Буюк бобомиз Алишер Навоий «Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила», дея тўғри гапни айтиб кетган, – дейди шогирдларидан бири Ш. Нишонбоев. – Устозимиз бизга «интизомли бўлинг, ўқувчининг биринчи ўринда шахсини ҳурмат қилинг, тенг бўлинг, бу тинчлик замонда ўқинг, ўз устингизда ишланг, ғайрат қилинг», дея кўп айтади ва бунга риоя қилишимизни талаб қилади. Устознинг йўл-йўриғига юриб, мана, кам бўлмадик. Бугун ўзимиз устозга айландик.

Шарқона ҳаёт фалсафаси

Таълим-тарбия ишларида на таънаффус, на тўхташ, на охир йўқ. Болага бошидан тўғри тарбия, сўнгра таълим бера олсак, кўзлаган мақсадга эришиш мумкин. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафасидир.

...Ҳар куни юртимиздаги қайсидир ўғил-қизнинг спорт, санъат, илм-фан, ишлаб чиқариш, умуман, қандайдир йўналишдаги ютуғидан хабар топамиз. Бу – Оллоҳ ато этган қобилият ва иқтидорини, аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфати учун бахшида этаётган баркамол авлоднинг муваффақияти, йигирма икки йил олдин қўйилган тамал тошига муносиб миннатдорлигидир!

Улдона АБДУРАҲМОНОВА,
«Til va adabiyot ta'limi»
журнали муҳбири

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ ДУНЁ БИЛИМЛАРИ ЭШИГИНИ ОЧАДИ

Тадқиқот, таҳлил, тақлиф

Мамлакатимиз раҳбарининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори ёш авлоднинг билими, дунёқараши ва интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган муҳим ҳужжатдир. Тарихдан маълумки, буюк аждодларимиз ва алломаларимиз кўп тилни ўрганиш орқали дунёвий билимлар ривожига муносиб ҳисса қўшган. Беруний, Ибн Сино, Фарғоний каби аждодларимизнинг илмий, маънавий мероси бунга ёрқин мисолдир.

Чет тилини ўрганишни эрта бошлашнинг афзаллик томонлари кўп. Юқоридаги ҳужжат асосида бир гуруҳ тажрибали олим ва психологлар ҳамкорлигида биринчи синфлар учун хорижий тил (инглиз, француз, немис тили) дарсликлари яратилди. Авваллари дарсликлар асосан олимлар томонидан яратилган бўлса, эндиликда бу жараёнга тажрибали ўқитувчилар ҳам жалб этилди.



Чет тилларни биринчи синфдан оғзаки ва ўйин тарзидаги машғулотлар асосида ўргатишга қаратилган дастур ва дарсликлар халқ таълими тизимида янгилик бўлди. Ушбу қўлланмалар барча жойда бўлгани каби Жиззах вилоятидаги бир қатор мактабларда ҳам тажриба-синовдан ўтказилди. Шаҳардаги 22-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 1-«А» синфида ушбу тажри-

ба-синов муваффақиятли ўтди. Жараён ҳақида экспериментатор ўқитувчилар ўзларининг кузатишлари асосида фикр-мулоҳазалари ва хулосаларини баён этдилар.

Барно Мардонова, биринчи тоифали инглиз тили ўқитувчиси:

– Тажриба-синовда асосий эътибор қаратилган манба – биринчиси ўқитувчи китоби бўлса, иккинчиси ўқитувчи китоби ва дарслигидаги ҳар бир мавзу учун берилган расмлар устида ишлаш бўйича услубий тавсиялардан иборат бўлди. Учунчиси эса аудиовизуал материаллар ёки мультимедиялар жамланмасидир. Дарсликлар турли ўйинлар ёрдамида ўқувчиларга чет тилидан бошланғич сабоқ беради. Биринчи синфда ўқиш, ёзиш амалиёти бажарилмайди. Барча материаллар тинглаб тушуниш ва тушунгани асосида сўзлаш, оғзаки нутқни ўстиришга қаратилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, дарсликда берилган тасвир ва маълумотлар ўқувчиларнинг ёши ва физиологик хусусиятларига мос. Тасвирлардаги ранглар, электрон дарсликдаги мультимедия аниמצиялар ўқувчиларда инглиз тилига бўлган қизиқишини уйғотишда яхши самара беради. Шу боис ҳам дарсларда кўзланган мақсадга эришдик.

Нафиса Алманова, 22-ИДУМ олий тоифали инглиз тили ўқитувчиси:

– Мультимедиа орқали ижро этилган қўшиқлар қисқа айтилган, асосий сўзларни нақоратга қўшиб, кўпроқ такрорланса, яхши бўлар эди. «Сенинг ёшинг нечада?» мавзуси ўқувчиларда бироз қийинчиликлар туғдиради. Сўроқ гапни таҳлилий ўргатсак, яъни *сенинг, ёш, неча* сўзларини алоҳида тушунтириш керак. Мультимедиада сўзларни секин, ўртача ва тез айтишда турли жониворлар қиёфасидан фойдаланилган. Секин айтиш учун қўйилган шиллиққурт расми ўрнида тошбақа расмидан фойдаланилса, ўқувчиларнинг маънони англаши янада осон кечарди, назаримда. Негаки, ўқувчиларга тошбақа кўпроқ таниш жонивор бўлгани сабаб ортиқча изоҳга ҳожат қолмасди.

Нилуфар Очилова, Жиззах туманидаги 36-мактаб экспериментатор ўқитувчиси:

– Дарсликдаги иккинчи машғулотада ўтилган мавзулар бўйича савол ва жавоблар орқали янги мавзу мустақамланади. Менинг назаримда, бир соат давомида ҳамма ўқитувчи ҳам барча машқларга улгурмайди. Чунки биринчи синфда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси бир хил бўлмаслиги табиий. Шунингдек, «Бу менинг оилам» мавзусида дарс якунида ўқувчилар ўз оиласи ҳақида расм чизиши керак. Бу топшириқ ҳам бир мунча мураккаб бўлиб, айрим ўқувчиларга қийинчилик туғдирмоқда.

Насиба Пардаева, Жиззах шаҳридаги 19-умумий ўрта таълим мактаби экспериментатор ўқитувчиси:

– Дарс жараёнида электрон вариантда берилган қўшиқлар, китоб қаҳрамонларининг диалоглари ва қизиқарли ўйинлар ҳамда дам олиш дақиқалари ўқувчиларга маъқул келмоқда. Ўқувчилар уйга берилган вазифаларни бажаришда ота-оналари билан ҳамкорликда иш юритаётганлиги яхши натижа берапти.

Кузатиш ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўқитувчи учун тайёрланган методик қўлланмада мавзулар бўйича технология, методлар тўғри танланган. Ўргатиш учун тавсия этилган қўшиқ, шеър, ўйинларнинг мавзуга мослиги, ўқувчиларнинг зерктириб қўймаслиги экспериментатор ўқувчилар томонидан эътироф этилмоқда. Натижада, ўқувчиларда ўзлаштирган сўз заҳиралари ёрдамида ўз оилалари, яшаб турган қишлоқ ёки шаҳардаги



дўстлари, уларни ўраб турган манзаралар, атроф-муҳит ҳақида сўзлаб бериш имконияти шаклланмоқда.

Юртбошимиз томонидан юқоридаги қарор қабул қилинган кунлари Зарбдор туманидаги 2-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси, Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Улбусун Муҳаммадулова билан бўлиб ўтган суҳбат ёдимга тушди. «Ёшлигимдан чет тилига қизиққанлигим туфайли инглиз тили ўқитувчиси сифатида иш бошлаган дастлабки кунларимда болалар умуман чет тилига қизиқишмасди. «Чет тилини ўрганиб нима қиламиз, дунё кезмаймиз-ку», деган таъналарини ҳам эшитганимда аламдан йиғлаб юборганман. Тез орада мамлакатимиз мустақилликка эришди. Истиқлол туфайли истеъдодли ва иқтидорли ёшларимиз дунёнинг ривожланган мамлакатларида билим ва салоҳиятларини намоиш этиш имкониятига эга бўлди. Бугунги кунда ўқувчилар нафақат дарсда, балки таътил кунларида ҳам, коллеж ўқувчилари эса тўғарақларда чет тилларини ўрганишга келаётганини кўриб бошим осмонга етмоқда. Мустақиллик ўғил-қизларимизнинг онг ва шуурини ўзгартириб юборди. Юқоридаги ҳужжат фарзандларимиз учун дунё билимлари эшигига қалит бўлиб хизмат қилишига имоним қилдим».

Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув жараёнини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Улардаги барча манба ва маълумотларнинг асосий қисми инглиз ва бошқа етакчи хорижий тилларда ифодаланган. Шундай экан, чет тилларни ўрганиш ёшларимизнинг билим доирасини янада кенгайтиради. Муҳими, ривожланган мамлакатлардан қолишмайдиган даражадаги билим ва кўникмаларни эгаллашнинг имкониятини оширади. Зеро, тил билган эл билади.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
журналист.



АДАБИЁТ ЎҚИТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ДИДАКТИК ВАЗИФАЛАРИ

Валижон ҚОДИРОВ,
филология фанлари номзоди,
Андижон давлат университети доценти
Элмурод НАСРУЛЛАЕВ,
Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

Чинакам адабиёт дарси – том маънодаги ижод маҳсули. Дарсни ижод маҳсулига айлантириш учун ўқитувчидан чуқур билим ва катта тажриба талаб этилади. Ҳар бир предмет ўқитувчиси, аввало, шу фан ўқитилишининг ўзига хос хусусиятларини ўзлаштирмоғи керак. Бу, айниқса, адабиёт ўқитишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Адабиёт ўқитишдаги ташкилий-дидактик вазифаларнинг ўзига хос жиҳатларини билмаслик, машғулотларни ташкил қилишда уларнинг ўзига хослигини назардан соқит қилиш ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги пастлигидан далолат беради. Бинобарин, муаллимлар касбий тайёргарлигининг етарли эмаслиги адабиёт фанини ўрганишдаги оқашларнинг бош сабабидир.

Ўтган асрда адабиёт ўқитиш илми ривожига улкан ҳисса қўшган рус методист олимлари В.А. Кан-Калик, В.И. Хазаннинг «Мактабда адабиёт ўқитишнинг психологик-педагогик асослари» номли рисолида адабиёт ўқитувчисининг касбий тайёргарлигига алоҳида урғу берилади ва адабий-таълимий меҳнатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бадиий-педагогик вазифаларнинг *бадиий-тадқиқий, бадиий-конструктив, бадиий-ташкилий* ва *бадиий-коммуникатив* тарзидаги таснифи келтирилади.¹

*«...адабиёт ўқитувчиси ҳар бир китобхон ўқувчи қандайдир янги, ҳали маълум бўлмаган томонларини очиши мумкин бўлган бадиий матнни тадқиқ қилиши лозим бўлади. У, шунингдек, ўқувчиларга хос бадиий идрокни ҳам тадқиқ қилиши керак, бу эса инсон эстетик фаолиятининг умумий қонуниятларини акс эттириб доимо индивидуал, бинобарин, нимаси биландир такрорланмас характерга эга бўлади».*²

Адабиёт муаллими ҳар бир машғулот учун ўрганилажак асарни тадқиқ қилиши, ундаги шакл ва мазмун бирлигида ифода этилган поэтик фикрни мутахассис сифатида идрок этиш баробарида бадиий матн воситасида тарбияланувчиларда эстетик дидни ривожлантириш, уларнинг маънавийатини шакллантириш, шахслик сифатларини қарор топтириш бўйича ҳам изланиши керак бўлади. *«Агар олимнинг вазифаси мураккаб бутунлик бўлмиш бадиий асар моҳиятига кира билиш бўлса, мактаб таҳлилининг вазифаси нафақат асарнинг объектив мазмунини очиш, балки унинг ёрдамида ҳар томонлама ривожланган ўқувчи шахсини шакллантиришдан иборат. Шунинг учун бир бутунликдан иборат бу икки вазифа ечимини таъминловчи воситаларни топиш лозим бўлади».*³

Ҳозирда адабиёт ўқитувчилари адабиёт намуналарини тушунишга қийналишлари ёки аксарият ҳолларда ундан маъно чиқара олмасликларининг гувоҳи бўламиз. Ўзи зўрға тушунаётган ёки тушуна олмаётган матнни қандай идрок этиши мумкин?! Идрок этилмаган асарни ўқувчига тушунтириш тўғрисида гапиришнинг ўзи ножоиз.

Республикамизнинг турли туман ва шаҳарларида ўтказилган суҳбат ҳамда кузатишлардан маълум бўлдики, аксарият ўқитувчилар дарсликларда берилган асар шарҳларини ўқиб ёки айтиб берадилар, ўқувчилардан ҳам айнан шуларни такрорлашни талаб қиладилар. Ўқитувчининг ўзи тайёр фикр боқимандаси, пассив истеъмолчи мақомида бўлган ва ўқувчисидан ҳам шуни талаб қилган машғулотларда адабиёт дарсларининг савияси паст бўлиши тайин. Қанчалик аччиқ бўлмасин, кўпчилик адабиёт дарслари шу аҳволда

эканлигини тан олишга тўғри келади.

Дарсликдаги тайёр таҳлил, шарҳлар ҳам ўзига хос тадқиқотдир. Уларни тушуниш, айтилган, айтилмаган маъно қирраларини идрок этиш, муаллифларнинг таҳлилдан кўзлаган мақсадини фикран қамраб олиш учун ўқитувчидан таҳлил малакаси, тадқиқий идрок талаб этилади. Чиндан ҳам «...адабиёт ўқитишнинг сифатини ошириш муаммоси вазифаларга педагогик фаолиятнинг бирламчи унсури сифатида ёндашиш орқали ҳал этилади»⁴. Бунда бадиий-конструктив ишларнинг оқилона уюштирилиши алоҳида аҳамият касб этади.

«Бадиий-тадқиқий ва бадиий-конструктив вазифалар ўзаро алоқадордир. Адабий материалнинг таълимий-тарбиявий материалга айланиши, унинг ўзига хос «педагогик трансформация»га учраши филологдан конструктив фаолиятга киришиши, яъни билим беришнинг мақсадга мувофиқ методикасини ишлаб чиқиши тақозо этади»⁵. Бадиий конструктив фаолият ҳам ўзига хос ижоддир. У ўқув материалга тарбияланувчилар ёши, билим савияси, кўникма ва малакалари, мойилликларига мос педагогик шакл беришда намоён бўлади.

Кўп ҳолларда бир хил тайёргарлик билан параллел икки синфда ўтилган дарс бир-бирдан кескин фарқ қилади. Бир синфда жонли, ҳаяжонга тўла дарсга асос бўлган мавзу иккинчи синфда ўта зерикарли, сўник, ҳиссиз машғулотга айланди. Бунинг ҳайрон бўладиган жойи йўқ. Ҳар қайси синф жамоаси ўзгача бир олам. Ҳудуд жиҳатдан яқинлиги ёки турли жойлардан йиғилганлиги, ижтимоий келиб чиқишлари, бошланғич синф ўқитувчиси ким ва қандай бўлганлиги, синфнинг жамоа бўлиб шакллланганлик даражаси ва ҳоказо омиллардан келиб чиқиб дарсни шакллантириш, режалаштириш лозим. Конструктив ижод эртанги дарс режа-кўчирмаси билан бошланади. Ўқитувчи қайси синф учун қандай мавзуда машғулот олиб бориши кераклиги, ўрганилажак матннинг қайси адабий тур ва жанрга мансублиги, мавзунинг янгилиги ёки олдингининг давоми эканлиги, бошқа фанларга алоқаси каби жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда дарс лойиҳасини «чизади», уни муайян қисмларга тақсимлаб, дидактик шакл беради. Масалан, 9-синфда Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони ўрганилади, дейлик. Уни ўтказиш бўйича бир неча дарс қолипни тузиш мумкин:

1. Олдинги дарсда ўрганилган мавзу – шоир ҳаёти, ижоди, «Ҳайрат ул-аброр» достони юзасидан дарсликдаги савол ва топшириқлар билан ишлаш орқали ўтган мавзунини сўраб, уй вази-

фасини текширади. Сўнг ўқитувчи «Фарҳод ва Ширин» достони ҳақида қисқача маълумот бериб, дарсликдаги матн билан тўлиқ таништиради ҳамда биринчи қисм учун берилган савол ва топшириқлар билан ишлайди. Агар вақт етмаса, савол ва топшириқлар билан ишлашни уйга вазифа сифатида қолдиради.

2. Олдинги дарсда «Фарҳод ва Ширин» достонининг биринчи қисм парчаси билан танишиш уйга топшириқ қилиб берилганлиги боис уни тўла таҳлил қилиш учун савол ва топшириқлар билан ишлашга киришилади. Ўтган дарсни сўраш мавзу тўлиқ тугагандан кейинги умумий такрорлаш ва мустаҳкамлаш машғулотида қолдирилади.

3. Машғулот аввалидан парча таҳлиliga ту-тиниb, дарсликдаги ҳамда қўшимча тарзда ўқи-тувчининг ўзи тузган савол ва топшириқлар асосида уни ўрганиш, шунингдек, ўтилган дарсни янги мавзуга боғлаш асносида сўраб ва мустаҳкамлаб борилади.

4. Асар байтма-байт ўқилади, мазмунини ўзлаш-тирилади, бадиияти шарҳ этилади, образлар ха-рактери, руҳий-маънавий олами, шоирнинг бадиий маҳорати таҳлил давомида бир бутунлиқда очиб борилади. Лекин дарсликдаги савол ва топши-риқларга диққат қилинмайди.

5. Ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб, ўқитувчининг топшириғига кўра уйда ўрганиб келишган матннинг ўзларига берилган қисмини ёки ундаги образни ёхуд муаммони таҳлил этиб, ўз мулоҳазаларини баён этадилар, бошқа гуруҳ фикрларига муносабат билдирадидилар, керак ўринда баҳсга киришадилар.

Айни бир мавзу юзасидан дарснинг яна бир қанча вариантларини келтириш мумкин. Биз келтирган қолиплар гўё дарснинг скелети бўлиб, уларга мускул, томир, эт, тирноқ каби узвларни ҳам жойлаштириш керак. Бу ўқитувчининг билими, маҳорати ва, энг асосийси, юқорида айтилган омиллардан қайси бирининг етакчилигига боғ-лиқ. Буни ҳис этгандагина ўқитувчи олдин бир синфда ўтган яхши дарсни ёндош синфда айнан такрорлашни эмас, балки ўқувчилар жамоасининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда тамомила янги ва бетакрор машғулотни ўтказишга ҳаракат қилади.

Мактаб амалиётида бадиий асарларни ўрганиш дарсларига назар ташлаганда, бор-йўғи икки-уч машғулот қолипи борлигига гувоҳ бўламиз. Лирик жанрлар ўрганилаётганда олдин ўтилган мавзу такрорланади, яъни уй вазифаси текширилади, адабнинг ҳаёти ва ижодини батафсил баён қилиб бериш сўралади, агар бирор асар ёдлашга берилган бўлса, ўқувчилар бир-бир турғизиб айттирилади, ёдламаганларга танбеҳ берилади.

Буларга дарснинг ташкилий қисми қўшилиб, шундоқ ҳам қисқа, ўрта ҳажмли бир шеърни таҳлил қилишга зўра улгуриладиган 45 минутлик машғулотнинг ярми сарф этилади. Сўнг янги мавзуга қўл урилади: адибнинг ҳаёти ва ижодини ўқитувчи сўзлаб беради. Кейин ўрганилаётган шеър ўқилади, уни аввал ўқитувчи, кейин бир неча ўқувчи дарсликдан ифодали ўқишга ҳаракат қилади. Баъзи ўқитувчилар шеърнинг бадииятини таҳлил қилиб берадилар.

Қизиқки, республикамиздаги деярли барча адабиёт муаллимлари шеър бадиияти, шоирнинг маҳоратини аниқлаш деганда, асосан, бадиий санъатларни топишни тушунишади ва тушунтиришади. Аксарият ҳолларда шундай таҳлил шакли кузатилади: *«Бу байтда шакли бир хил, аммо маъноси ҳар хил сўзлар қўлланмоқда, бу – тажнис санъати. Кейинги байтда эса «оқ» ва «қора» сўзлари ишлатилган, улар тазод санъатини юзага келтиради. Мана бу байтда «талаб», «толиб», «матлаб» сўзлари бирин-кетин келганига гувоҳ бўламиз. Одатда, ўзакдош сўзларнинг бир байтда берилиши иштиқоқ дейилади. Кўрамизки, шоир ўз шеърларида бадиий санъатлардан моҳирона фойдаланган. Қани, болалар, сизлар кейинги байтлардан бадиий санъатларни топишга ҳаракат қилиб кўринг-чи»*. Бадиий таҳлил шу таҳлит ҳиссиз мисол излаш машғулотига айланиб кетади. Болалар бадиий санъатнинг нимаси санъат, уларнинг поэтик маҳоратга қандай алоқаси борлигини билмай, бу ҳақида ўйламай ҳам мактабни битириб кетмоқдалар.

Эпик ёки лиро-эпик асарларни ўрганишда эса юқорида қайд этилган қолипдаги уй вазифаси сўралгач, ўқитувчи сюжетни гапириб беради. Кейин ҳафсала қилса, ўзи ўқийди ёки ўқитади. Асарнинг ҳар бир образи тўғрисида тўхталиб, унинг яхши, олижаноб ёки ёмон, қабиҳ ишларини муҳокама қилади. Шундан сўнг хулоса чиқарилади: адиб асарда шундай мавзунини кўтарган, бундай ғояни илгари сурган, биз учун катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бу бир неча авлод ўқитувчилардан ғариб бир мерос сифатида олдингилардан кейингиларга ўтиб келмоқда. Аксарият мактаб битирувчилари йиллар ўтиб адабиёт намуналари ўрганилган дарсларни бир қолипдаги зерикарли, тушунарсиз машғулоти сифатида эшлашади. Адабиёт дарслари қурилмаси «ҳиссий-бадиий шакл»⁶ тусини олмагунча бу ҳолат давом этаверади.

Айни пайтда адабиёт дарсларини тўғри ташкил этиш муаммосига методикада ҳам алоҳида аҳамият берилади. *«...умумтаълим мактабларида фан асосларини ўқитиш ўз моҳиятига кўра коллектив*

характерга эга. Бундан келиб чиқиб, педагог ўқувчиларининг позитив ижтимоий мазмунга эга ўзаро алоқаларини ҳисобга олибгина қолмай, балки тизимли тарзда таъминлаб бориши ҳам керак. Хуллас, гап ўқитувчи фаолиятининг муҳим соҳаси – ташкилотчилик тўғрисида бормоқда».⁷ Одатда, дарс ташкил этиш деганда машғулоти учун етарли шарт-шароитнинг яратилиши: жиҳозланган синф хонаси, таълим иштирокчилари (ўқитувчи, ўқувчилар)нинг ҳозирлиги, давомли ва тизимли равишда белгиланган вақтда машғулотларнинг ўтказилиши, дарслик, қўлланма ва бошқа керакли воситалар билан таъминланганлиги каби қатор омиллар тушунилади. Бу деярли барча предметларга тегишли дарс ташкил этиш шаклидир. Айни вақтда, адабиёт предметининг бадиий-ташкилий кўриниши мутлақо ўзига хосдир.

Ҳар қандай дарсда ўқитувчи – ўқувчилар, ўқитувчи – алоҳида ўқувчи, ўқувчилар – алоҳида ўқувчи шаклидаги муносабатлар ташкил этилганини кузатиш мумкин. Ушбу шакллар ўқувчилар жамоасидаги шахслараро мулоқотни таъминлашга хизмат қилиши керак. *«...жамоада ўзаро психологик таъсир қонуниятига амал қилади, бунинг натижасида юзага келган кайфият ўзининг кучини орттира бориб, одамдан одамга тезда юқиши мумкин. Коллективни «оловлантириш» айрим шахсга нисбатан қийинроқ кечади, аммо кейин эса туйғулар жуда ёрқин ёлқинланиши мумкин. Болалар ёлғизликдагидан кўра биргалликда ҳодисаларни ёрқин ва чуқур ҳис этадилар»*.⁸

Адабий таълимдаги мулоқот фақат фикр алмашишдан иборат бўлмайди. Ўқитувчи машғулотларда олдиндан қатъий ишлаб чиқилган муайян педагогик тадбирлар асосида ўзининг, ўқувчиларининг ўзаро қараш, кечинма ва туйғуларининг уйғунлашувини ташкил қилмоғи керак. Яъни ўқитувчи ўзидаги ёки маълум бир ўқувчи, баъзи ўқувчиларда ўрганилаётган асар туйғули юзага келган ҳиссиётни бошқаларга юқтириши, муҳим қараш, оригинал талқинларни синф жамоасига етказиш устида ишлаши керак. Адабиёт дарсларида туйғулар бирдан учқунланиб, ўқувчи қалбини тўлқинлантириб юбориши мумкин. Бу учқунни ёйиш учун ўқитувчи уни ўз вақтида илғаб, зудлик билан дидактик тадбирлар белгилаши катта аҳамият касб этади. Синф жамоасига унинг маълум аъзоларида вужудга келган туйғуларни юқтириш, фикрлар билан ўртоқлашиш, фарқли қарашларга таяниб баҳслар ташкил қилиш учун ўқитувчидан маҳорат, уқув, педагогик фаросат талаб қилинади. Чунки бу вазифани расмий оҳангдаги талаблар билан амалга ошириб бўлмайди.

Мисол учун, 9-синфда «Фарҳод ва Ширин» достонидан олинган Фарҳоднинг ўлим олдидаги ҳолати тасвирланган парча ўрганилишига бағишланган дарсда бадиий-конструктив вазифадан келиб чиқиб, гуруҳ шаклидаги машғулот танланган бўлсин. Синф ўқувчилари тўрт гуруҳга бўлинади. 1-гуруҳ фарзандидан ажралган отанинг ҳолати, 2-гуруҳ онанинг изтироблари, учинчи гуруҳ Фарҳоднинг андуҳлари тасвирини, 4-гуруҳ эса шоирнинг тасвир маҳоратини ўрганиб, шарҳлашлари керак. Вазифани уддалаш учун ҳар бир гуруҳ олдин парчани ўқиб ўрганади. Ўқитувчи сирдан уларни ўз ҳолига қўйгандай туюлса-да, ҳар бир гуруҳдаги жараёни синчковлик билан кузатиши, уларнинг ҳар бир аъзоси фаолиятдан хабардор бўлиб туриши керак. Дейлик, 2-гуруҳ сардори Нодир исмли ўқувчи асардаги она изтироблари ифодаси юзасидан қарашларини баён этиб беришини айтади. Унгача ўқитувчи шу гуруҳдаги ҳиссиётчан Ҳилоланинг парчадан ўта таъсирланиб, кўзлари намланганлигини илғаган бўлади. Шу хилдаги сезгирлик ўқитувчига Ҳилоладаги туйғуларнинг бошқаларга юқишини таъминлаш учун тезлик билан иш кўриш имкониятини беради.

– Жуда яхши, – дейди ўқитувчи. – Биз ҳозир гуруҳ номидан Нодир берадиган жавобни эшитамиз. Лекин менда бир таклиф бор. Келинлар, олдин синфдошингиз Ҳилоладан асардаги она изтироблари ифодаланган парчани яна бир марта ифодали ўқиб беришини сўрайлик.

Шунда Ҳилола ҳаяжон билан, титроқ овозда парчани ўқиб беради. Қизнинг самимий туйғулари, ҳаяжони бутун синфга таъсир этади, барча у билан бирга ички титроқни ҳис эта бошлайди. Шундан сўнг Нодирнинг шарҳи бу кечинмаларнинг янада чуқурлашувига олиб келади. Сўнг гуруҳнинг бошқа аъзоларига қўшимчалар қилиш, тўлдириш имконияти берилади. Шунингдек, улар бошқа гуруҳ аъзоларининг саволларига жавоб ҳам берадилар. Гуруҳнинг тақдмоти тугагач, нариги икки гуруҳ

аъзолари таҳлилга муносабат билдирадилар, 2-гуруҳ назардан қочирган нуқталарни шарҳ қиладилар. Шу тариқа жигаргўшасидан жудо бўлган она изтиробларининг яхлит манзараси ўқувчилар кўз олдида намоён бўлади. Вақт йўқотмаслик, ортиқча тафсилотлар, қайтариқ фикрларга йўл қўймаслик учун ҳам ўқитувчи тезкор тадбир кўриши: керак бўлганда кимнингдир сўзини бўлиши, қўшимча савол билан фикрини йўналтириши, қисқа ва аниқ гапиришни талаб этиши зарур бўлади.

Ўқитувчи талабаларининг фикр ва туйғуларини бошқариш учун синфдаги ҳар бир ўқувчининг имконият ҳамда қобилиятини яхши билиши шарт. Амалда бадиий-конструктив вазифаларни тўғри белгилашга ўрганилмаганлиги боис мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишда муаллимлардаги педагогик ташкилотчилик яхши эмаслиги кўзга ташланади. Ўқитувчилар маълум бир ўқувчи ёки ўқувчилар гуруҳида юзага келган бетакрор ҳиссий ҳолат ёки қарашни бутун синфга ёйиш, уларнинг туйганлари ва илғаганларини бутун синфнинг мулкига айлантириш орқали бошқаларда ҳам шундай фаолиятга рағбат уйғотиш лаёқатига эга бўлишлари керак. Ўқитувчининг ташкилотчилиги унинг бадиий-коммуникатив вазифаларни нечоғлиқ уддалашида намоён бўлади. Бадиий коммуникация ўқитувчи билан синф ва ҳар бир ўқувчининг, ўқувчилар билан асар матнининг, ўқувчилар билан ўқувчининг машғулот давомида ва ҳатто машғулотдан кейинги ўзаро мулоқотини ташкил этишдир.

Бадиий-тадқиқий, бадиий-конструктив, бадиий-ташкилий вазифаларга доир қарашлар якуни сифатида айтиш мумкинки, адабиёт намуналарини ўрганишга бағишланган дарсларнинг энг катта камчилиги машғулотларда матн устида етарлича ишланмаётганлиги, асар поэтикаси ва адибнинг маҳорат оламига кириб борилмаётганида намоён бўлади.

¹В.А. Кан-Калик, В.И. Хазан. Психолого-педагогические основы преподавания литературы в школе. М.: Просвещение, 1988. С. 62–131.

²Профессиональная программа учителя русского языка и литературы/ Сост. Качурин. М.Г. Л., 1979. С. 11.

³В.Я. Коровин. Анализ художественного произведения в курсе литературы IV-VII классов (на материале произведений советской литературы). М., 1977. С.32

⁴В.А. Кан-Калик, В.И. Хазан. Психолого-педагогические основы преподавания литературы в школе. М.: Просвещение, 1988. С. 77.

⁵Юқоридаги асар, ўша бет.

⁶Юқоридаги асар, 82-бет.

⁷Юқоридаги асар, 99-бет.

⁸А.Н. Лутошкин. Эмоциональная жизнь детского коллектива. М., 1978. С.33.

ONA TILI DARSLARIDA NOAN'ANAVIY UY VAZIFALARI

Donoxon USMONOVA,

Respublika ixtisoslashtirilgan musiqa va san'at akademik litseyining oliy toifali ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi, Xalq ta'limi a'lochisi

O'quvchilarning fanga bo'lgan qiziqishini oshirishda uy vazifalarining ahamiyati katta. Ba'zan darsning muhim bosqichlaridan biri bo'lgan uy vazifalariga jiddiy e'tibor berilmaydi. Umumta'lim maktablari uchun amaldagi «Ona tili» darsligidagi mashg'ulotlar deyarli bir xil qolipda berilgan, ya'ni mavzuni, grammatik qoidalarni mustahkamlovchi mashqlar, matn yaratish va badiiy asardan mavzuga oid gaplardan misollar keltirish.

Bunday an'anaviylik o'quvchilarda uy vazifalariga bo'lgan e'tiborni, mas'uliyatni susaytiradi, demakki, fanga bo'lgan qiziqish ham pasayadi. O'qituvchi bu masalaga ijodiy yondashib, o'quvchilarning ijodiy salohiyatiga turtki bo'ladigan, ularni mantiqiy fikrlashga, yaratuvchanlik, ijodkorlik qobiliyatlarini shakllantirishga asos bo'ladigan uy vazifalari, topshiriqlarini tayyorlab kelishi zarur. Bu topshiriqlar ma'lum grammatik mavzu asosida yoki ijodiy topshiriq bo'lishi mumkin. Muhimi, vazifa noan'anaviy shaklda bo'lib, o'quvchilar bu topshiriqlarni sidqidildan qiziqib bajarishsin. Shunda o'quvchida kelgusi darsda rang-barang ijod namunalarini o'qishga oshiqishi, darsga bo'lgan qiziqishi kuchayib, dars samaradorligi ta'minlanadi.

Quyida tajribamizda sinalgan ana shunday uy vazifalaridan namunalar keltiramiz.

«Fikrni davom ettiring» topshirig'i

Bu topshiriqda o'quvchilarga ma'lum fikr berilib, uni mantiqan davom ettirish topshiriladi.

Ilmda cho'qqi yo'q, ammo...

- g'alaba bor, donolik bor.
- inson umrida boqiylik.
- ammo uning nurli manzillariga intilish naqadar yoqimli.

Yuz bema'ni kitob mutolasidan, bir nodonning suhbatini afzal, zero...

- nodon insonning so'zidan ham dono fikr izlamoq, insonning fahmli ekanligidan dalolatdir.

Kitob o'qimagan kimsa...

- ilm bog'iga begona.
- ong-u tafakkurdan ayro jism kavidur.

Donishmanddan so'rashibdi: dono va nodonning o'rtasida qanday farq bor deb...

- Dono ilm o'rgatar,
- Nodon qiliq o'rgatar.
- Dono – bilim,
- Nodon – zulm.

Dengiz qanchalik to'lib-toshmasin, daryo suviga muhtoj...

- O'quvchi qanchalik zehni bo'lmasin, ustoz tarbiyasiga tashna.

«Mitti ishoralar»

Bu o'yinda o'quvchilar bir so'zda ham falsafiy, ham badiiy ma'no ifodalashlari kerak bo'ladi.

Maqtanchoqlik – o'z asirini adashtiruvchi soya.

Eshik – manzil yaqinligini bildirib, qalblarga iliqlik hadya aylovchi mash'al.

Tugma – libosning ikki yonini doimo birlashtirishga urinuvchi sovchi.

«So'z o'yini»

Bu topshiriqda so'zning shakl va ma'no munosabatlari asosida she'riy satrlar ijod qilinadi, so'z o'yinlaridan foydalaniladi.

Ba'zi vaqtlar arg'amchiga madad bo'lar **qil**,
Shunday ekan sen do'stingga doim
yordam **qil**.

Bugun juda nurli bo'lib chiqqan edi **kun**,
Chunki bugun yangi tongning fayzi edi **kun**.

Bulutlar ham to'zg'ib, ochilgandi **ko'k**,
Quyosh nuri ila olam bo'ldi **ko'k**.

Bu payt shamol birozgina olmoqchiydi **dam**,
Endi havo dimligidan qaytar edi **dam**.

Tikmoqchi bo'ldim bir kuni **tugma**,
Oyim dedi: «Ipni noto'g'ri **tugma!**».

Bordir bir qush laqabi **mayna**,
Bu haqda bilmasang qilishar **mayna**.

Ortiga ham qaramay yugurardi **To'xtasin**,
Singlim dedi zorlanib: «Shoshmay tursin,
to'xtasin!»

Mazali mevalardan biri bu **olma**,
Ammo uni aslo beruxsat **olma!**

«Qofiyadosh topishmoqlar»

Bu topshiriq o'quvchining so'z boyligini va topqirlik salohiyatini oshiradi.

K dan boshlansam har on,
Qornim to'la mis, liron.
N dan boshlansam agar,
Ulug' ne'matman har gal.
(kon, non)

Ona tilida esga ol,
Meni derlar bo'lak...
Qattiq **X** dan kelsam gar,
Mendirman yuzdagi...
(hol, xol)

G dan kelsam agar,
Men iforliman, qara.
K li bo'lib qolsam gar,
Bo'lib qolaman zarra.
(gul, kul)

T dan kelsam,
Yemishdirman tovuqqa.

S dan kelsam,
Rang, nurdirman quyoshga.
(tariq, sariq)

O' harflidirman
Xayoling menman.
U harfidanman
Turar joyingman. (o'y, uy)
Boshlansam **T** dan,
Qon o'tar mendan.
Boshlansam **P** dan
Men tog'lardanman. (tomir, Pomir)

«Alifboli topishmoq»

Ushbu topshiriq fonetika bo'limini mustahkamlash, alifbo tartibini esda saqlash va ijodkorlikda qo'l keladi.

A dan boshlansam agar shirin, totli ne'matman.
(asal)

B dan boshlansam agar sitruslarda qimmatman.
(banan)

D dan boshlansam agar suvda insonlar do'sti.
(delfin)

I dan boshlansam agar insonlarga qo'riqchi.
(it)

J dan boshlansam agar polaponman men jaji.
(jo'ja)

K dan boshlanganman-u bir kungina yashayman.
(kapalak)

L dan boshlansam agar bahorni qarshilayman.
(lola)

M dan boshlansam agar baroqvoy bir hayvonman.
(mushuk)

N dan boshlansam agar eng muqaddas ne'matman.
(non)

O dan boshlansam agar temirga boy mevaman.
(olma)

Bong, tong, zang so'zlarin bir bo'g'inda yozaman.
Yod oling ash'orimni
Alifbo tartibida.
Harflar ketma-ketligi
Esdan chiqmaydi sira.

«Raqamlar bo'ylab sayohat»

Mazkur topshiriq son so'z turkumini mustahkamlash, badiiy tasavvurni boyitishga yordam beradi.

Birinchi dan siz o'ylang,
Shoshmay bamaylixotir.

TA'LIMI

Sonlarni boshlab berib,
Gerdayib turadi «bir».



«Ikki» degan son bordir,
U ikkichiga yordir.
Dars qilmasang, albatta,
Ikki baho tayyordir.
Har tong turib, to'plab kuch,
Mashq qiling bir, ikki, uch.



Shunda sog'lom bo'lasiz,
Kuch-quvvatga to'lasiz.
Bilim bo'lsa bir oz mo'rt.
Senga hech ikkilanmay
Qo'yishadi yaxshi «to'rt».



Donolar do'st bo'ladi
Ustoz aqllilarga



«besh» bahoni qo'yadi.
Bu son kelishiklarning
Shakliga ham teng bo'lar.



Olti soni bahoda
Qiymati ham keng bo'lar.
Haftada bor yetti kun,
Ta'lim borasida ham
Maktab yoshi «yetti» da.



Sayyoralar yig'ilib,
Qo'shilsalar quyoshga.
Bu sanoq son qaysidir?



«Sakkiz» son kelar o'yga.
Har fasl gali kelib,
Ketayotgan vaqtda.
Bu son bilan faqatgina,



«to'qqiz» oydan o'tgach yana
Uchrashamiz shu vaqtda.
Bu sanoq sonimiz-chi,
Ikki xonali bo'lib,
Qarshimizda turar «o'n»
Kiyib olib yangi to'n.



«Ranglar falsafasi»

Bu topshiriqda o'quvchilar ranglarni falsafiy idrok etib, ularni badiiy talqin qilishadi. Ushbu topshiriqdan sifat, aniqlovchi mavzularini tahlil qilishda foydalanish mumkin.

Oq rang – poklik timosli,
Sariq rang – quyosh nuridir,
Moviy rang – osmon tusidir,
Yashil – go'zal bog' erur,
Oq rang – oppoq qor erur,
Qora rang – zulmat dog' erur.
Qizg'ish rang – kun botishi,
Siyoh rang – tong otishi.
Dunyo shunday rang-barang,
Bu ranglarga bir qarang.

Bunday ko'rinishdagi ijodiy uy vazifalari o'quvchini insho, bayon, matn yaratishiga zamin hozirlaydi. O'quvchida so'zga mas'uliyat hissi paydo bo'ladi, notiqlik mahorati oshadi va voqea-hodisalarni badiiy idrok etish ko'nikmalari shakllanadi. Zero, bugungi zamonaviy ta'limning maqsadi o'quvchilarning ijodiy fikrlash ko'nikmasini orttirish, fikrda ilg'orlik hissini tarbiyalashdan iboratdir.

Izoh: Keltirilgan misollar o'quvchilarning ijodiy uy vazifalari asosida tayyorlandi.

G'AFUR G'ULOM IJODINI O'RGANISH TAJRIBASIDAN

Havasxon SHOKIROVA,
filologiya fanlari nomzodi,

Farg'ona viloyati aniq va ijtimoiy fanlarga ixtisoslashtirilgan
1-maktab-internatning oliy toifali o'qituvchisi

So'z qo'llash va u bilan bog'liq ta'sirchan holatlarni yaratishda akademik adib G'afur G'ulomning alohida o'rni bor. Ijodkorning «Sen yetim emas», «Bizning ko'chada ham bayram bo'lajak», «Vaqt» she'rlari, «Shum bola», «Yodgor» kabi hikoya va qissalari o'zbek mumtoz asarlari xazinasini boyitgan.

Adabiyot fanidan uzviylashtirilgan o'quv dasturiga ko'ra 5-sinfda G'afur G'ulomning «Mening o'g'rigina bolam» hikoyasi, 6-sinfda «Shum bola» qissasi, 8-sinfda esa «Sog'inish», «Vaqt» she'rlari o'rganiladi. Ko'rinib turibdiki, deyarli har bir sinfda G'afur G'ulom ijodiga murojaat qilinadi.

Darsni o'quvchilarni shoirning hayoti va ijodi bilan tanishtirishdan boshlash lozim. Dars jarayonida «Blits-so'rov» usulini qo'llash yaxshi samara beradi. Ushbu usul orqali o'quvchilarning G'afur G'ulom faoliyatini qay darajada bilishi aniqlanadi. Bu usulni o'quvchilar guruhlariga bo'lingan holda AKT orqali bajarishlari maqsadga muvofiq.

Bundan tashqari, «Sabab-oqibat» usulida guruh ishini tashkil qilish mumkin: Buning uchun guruhlariga bo'lingan o'quvchilarga turli shakllar yasab, ana shu shakllarga yozuvchi ijodi bo'yicha nimani o'rganmoqchi ekanligini yozish vazifasi topshiriladi. Guruh a'zolari uni xattaxtaga yoki alohida berilgan A-3, A-4 formatli qog'ozga yopishtirishlari mumkin. Ahamiyatlisi shundaki, bu topshiriqlarni o'quvchilar alohida yoki guruh bo'lib kompyuterda bajarishlari mumkin.

Dars so'nggida esa o'quvchilar bugungi darsda nimalarni o'rganganliklarini yana rangli shakllarga yozib, avvalgi qog'ozlariga yopishtiradilar. Muayyan to'liq holatdagi shakllardan biror narsa hosil bo'ladi. Masalan, nimani o'rganmoqchi ekanliklarini yoproqlar holida, yangi ma'lumot olganliklarini gul barglari misolida ifodalashlari mumkin.

Ko'rinib turibdiki, mazkur usulda o'quvchilar o'zlarini nazorat qila oladilar, ya'ni o'zlaridagi bo'shliqni to'ldirishga harakat qiladilar. Bilmoq-

chi bo'lgan ma'lumotlarini sababini ko'rsatadilar. Oqibat – dars so'nggida nimaga erishganliklarini, bo'shliqlar o'rni qaysi ma'lumotlar bilan to'lganligini bayon etadilar.

5-sinf darsligida berilgan «Mening o'g'rigina bolam» hikoyasini o'rganishda «Bumerang», «Zanjir», «To'xtab o'qish» usullaridan foydalanish yaxshi natija beradi. O'qituvchi o'quvchilar bilan birgalikda harakat qilishi ushbu mashqlarning oson va tushunarli bajarilishini ta'minlaydi. Har bir guruh va har bir o'quvchi «Insert» texnologiyasi asosida quyidagicha ishlashlari mumkin:

1-slayd «Insert» texnologiyasi

Ma'lumotlar	«B»	«?»	«+»	«-»
1. Zamon og'irlashgani sayin o'g'rilar ko'paygan.	«B»			
2. O'g'rilar insofli bo'ladimi?			«+»	
3. Qora buvi o'g'rini taniydi.				«-»
4. Bola o'g'rini taniydi va hech kimga aytmaydi.		«?»		

«Insert» texnologiyasini qo'llashda o'quvchilar individual tarzda o'z shaxsiy qarashlarini maxsus belgilar orqali ifodalay oladilar. Maxsus belgilar quyidagilardan iborat:

«B» – bu ma'lumotni bilaman.

«?» – ushbu ma'lumotni bilmayman.

«+» – bu ma'lumot men uchun yangilik.

«-» – mazkur ma'lumot yoki fikrga qarshiman.

Bunda o'quvchilar bir-birlarining javoblarini tahlil qilishlari va fikr-mulohazalarini bildirishlari mumkin.

Bu mashqni bajarish davomida har bir o'quvchi kompyuterda ushbu jadval bilan ishlar

ekan, hikoyani to'g'ri tahlil qilishga, uning kichik detallarigacha nazardan qochirmaslikka va imlo xatolariga yo'l qo'ymaslikka harakat qiladi.

Atoqli adib G'afur G'ulomning «Shum bola» asari dunyodagi ko'plab xorijiy tillarga tarjima qilingan. Mazkur asarni o'rganish jarayonida o'quvchilar e'tibori Shum bolaning xulq-atvori, kechinmalari va odamlarga munosabatiga qaratiladi. Bunda «**SWOT – universal tahlil**» texnologiyasi qo'l keladi.

Buning uchun kompyuter ekraniga bo'sh jadval joylashtiriladi yoki A-3, A-4 formatli qog'ozlarda chizilgan jadvallar o'quvchilarga tarqatiladi. Ular Shum bolaning kuchli, zaif tomonlarini, uning o'sha paytdagi imkoniyatlari, unga tashqi ta'sirlarni izlab topishlari va jadvalga tushirishlari lozim. Uni guruhlardan bir o'quvchi taqdim qilishi mumkin. Har bir o'quvchi o'zining tahlilini tayyorlashi, uni izohlab, yangi fikrlar bilan boyitishi asar qahramonini yanada yaxshi o'rganishiga zamin yaratadi:

2-slayd

«**SWOT – universal tahlil**»

Kuchli tomonlari	Zaif tomonlari
Jasur, jo'mard, tirishqoq, ziyarak, hozirjavob, so'zamol	Yolg'onchi, betgachopar, o'zibilarmon
imkoniyatlari	Tashqi xavf-xatar
Sezgir, hiylakor, dadil, kuzatuvchan	Yetimligi, boshpanasizligi

Dars jarayonida muammoli vaziyatlar yaratish va uning yechimini topish ham dars sifatini oshiradi. Shuning uchun «**Muammo**» texnologiyasini ham shu o'rinda ko'rsatib o'tamiz:

3-slayd

«**Muammo**» texnologiyasi

Muammoning turi	Muammoning kelib chiqish sabablari	Muammoni yechish yo'llari va sizning harakatlaringiz
Shum bolaning uydan chiqib darbadar yurishi	Zamonning og'irligi	Shum bolaning uyga qaytishi va uni zamonamiz bolalari bilan qiyoslash

Darslikda eslatib o'tilganidek, «Shum bola» asarini o'qib chiqish o'quvchilarga qo'shimcha topshiriq tarzida berilgani ma'qul. Mustahkamlash darsida «**Galereya**» texnologiyasidan foydalanish mumkin. Ushbu texnologiya «Shum bola» asarini to'liq qamrab olgan holda, kichik

guruhlarda tashkil qilinadi. Har bir guruhga Shum bolaning yangi bir sarguzashtini tasvirlash vazifasi topshiriladi. Guruh a'zolari topshiriqni qog'ozda bajaradilar va uni sinfning istalgan joyiga (doska, devor yoki eshikka) yopishtiradilar. Har bir guruh o'z ishining taqdimotini tayyorlaydi. Navbati bilan taqdimot o'tkaziladi. O'qituvchi va barcha o'quvchilar birgalikda «ko'rgazma» oldiga boradilar, taqdimotni tinglab, shu asosda savollar beradilar. Ushbu texnologiya o'quvchilarning erkin mushohada yuritishiga yo'l ochadi, ayni chog'da mavzuni to'liq o'zlashtirish imkonini beradi:

4-slayd

«**Galereya**» texnologiyasi



«Sog'inish» va «Vaqt» she'rlarini «Sinkveyn», «Zinama-zina», «Olmos» mashqlari orqali o'quvchi ongiga yetkazish mumkin. Ayniqsa, adib ijodi yuzasidan o'rganilgan bilimlarni mustahkamlashda «Skarabey», «Akvarium», «Labirint» va «Piramida» texnologiyalarini qo'llash dars samaradorligini oshiradi.

G'afur G'ulom ijodini o'rganish jarayonida adib asarlarining til xususiyatlarini ham e'tibordan chetda qoldirmaslik lozim. Shu o'rinda «Shum bola» asarida ishlatilgan quyidagi maqol va iboralarga to'xtalsak: «Og'zi qaro – alomat, ichi qizil – qiyomat», «Sheriklik oshni it yemas», «Ashulaga osh-non beradi», «Qora po'staktan burga qidirish qiyin», «Ikki quyonni quvlagan birisini ham tutolmas». Mazkur maqol va iboralar o'z o'rnida mohirlik bilan qo'llanganki, ulardan birortasini olib tashlab, boshqasiga almashtirib bo'lmaydi.

Xulosa qilib aytganda, G'afur G'ulom asarlarini o'rganishda yuqoridagidek ilg'or pedagogik va axborot-kommunikatsion texnologiyalaridan unumli foydalanish maqsadga muvofiqdir. Bu o'quvchilarning darsni yaxshi o'zlashtirishlariga, adabiyotga bo'lgan qiziqishlarining o'sishiga zamin yaratadi.

КЕЛИНГ, ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНАМИЗ!*

LESSON 12 LET'S LEARN ABOUT JOBS! (Келинг, касбларни ўрганамиз)



Эслатма: Хурматли журналхонлар! Журналимизнинг аввалги сонида, яъни 11-дарсда оила ҳақида суҳбатлашишни ўрганган эдингиз. Журналнинг мазкур сонида ҳам оила мавзуси давом эттирилиб, энди оила аъзоларининг касб-корлари ҳақида ўрганиб оласиз. Шу боис бу дарсни ўзлаштиришдан олдин 11-дарсни яна бир марта такрорлаб олишингизни тавсия этамиз.

1a Read the job words and say them in Uzbek.

actor [ˈæktə], actress [ˈæktɹəs], engineer [ˌendʒɪˈnɪə], businessman [ˈbɪznəsmən], businesswoman [ˈbɪznəsˌwʊmən], doctor [ˈdɒktə], student [ˈstjuːdənt], teacher [ˈtiːtʃə], architect [ˈɑːkɪtekt], computer programmer [kəmˈpjʊːtəˈprəʊgræmə], electrician [ɪˈlektɹɪʃn], model [ˈmɒdl], housewife [ˈhaʊswaɪf], scientist [ˈsaɪəntɪst], secretary [ˈsekɹɪtəri]

1b Read the words for your partner to listen and repeat.

2 Look at the photos. What words can you see?



3a Read for your partner to listen.

My Family

John Adams

Our surname is Adams. We are from New York in the United States. My dad and my grandmother are from Washington. My grandfather is from California. He is a doctor.

My father's name is Andrew. He is an engineer and he is thirty-eight. Dad's favourite film star is Steven Segal. My mum is a businesswoman. Her name is Kate and she is thirty-five years old. Her favourite pop stars are The Beatles. Mum's favourite music is not jazz.

My brother's name is Frank. He is a student at university in New York. He is twenty years old. Frank's favourite star is Julia Roberts. She is an actress.

I am seventeen. I am at school. My favourite singer is Jennifer Lopez. Her songs are great!

3b Write their names.

mother:

father:

son:

son: John

3c Answer the question. What are the jobs of these people?

Kate, Julia Roberts, Steven Segal, John's grandfather, Andrew, John

Example

Kate is a businesswoman.

4a Read the rules with your partner.

Грамматик маълумотлар

Артикль

Артикль мавзуси кенг бўлганлиги учун мазкур дарсда фақат ноаниқ артикль хусусидаги бошланғич тушунчалар ҳақида сўз юритамиз. Ушбу мавзу бошқа дарсларимизда ҳам давом эттирилади.

Инглиз тилида артикль отлар олдида ишлатилувчи белги ҳисобланади. Ўзбек тилида эса бундай махсус восита йўқ. Инглиз тилида 2 хил артикль мавжуд:

TA'LIMI

1) ноаниқ артикль — *a, an*;

2) аниқ артикль — *the*.

A ноаниқ артикли ундош товуш (м-н, *b, c, d, f, g, h* товушлари) олдидан ишлатилади: ***a book, a coat, a house, a letter, a new idea***;

an ноаниқ артикли эса унли товуш (м-н, *a, e, i, o, u* товушлари) олдидан ишлатилади: ***an address, an egg, an idea, an old house***;

a ёки *an* артикли ундан кейин келувчи ҳарфнинг айтилиши эмас, балки унинг талаффузига кўра танлаб олинади:

1) ***a house, a hand, a head***, ЛЕКИН ***an hour*** [ауə] (*h* ўқилмайди, шунинг учун *hour* нинг талаффузи худди *our* кабидир);

2) ***an uncle, an umbrella***, ЛЕКИН ***a university*** (*you-niversity* деб талаффуз қилинади), ***a European*** (*you-ropean* деб талаффуз қилинади), ***a uniform*** (*you-niform* деб талаффуз қилинади);

3) ***an orange, an office***, ЛЕКИН ***a one-pound stamp*** (*won-* деб талаффуз қилинади).

a/an фақатгина бирликдаги саналадиган отлар олдидан ишлатилади. Улар кўпликдаги отлар ва саналмайдиган отлар олдидан ишлатилмайди:

Бирликдаги саналадиган от	Кўпликдаги саналадиган от	Саналмайдиган от
<i>a house</i> <i>a car</i>	<i>houses</i> (<i>a-houses</i>) ЭМАС <i>car</i>	<i>air</i> (<i>an-air</i>) ЭМАС <i>petrol</i>

Бирор нарсанинг нима эканлигини, бирор кимсанинг қандай кимса эканлигини айтишда ҳамда бирор кимсанинг касби ҳақида гапирилганда *a/an* ноаниқ артикли ишлатилади. М-н:

A pony is a small horse. Canada is a big country.
He is a nice person. My father is a teacher.

4b Look at the examples from 3a.

a *He is a doctor.*

My mum is a businesswoman.

an *He is an engineer.*

She is an actress.

4c Listen and repeat.

5 Match *a* or *an* with the words in 1a.

Example

an architect

6 Read the sentences about Nora's family. Put in *a/an* where necessary.

Example

a sports teacher

My dad, Alex, is sports teacher. His favourite star is Claudia Schiffer. She is model and actress from Germany.

My mum, Maria, is secretary. Her favourite star is Leonardo DiCaprio. He is actor from the United States.

My sister, Alice, is student. Her favourite star is David Beckham. He is sports star.

7a Read the rules with your partner.

Грамматик маълумотлар

Отларнинг қаратқич келишиги — 's

Отларнинг қаратқич келишиги — 's кўпинча одам ва ҳайвонни англатувчи отларнинг охирига қўшилиб, эгаликни, тегишлиликни ифодалайди ва ўзбек тилидаги «-нинг» деган қўшимчага тўғри келади:

John's bike (Жоннинг велосипеди);

the teacher's book (ўқитувчининг китоби);

Jane's brother (Жейннинг акаси);

Sally's eyes (Саллининг кўзлари).

Отларнинг қаратқич келишиги — 's бирликдаги ва кўпчилиги -s билан тугамайдиган отларнинг кўпчилиги (масалан: *men, women, children, people* ва ҳ.к.)га қўшилади. Масалан:

the boy's house, Chris's birthday

the children's park

Кўпчилиги -s билан тугайдиган отларнинг кўпчилигидан кейин эса фақатгина «'» апострофи қўшилади, холос. Масалан:

my parents' bedroom

her friends' school

Таққослаймиз:

the student's books (талабанинг китоблари)

the students' books (талабаларнинг китоблари)

7b Look at the examples from 3a.

Dad's favourite film star is Steven Segal.

Mum's favourite music is not heavy jazz.

Frank's favourite star is Julia Roberts.

John's grandfather is a doctor.

7c Listen and repeat.

8 Write sentences. Are the sentences true (T) or false (F)?

Example

1 John's family is from the United States. T

1 John/family/from Poland

2 His family/surname/Adams

3 His dad/name/Sam

- 4 His mum/favourite pop stars/The Beetles
- 5 His brother/name/Frank
- 6 John/favourite pop star/Backstreet Boys

- 5 teacher
- 6 electrician
- 7 scientist
- 8 businesswoman

9a Write sentences about the people in your family.

names – jobs – favourite star

Example

My mum's name is Adolat. She is a teacher. Her favourite star is Alisher Uzokov.

9b Work in pairs. Ask and answer the questions.*What is your mum's name?**What is your mum's job?**Who is her favourite star?***10a Read the rules with your partner.****Грамматик маълумотлар****Ўрин предлоги — at**

7-дарсда Сиз «from» предлоги ҳақида ўрганиб олган эдингиз. Мазкур дарсда эса яна бир предлог — «at» предлоги ҳақидаги маълумотга эга бўласиз.

«at» предлоги тез-тез бирор нарсанинг бирор жойда эканлигини айтишда ишлатилади ва ўзбек тилидаги «-да» деган қўшимчага мос келади.

I'm at Anvar's house. (Мен Анварнинг уйидаман.)

Change trains at Pakhtakor Station. (Пахтакор бекатида бошқа поездга ўтиринг.)

Wait for me at the bus stop. (Мени бекатда кутинг.)

10b Look at the example of at. Complete the sentences with at or from.**Example**

He is a student at university.

- 1 My brother is university in London, Britain.
- 2 My family is Britain.
- 3 I am school now.
- 4 My teacher is Bristol.
- 5 My mum ishome now.
- 6 She isLiverpool.

Қўшимча грамматик машқлар**a / an****1 Write a or an.**

1 a student

2 an engineer

3 pop star

4 actress

a / an**2 Write a or an in the correct place.**

- 1 My parents are from Rome. My dad is a teacher.
- 2 My sister is student. She is at university in Istanbul.
- 3 My mother is actress. She's great!
- 4 Our brother is architect. His name's Andy.
- 5 Their daughter is engineer and their son is actor.
- 6 He isn't electrician. He's engineer.

Possessive 's**3 Write 's in the correct place.**

- 1 Chris is Mark's brother.
- 2 You are my daughter teacher.
- 3 Nick is Angela father.
- 4 What is your mother name?
- 5 Linda favourite star is Johnny Depp.
- 6 What is your dad job?

to be or possessive 's?**4 Write P for possessive 's or write is.**

- 1 She's a model. is
- 2 Dad's sister is a student P.
- 3 John's favourite star is David Beckham.
- 4 Megan is Jamie's sister.
- 5 Jamie's at school.
- 6 What is your brother's name?
- 7 Who's your favourite star?
- 8 Adam's sixteen.

a/an, to be, possessive 's**5 Correct the mistakes.**

- 1 ~~Shes~~ She's an engineer.
- 2 My ~~sisters~~ husband is a doctor.
- 3 ~~Where he~~ from?
- 4 ~~Mark~~ favourite pop group is Westlife.
- 5 His mum is ~~a~~ architect.
- 6 Are you ~~an~~ student?

Prepositions**6 Circle the correct word.**

- 1 We're at / from Cambridge.
- 2 They aren't from/at the cinema.
- 3 My teacher is at/from school now.
- 4 Where are you from/at?
- 5 Is your sister at/from university?
- 6 Are your parents from/at home?
- 7 Are they at/from the United States?

Лутфулло Жўраев

РУБОИЙ ВАЗНЛАРИ

7-дарс

Лайло ШАРИПОВА,
филология фанлари номзоди,
Бухоро давлат университети доценти

Рубоий ва мураббаъ сўзлари ўзақдош бўлиб, «тўртлик» маъносини англатади. Аниқроғи, «мураббаъ» арабча сўз, у «рубойий» сўздан ҳосил бўлган. Рубоий тўртлик бўлса, мураббаънинг ҳар банди тўртликдан иборат. Рубоий фақат ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам шажарасида битилади:

Ғур-бат-да / ға-риб шо-/д(у)-мон бўл-ма-/ с э-миш, 11
- - V / V - V - / V - - V / V -
Эл ан-га / ша-фи-қу меҳ-/ри-бон бўл-ма-/ с э-миш. 13
- - V / V - V - / V - - V / V -
Ол-тин қа- / фа-с ич-ра гар / қи-зил гул бут-/ са, 12
- - V / V - V - / V - - / -
Бул-бул-ға / ти-кан-де к-о-/ш(и)-ён бўл-ма-/ с э-миш¹. 12
- - V / V - V - / V - - V / V -

Юқоридаги рубоийнинг 1-сатри ўн бир бўғиндан иборат бўлиб, ўқилиш жараёнида оҳанг мукамаллиги зарур бўлгани учун икки ўринда ўта чўзиқ ҳижо тарзида ўқилади. «Ғариб» сўзидаги 2-бўғин «шодмон» сўзидаги 1-бўғин ўта чўзиқ ҳижо ҳисобланади. Натижада, мисраининг вазни ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажаб эканлиги маълум бўлади. 2-сатрда ўта чўзиқ ҳижо йўқ. 4-сатрда «ошён» сўзидаги 1-бўғин ўта чўзиқ саналади ва 2-4-сатр вазни 1-сатр билан бир хил бўлади. 3-сатр 12 бўғин – 12 ҳижо бўлиб, битта ўринда васл бор, вазни ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи аслами абтар. Кўринадики, рубоий ахраб шажарасида ёзилган;

Мураббаъ вазни ҳақида бундай деб бўлмайди, у исталган вазнда ёзилади:

Бул-бул-/ да-йин-ким/ фар-ёд / э-тар-ман,
- - / V - - / - - / V - -
Ишқ даф-/та-ри-ни / бун-ёд / э-тар-ман.
- - / V - - / - - / V - -
Кўнг-лум /-ни бир дам / ман шод / э-тар-ман,
- - / V - - / - - / V - -
Ёр-га / е-тар кун / бор-му,/ ё-рон-лар².
- - / V - - / - - / V - -

Ҳазрат Навоий фаъулун рукнининг зиҳофлари олтига эканини айтиб, тўртинчиси «Салм» – фаъулунда «фоъ» исқотидур, ўвлун қолур; фалун анинг ўрнига қўярлар», – деб ёзган³. Бобурда 7 та дейилган, бу ҳақда кейинги дарсда фикр юритсак. Бу ўринда керакли жиҳати шуки, фаълун дейилса, маъқул. Негаки, фаъулун чизмаси: V – – бўлиб, тўртинчи зиҳофида «ўвлун» қолса, чизмаси – – тарзида чизилади. Чўзиқликни билдириш учун ҳеч бўлмаса «ъ» ёзилгани маъқул, «Мухтасар»да шундай берилган. Хуллас, мураббаъ мутақориби мусаммани аслам вазнида иншо этилган.

Арузшунос А.Ҳожиаҳмедовнинг рубоий вазнларини аниқлаш усуллари ҳақидаги фикрлари ўқувчига тўғри йўл кўрсатади: «Рубоийлар вазнини аниқлаш учун, аввало, шеърнинг ҳар бир мисрасини ифодали ўқиш, бу жараёнда эса ўта чўзиқ ҳижоларнинг ўқилиши, васл ҳодисасига алоҳида аҳамият бериш, яхшиси ўта чўзиқ ҳижолар ҳамда васл белгисини кечиктирмай, ўқиш чоғидаёқ қўйиб қўйиш маъқул»⁴. Гап шундаки, рубоий вазни бир хил бўлмаслиги мумкин. Бу, тўғри. Аммо тарона рубоийда бўғинлар сонининг жиддий фарқ қилмаслиги унинг вазнини аниқлашда қулайликни юзага келтиради, буни «Ғаройиб ус-сиғар» мисолида далиллаш мумкин:

Ё-шун-ға-/ н э-миш қо-ра/ бу-лут-қа мо-/ҳим,
- - V / V - - V / V - V - / -
Гар-дун-ни / со-вур-моғ-ли-/ қ э-рур дил-хо-/ҳим.
- - V / V - - V / V - - - / -
Кир-миш қо-/ра туф-роқ-қа / қу-ёш-дек шо-/ҳим,
- - - / V - - V / V - - - / -
Нев-чун қо-/ ра қил-ма-сун / қу-ёш-ни о-/ҳим.
- - - / V - V - / V - V - / -

Бу рубоийнинг вазни 1-мисрада ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақбузи абтар; 2-мисрада ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар; 3-мисрада ҳазажи мусаммани ахрами макфуфи

солими абтар; 4-мисрада ҳазажи мусаммани ахрами мақбузи абтар. Кўринадики, вазн номи бир хил эмас, аммо ўзгариш бир ёки икки рукнда бўлиб, ҳар гал бир-икки ҳижо сифати бошқа хил бўлмоқда. Бу ҳол шеърни ифодали ўқиш жараёнига жиддий таъсир қилмайди. Хосса рубоийни ифодали ўқиш жараёнида 3-мисра бошқа сатрлардан алоҳида ажралиб туради, қолган 3 мисра ўзаро уйқаш оҳангда ўқилади. Вазнида ҳам шундай ҳолатми? Мисол:

Жон-дин се-/ ни кўп се-вар-/ ме-н, эй ум-ри / а-зиз,
- - V / V - V - / V - - V / V -
Сон-дин се-/ни кўп се-вар-/ме-н, эй ум-ри / а-зиз.
- - V / V - V - / V - - V / V -
Ҳар не-ни-/ки сев-ма-к ан-/ди-н ор-тиқ бўл-/мас,
- - V / V - V - / V - - - / -
Ан-дин се-/ни кўп се-вар-/ме-н, эй ум-ри / а-зиз⁵.
- - V / V - V - / V - - V / V -

Назаримизда, «Андин» сўзи икки ўринда ҳам «ондин» бўлса керак. Бу қофия оҳанг мукамаллиги учун ҳам муҳим. Аммо сўз мазмунига таъсир қилмайди. Айрим ўринларда васл ҳодисаси учрагани боис бир бўғиндаги ундошни бошқа бўғинга кўчирдик. Негаки **васл** ёпиқ бўғиндаги охирги ундошнинг вазн талаби билан, имкониятнинг мавжудлигига кўра унли билан бошланган бўғинга кўчиб ўтишидир. Васл бор жойда ҳижола сифатида ўзгариш содир бўлиши мумкин. Юқоридаги рубоийнинг 1-2-4-сатри ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи мажбубда, 3-мисраси ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи аслами абтарда ёзилган. Уч сатрнинг айнан бир хиллиги уларнинг фақат қофия ва радифдан ташкил топгани сабаблидир. Кейинги мисолга эътибор қилинг. Рубоийда ҳам тахаллус қўлланиши мумкин экан:

О-лам бор / э-миш, На-во- / и -ё, шў-ра-/ нгиз, 12
- - - / V - V - / V - V - / -
О-лам до-/ғи эл бош-ти-/ н а-ёғ-р а-нго /-миз, 12
- - - / V - - V / V - V - / -
Ишқ ис-та-/ р э -миш се-ни / а-дам мис-ри / са-ри, 13
- - V / V - V - / V - - V / V -
Бор-ғил-ки, / э-рур эр ти-/ла-ган ер-да / а-зиз. 13
- - V / V - - V / V - - V / V -

1-мисра ҳазажи мусаммани ахрами мақбузи абтар, 2-мисра ҳазажи мусаммани ахрами макфуфи мақбузи абтар, 3-мисра ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи мажбуб, 4-мисра ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мажбуб вазнида ёзилган. Рубоий номларида жиддий тафовут бордай, аслида оҳангда жуда жиддий ўзгариш бўлмайди. Сабаби, ҳар бир сатрда бир ёки икки ҳижода сифат ўзгариши, сатрларда бир ҳижо кам-қўплик бор.

Рубоий ҳақида Навоий ҳазратлари шундай дейдилар: «...Ул йигирма тўрт навъ келибтур ва мажмуъи икки қисмға мухтасардур»⁶. «Мезон ул-авзон»да ҳам, «Мухтасар»да ҳам 24 вазн иккига бўлинган. 12 та ахрам вазнлари, 12 та ахраб вазнлари келтирилган. Алишер Навоий ахрамнинг 12 вазнини уч рубоий, ахрабнинг 12 вазнини уч рубоий мисолида берган. Яъни рубоийларнинг ҳар бир сатри бир вазн номини берган. Уч рубоийдаги 12 сатр 12 вазнда битилган. Қизиғи шундаки, Бобур бошқа мисол келтирмай, айнан устоз Навоий мисолларини такрор келтирган. Биз мисолларни эмас, вазнларни келтирдик. «Мезон ул-авзон» ва «Мухтасар»га таяниб, ахрам ва ахраб вазнларини қуйидагича келтирдик:

Ахрам вазнлари

1. Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби ахтам. мафъ-ув-лун / мафъ-ув-лун / мафъ-ув-лу / фа-увл.
2. Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи ахтам. мафъ-ув-лун / мафъ-ув-лу / ма-фoъ-ий-лу / фа-увл.
3. Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби мажбуб. мафъ-ув-лун / мафъ-ув-лун / мафъ-ув-лу / фа-ал.
4. Ҳазажи мусаммани ахрами аштари макфуфи ахтам. мафъ-ув-лун / фoъ-и-лун / ма-фoъ-ий-лу / фа-увл.
5. Ҳазажи мусаммани ахрами азалл. мафъ-ув-лун / мафъ-ув-лун / мафъ-ув-лун / фoъ.
6. Ҳазажи мусаммани ахрами аслами азалл. мафъ-ув-лун / мафъ-ув-лу / ма-фoъ-ий-лун / фoъ.
7. Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи мажбуб. мафъ-ув-лун / мафъ-ув-лу / ма-фoъ-ий-лу / фа-ал.
8. Ҳазажи мусаммани ахрами аштари аслами азалл. мафъ-ув-лун / фoъ-и-лун / ма-фoъ-ий-лун / фoъ.
9. Ҳазажи мусаммани ахрами абтар. мафъ-ув-лун / мафъ-ув-лун / мафъ-ув-лун / фаъ.
10. Ҳазажи мусаммани ахрами ахраби абтар. мафъ-ув-лун / мафъ-ув-лу / ма-фoъ-ий-лун / фаъ.
11. Ҳазажи мусаммани ахрами аштари макфуфи мажбуб. мафъ-ув-лун / фoъ-и-лун / ма-фoъ-ий-лу / фа-ал
12. Ҳазажи мусаммани ахрами мафъ-ув-лун / фoъ-и-лун / ма-фoъ-ий-лун / фаъ

Ахраб вазнлари

1. Ҳазажи мусаммани ахраби аслами ахраби азалл. мафъ-ув-лу /ма-фoъ-ий-лун / мафъ-ув-лун / фoъ
2. Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи аслами азалл. мафъ-ув-лу /ма-фoъ-ий-лу / ма-фoъ-ий-лун / фoъ
3. Ҳазажи мусаммани ахраби аслами ахтам. мафъ-ув-лу /ма-фoъ-ий-лун / мафъ-ув-лу / фа-увл.
4. Ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи аслами азалл. мафъ-ув-лу /ма-фoъ-и-лун / ма-фoъ-ий-лун / фoъ.
5. Ҳазажи мусаммани ахраби аслами ахрами абтар. мафъ-ув-лу /ма-фoъ-ий-лун / мафъ-ув-лун / фаъ.
6. Ҳазажи мусаммани ахраби мафъ-ув-лу /ма-фoъ-и-лун / ма-фoъ-ий-лун / фаъ.

7. Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мажбуб.
мафъ-ув-лу / ма-фоъ-ий-лу / ма-фоъ-ий-лу / фа-ал.
8. Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи аслами абтар.
мафъ-ув-лу / ма-фоъ-ий-лу / ма-фоъ-ий-лун / фаъ.
9. Ҳазажи мусаммани ахраби аслами мажбуб.
мафъ-ув-лу / ма-фоъ-ий-лун / мафъ-ув-лу / фа-ал.
10. Ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи мажбуб.
мафъ-ув-лу / ма-фоъ-и-лун / ма-фоъ-ий-лу / фа-ал.
11. Ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ахтам.
мафъ-ув-лу / ма-фоъ-и-лун / ма-фоъ-ий-лу / фа-увл.
12. Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мажбуб.
мафъ-ув-лу / ма-фоъ-ий-лу / ма-фоъ-ий-лу / фа-ал.

Адабиётшунос Фитрат эса рубоийни арузнинг қатъий қолипларига сиғмай қолган жанр деб ҳисоблаган ва 24 вазни 15 вазнга келтирган. Уларни ҳижола қараб ўнлик, ўн бирлик, ўн иккилик, ўн учлик ҳижоли рубоийлар сифатида гуруҳлаган. Олим барча арузшунослар асарларини ўрганиб, туркий аруз ҳақида ёзишни, ўрганувчиларга осон бўлишини истаб, рисола ёзган. Бугун ҳам барча манбаларни чуқур ўрганиб, ўқувчи аруз вазнидаги асарларни тушуниши, ифодали ўқиши учун имкон берадиган илмий асарларга муҳтожмиз. “Аруз луғати” шундай эҳтиёж меваси. Фақат уни кенгайтириш зарур.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Адабиёт одоб дарси экан, унинг сабоқлари ёш авлод камолотида муҳим ўрин тутаркан, ўқитилишига алоҳида эътибор қилиш ҳар доимгидан ҳам муҳим.

Адабиёт дарсликлари истиқлол ша-рофатидан баҳраманд бўлаётганлиги, секин-аста мукамаллик касб этиб бораётгани рост. Яна бир жиҳат муҳим: адабиёт сабоқлари оиладан, боғчадан бошланиб, бошланғич таълимда шакллантирилиши зарур. Шу сабаб бадий асар таҳлиliga алоҳида эътибор бериш, таҳлил жараёнида зарур назарий маълумотлар синфма-синф ривож топиши, узвийлик, бир бутунлик касб этиши лозим.

Бугунги кунда «Alifbe» ва «O'qish kitobi»да айрим назарий маълумотлар оз бўлса-да, берилмоқда. Фақат бу жараёни изчиллаштириш лозим. Арузга дахлдор жиҳатини айттайлик.

Бошланғич синфларда аруз вазнидаги шеърларнинг деярли йўқлиги ачинарли ҳол. Ҳолбуки, Алишер Навоий, Бобур рубоийларини ёд олмаган, аруз оҳанглари вужудига сингдирмаган ўқувчи 5-синфда ночор қолмайдими? Ахир ёд олиш қобилияти қуйи синфларда ўта кучли бўлиб, йиллар ўтгани сайин сусайиб боради-да. Бугун компьютерни билаётган, инглиз тилида бурро гапираётган болакай нега мумтоз асарларимизни ўқиши, ундаги мумтоз оҳанглари руҳига сингдириши мумкин эмас.

Бизнингча, бадий асар таҳлили учун зарур билимлар нималардан иборатлигини етакчи олимларимиз системалаштиришлари, унинг ҳар бир жиҳатини қайси синфларда бериб борилиши лозимлигини тақсимлашлари, истаган муаллиф истаган назарий маълумотини истаган синфда бериши ўзини оқламаслигини англашимиз зарур бўлган кунлар келди.

Ҳар бир комил инсон адабиёт сабоқлари сабаб юксалганини тарихимиз қайта-қайта исботлаган. Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маънавий комилликни юзага келтирадиган ҳар бир воситага, жумладан, адабиётга алоҳида эътибор қаратгани жуда муҳим ва барчамизга сабоқдир. Бугун бадий адабиёт халқимизни дунёвий маънавий инқирозлардан омон олиб ўтувчи энг муҳим воситалардан бири экан, унинг таълимига эътиборсиз бўлиш мумкин эмас ва бу боғчадан бошланиши керак.

Айттайлик, «Ўзбек шеърлятида уч вазн бор: 1. Бармоқ вазни. 2. Аруз вазни. 3. Эркин вазн» тарзидаги маълумот ва туюқларнинг ўзи «Alifbe»да, бармоқ вазни, қофия ҳақидаги таъриф 1-синф «O'qish kitobi»да, аруз вазни, радиф таърифи 2-синф «O'qish kitobi»да берилиши мумкин. Бола қийналиб тушунар, аммо ёд олади. Шеър таҳлилининг дастлабки қадамлари қўйилади. Бой мумтоз адабиётимиз маънавий камолотимизни таъминлар экан, унинг таҳсили аруз сабоқларисиз кемтик бўлиб қолар экан, бу сабоқни бошланғич таълимдан бошламаслик ҳам, бизнингча, хато-дир.

¹Алишер Навоий. МАТ. 3-том. Фаройиб ус-сиғар. Т.: Фан, 1988. 573-бет.

²Машраб. Девон. Т.: Янги аср авлоди, 2006. 357-бет.

³Alisher Navoiy. Mezon ul-avzon. TAT. 10-jild. T., G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011. 545-бет.

⁴А. Ҳожахмедов Ўзбек арузи луғати. Т.: Шарқ, 1998. 148-бет.

⁵Рубоий сеҳри. Т., 1986. 36-бет (кейинги мисол ҳам шу манбанинг шу бетидан олинди).

⁶Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. ТАТ. 10-жилд. Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. 557-бет.

РУБОЙИ НАВИСЛАР УСТОДИ

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими

Умар Хайём ва рубоий эгизак тушунчалар: шоир номи тилга олинганда барчанинг кўз олдида Шарқ мумтоз сўз санъатининг машҳур жанри рубоий ва бу жанрнинг беназир устаси Умар Хайём намоён бўлади. Бу бежиз эмас. Абулқосим Фирдавсий маснавийни, Ҳофиз Шерозий ғазални қанчалик такомилга етказган бўлса, Умар Хайём ҳам рубоийни шунчалик юксак мақомга кўтарди.

Киши тафаккури ва туйғуларини ажойиб бир уйғунликда намоён этган рубоий асрлар давомида Шарқ мумтоз шеъриятининг етакчи жанри бўлиб келди. Унинг шаклланиши, ривожланиши ва шуҳрат қозониши Абу Абдулло Рудакий, Абу Али ибн Сино, Абусаид Абулхайр, Умар Хайём, Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Дехлавий, Хоқоний Ширвоний, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фузулий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Мирзо Ғолиб каби дунёга машҳур мутафаккир шоирлар номи билан боғлиқ. Рубоийнинг Шарқ адабиётида қанчалик катта ўрин тугганини шу номлардан ҳам билса бўлади.

Олам ва одам муаммоларини акс эттириши туфайли рубоий шеъриятнинг фалсафий жанри сифатида машҳур. Зеро, рубоийда салмоқли мазмун чуқур фалсафийлик қатига ўралиб, ихчам шакл бағрига жо этилади. Шу боис академик шоир Ғафур Ғуллом рубоий ҳақида: «... олам-олам мазмунларнинг жавҳарини йиғиб, тўрт сатрга сиғдира олиш маҳоратидир. Қатрада – уммон, учқунда – қуёш мазмунини бериш рубоийга хос хусусиятдир»¹, – деб ёзган эди. Ҳикмат ва фалсафа рубоийнинг мағзи бўлганлиги учун ҳам у жаҳон шеъриятининг машҳур жанрларидан бирига айланди.

Буюк математик, мунажжим, файласуф, ҳаким ва мутафаккир шоир сифатида донг таратган Ғиёсиддин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим Хайём Нишопурий 1048 йил 18 майда Нишопурда чодир (хайма) тикувчи косиб оиласида туғилади (Хайём – чодир ясовчи уста, чодир тикувчи, чодирчи). Ёшлигида Балхга келиб, ўша даврнинг таниқли уламо-ларидан Муҳаммад Мансур кўлида таҳсил олади.

Салжуқий шахзодалар ўртасида тож-тахт учун курашлар авжга минган даврда Балхнинг тарк этиб, аввал Самарқанд қозикалони Абу Тоҳир, кейин Бухоро ҳокими Шамсулмулк Қорахоний даргоҳида яшайди. Қадимги қўлёмаларда шоирнинг фавқуллода истеъдоди, кучли қувваи ҳофизаси ва олдиндан башорат қилиш қобилияти хусусида сўз боради. Чунончи, «Исфаҳонда эканида бир китобни етти дафъа ўқуған. Нишопурга қайтғанда шунинг ёддан ёзган. Асл нусхаси билан ёддан ёзилганини ҳеч фарқи бўлмаған»².


«Низомий Арузий Самарқандий қуйидагича хикоя қилади: «Балх шаҳридаги бир зиёфатда хужжат ул-ҳақ Умар Хайёмнинг шундай деганини эшитдим:

– Менинг қабрим ҳар баҳорда шамол устимга гуллар сочиб турадиган жойда бўлади!

Ўшанда менга унинг сўзлари бир оз ғалати туюлган эди, аммо шундай улуғ одам беҳуда гапирмаслигини ҳам билардим.

1135 йили йўлим Нишопурга тушганида Хайёмнинг менда устодлик ҳақи борлиги учун бир жума куни Ҳийра қабристонига – унинг зиёратига бордим. Қабристонни ўраб турган боғ деворидан нок ва ўрик дарахтлари бош чиқариб, қабр устини гулга кўмган эди. Шунда Балх шаҳрида ундан эшитган сўзларим ёдга тушиб, йиғлаб юбордим. Ҳақиқатан ҳам, дунёнинг бирор ерида унинг учун бундан муносиброқ жой топилмас эди».

Умар Хайём 26 ёшида салжуқий ҳукмдор Жалолиддин Маликшоҳ ва унинг маърифатпарвар вазири Низомулмулк даъватига биноан Исфаҳонга келиб, расадхона ташкил этади. Расадхонада фаолият кўрсатган олимлар Хайём бошчилигида 1074–1079 йиллар мобайнида янги ва нисбатан



мукаммал йил тақвимини ишлаб чиқишади. Бу тақвим узоқ асрлар Эроннинг ягона тақвими бўлиб қолди.

Умар Хайём илмда ҳам, ижодда ҳам ўзини шайх ур-раис Абу Али ибн Синонинг ҳассос ва садоқатли шогирди ҳисоблаган. У устозининг бир қатор асарларини, жумладан, «Хутба» фалсафий рисоласини араб тилидан форсчага таржима қилиб, шарҳлаб беради, унинг ғоя ва қарашларини давом эттиради ҳамда тарғиб қилади. «Рисолат ул-кавн ват-таклиф» («Коинот ва унинг вази-фалари ҳақида рисола»), «Рисола фи-л-вужуд» («Борлиқ ҳақида рисола»), «Рисола фи куллиёти вужуд» («Борлиқнинг умумийлиги ҳақида рисола») каби фалсафий асарларида Ибн Синонинг во-риси ва издоши сифатида намоён бўлади. Унинг Ибн Синога эътиқоди шунчалик баланд бўлганки, ҳатто умрининг сўнгги дамларида ҳам «Аш-шифо» китобини қўлидан қўймаган (1131 йил 4 декабрда вафот этган).

1077 йилда у юнон олими Евклид китобидаги бир неча геометрик шаклларни шарҳлаб ёзган «Рисола фи шарҳи мо ашкала мин мусодарат китоб ул-Иқлидис» («Евклид китоби муқаддималаридаги мушкулотлар шарҳи ҳақида рисола») асарида бутун сонларнинг илдизини топиш йўлларини кўрсатиб берган. «Рисола фи-л-бароҳийн ала масойил ал-жабр ва-л-муқобала» («Алгебра ва муқобала (қаршилиқ назарияси) исботлари ҳақида рисола»), «Мушкулот ул-ҳисоб» («Арифметика мушкулотлари») асарларида у юнон олимларининг аниқ фанларга оид фикрларини араб тилида шарҳлаб, уларнинг қарашларини ривожлантирган. Байҳақийнинг лутф этишича, у, айниқса, фалсафий илмлар, математика ва мантиқни жуда яхши ўзлаштириб олган эди.

Қисмат ўйинини қарангки, олим ўз умрининг асосий қисмини сарфлаган фаннинг турли соҳаларидаги буюк кашфиётлари бир чеккада қолиб, у илмий изланишларидан чарчаган пайтларида дафтарларнинг хошияларига битган ва иккинчи даражали ҳисоблаган рубоийлари Хайём номи-ни дунёга танитди.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, рубоий жанрига илк бор Абу Али ибн Сино ўзининг чуқур фалсафий қарашларини сингдирган. Кейин Умар Хайём азал ва абад, олам ва одам муаммолари хусусида рубоийлар яратиб, бу жанрнинг пири устодига айланди. Нафақат улкан инсоний дард ва теран ички кечинмаларни, балки ўша давр ақл соҳибларини қийнаган ўткир ижтимоий ва фалсафий масалаларни рубоийга олиб кирганлиги учун ҳам таниқли шарқшунос И.С. Брагинский Хайёмнинг шеърятисиз нафақат Шарқ, балки «жаҳон шеърятти юксаклигини ҳам тасавуур қилиб бўлмайди»³, деган эди. Рубоийнинг мазмунан

бойиши, янги фалсафий истилоҳларнинг вужудга келиши, рубоий мавқеининг ортиши ва Шарқ шеърятти жанрлари ичида мустақкам ўрин эгаллаши Умар Хайём номи билан боғлиқ.

Хайёмона оҳанглар Абусаид Абулхайр, Бобо Кўхий, Абулҳасан Харақоний, Абдуллоҳ Ансорий, Аҳмад Ғаззолий, Муҳаммад Ғаззолий каби шайх-шоирлар рубоийларида ҳам учрайди, ҳатто айрим рубоийлар ҳам уларга, ҳам Хайёмга нисбат берилди. Чунки Хайём бу шоирлардан ўрганган, таъсирланган, уларга эргашган. Масалан, Абусаид Абулхайр рубоийлари ичида кўплаб хайёмона рубоийларнинг мавжудлиги мавзу ва услуб эътибори билан улар орасида муайян яқинлик борлигини кўрсатади. Форсий адабиётдаги рубоий тарихи ва ривожланиш босқичларини ўрганган арман олимаси А.К.Козмоян ҳам сўфиёна рубоийларнинг айрим муҳим хусусиятларини четлаб ўтиб, Умар Хайём рубоийларига ҳар томонлама ҳаққоний баҳо бериб бўлмаслигини таъкидлаган эди⁴. Н.Комилов эса: «Хайём ижодини батамом тасавуурдан холи деб ҳам айта олмаймиз. Чунки айрим рубоийларнинг мазмунида бу нарса ўта фалсафийлашган кўринишда ифодаланган»⁵, – деб ёзади.

Маълумки, рубоийда лирик қаҳрамоннинг турли кайфияти, руҳий оламидаги эврилиш ва ўзгаришлар, тафаккуридаги зиддиятлар кўпроқ аксини топган. Чунки рубоий ҳар қандай фикр, туйғу туйғилиши, оҳорли ташбеҳ ёки мавзу топилиши биланоқ уни ифодалаш мумкин бўлган қулай жанр. Таржимаи ҳол билан боғлиқ реал туйғуларнинг асосан рубоий жанрида ифодаланиши ҳам шундан. Р. Ҳодизода шундан келиб чиқиб рубоийларни «шоирнинг поэтик кундалиги» деб атаган эди¹⁰.

Фалсафий мушоҳадалардан тортиб табиат ва жамиятнинг мураккаб масалалари, шоир шахсий ҳаётидаги энг кичик лавҳаларгача – ҳамма-ҳаммаси рубоий мавзуи бўлиши мумкин. А. Аминов ёзганидек, «ҳаётий ҳодисалар турли-туман бўлгани каби, рубоий мавзу доирасининг ранг-баранглиги ҳам чегара билмайди»¹¹. Демак, рубоийда бу масалаларнинг барчаси аниқ, лўнда, ихчам, ҳикмат даражасида ва айни пайтда, юксак бадий шаклда ўқувчи ҳукмига ҳавола этилади. Бу жанрда ҳар бир сўз, ибора муайян салмоққа эга бўлади, у ёки бу поэтик мақсадни очишга хизмат қилади. И. Брагинский ва Д. Комиссаров: «Рубоий – бутун бир ҳаёт, чек-чегарасиз инсоний кечинмалар тўрт мисрага жо бўладиган ўзига хос мўъжаз санъат асари»¹², – дея бежиз ёзишмаган.

Умар Хайём рубоийларида фикр қанча теран, мазмун қанча чуқур, мушоҳада қанча кенг бўлса, ифодаси шунча содда, тушунилиши шунча осон, ўқилиши шунча энгил, таъсири шунча кучли. Шу боис Абдурауф Фитрат: «Хайёмнинг рубоийларида бўлган ифода очиқлиги, услуб аўзаллиги, фикр

ўтқурлиги уни бошқа Шарқ шоирларидан юқориға чиқарадур. Хайёмнинг фикр ифода қилишдаги усталигидан фойдаланиш ҳар бир шоир учун кераклик бир ишдир»¹³, – деб ёзган эди. Ўзбек адабиётида рубоийларнинг фалсафий теранлиги ва ифода тарзининг ёрқинлиги жиҳатидан Паҳлавон Маҳмуд ва Мирзо Бобур Умар Хайёмга яқин туради.

Шоир дунё эврилишларига донишмандона босиқлик, таассуф аралаш лоқайдлик билан қарайди: дунёни ўзгартиришки қўлингдан келмас экан, уни деб қайғуриш беҳуда. Унинг учун туғилиш ва ўлим, яхшилик ва ёмонлик, зулм ва адолат, ҳаммаси ўз табиий қонуниятига асосланади:

*Биз бўлсагу бўлмасак, жаҳон бўлғусидир,
Биздан на бирор ном, на нишон бўлғусидир.
Биз илғари йўқ эдигу етмовди халал,
Энди яна бўлмасак, ҳамон бўлғусидир.*

Бу рубоийлар ҳаётийлиги, реал инсоний интилишлар, дарду туйғуларни акс эттиргани учун ҳам кўнгилга яқин. Шоир ҳақиқатнинг кўзига тик қараб сўзлайди. У дунёнинг моҳияти, ҳаётнинг мазмуни, тирикликнинг маъноси хусусида аниқ-тиниқ фикр юритади. Бу рубоийлар шоирона тасаввур-тахайюл, мавҳум самовий хаёллар, анъанавийлик, романтика маҳсули эмас, балки қайноқ турмуш тафтида пишган ҳаётий кечинмалар ҳосиласи:

*Дунё дегани азоб, тириклик эса ғам,
Тақдир дегани бало, замон – зулму ситам.
Хуллас, бу жаҳон ҳолига боқсам кўраман:
Тинч-осуда одам йўқ, агар бўлса-да кам.*

Умар Хайём яшашга лойиқ уй-жойи, тирикчиликка етарли нони бўлиб, шунга қаноат қилган, бировга қул ҳам, ҳоким ҳам бўлмаган оддий инсоннинг турмушини ҳақиқий ҳур, озод ҳаёт сифатида улуғлайди, чинакам инсоний бахт ҳам, ҳузур ҳаловат ҳам шунда эканлигини таъкидлайди:

*Ҳар кимсани бор бўлса ейишга нони
Ҳам ўзига лойиқ уйю ошёни,
Ул қул-да эмас бировга, ҳоким-да эмас,
Бас, қандини урсин ўша – хуш даверони!*

Умар Хайём нигоҳи билан дунёга боқсак, ўзгача бир манзаранинг гувоҳи бўламиз: оёғимиз остидаги тупроқ – «ота-боболар хоки», «сулвлар кўзининг қорачиғи»; гулу кўкатлар – бир маҳаллар «гўзал бир чехра» бўлган; шабнам – «маҳлиқолар юзидаги тер» эса, чанг – «санамлар оразини қоплаган гард». Ҳеч нарса бегона эмас, ҳаммаси кўнгилга яқин – б а р ч а с и ў з и м и з н и к и !

*Ҳар сабзаки, сувнинг бўйдан жой олмиш,
Ул талъати ҳур хаттини ёдга солмиш.
То сабза сари ташла оёгингни аяб,
Ул сабза санам чехрасидаги холмиш.*

Табиатда бўлгани сингари ҳаётда ҳам ҳамма нарса – туғилиш ва ўлим, шодлик ва қайғу, ёшлигу кексалик, орзую армон... ўзаро ўрин алмашиб туради. Шу сабабли, айтайлик, кўклам кайфияти ҳады этган оний сурурдан илҳомланиш шоир учун нишоннинг бир томони бўлса, иккинчи тарафи – юракни кўтаринки ҳисларга тўлдирган бу қувончининг, бу шуқунинг ўткинчилиги. У ҳар қандай қувонч қатида қайғу, ҳар қандай ғам ортида шодлик кўради:

*Боқ, тонг елидан гул этаги чок бўлади,
Булбул етишиб ғунчага қувноқ бўлади.
Гул соясида ўтир, у қумга сингса,
Бизнинг-да вужуд эртага тупроқ бўлади.*

Лаҳза – Хайём ижодида кенг ишланиб, образ даражасига кўтарилган. Унингча, бу дунё қошида, мангулик қаршисида бизнинг умр – ялт этган бир лаҳза. Ўз навбатида, инсон ҳаёти олдида туғилишу ўлим, қувончу қайғу – ҳамма-ҳаммаси лаҳза қатига жо:

*Куфр оламидан дингача бир лаҳза эмиш,
Шак манзилидан чингача бир лаҳза эмиш.
Бас, сен бу азиз лаҳзани хуш ўтказгил,
Умр ўзи шу – ўлгунгача бир лаҳза эмиш.*

Лекин инсон лаҳзада абадиятни кечириши, ҳатто уни яратиши мумкин, унинг буюклиги шунда.

Вақтни мангуликка муҳрласа бўлади. Бунинг учун ўтаётган ҳар бир лаҳзанинг қанотига нимадир илиб улгуриш керак. Чунки елкасида юки бор лаҳзалар абадият, икки қўли бўм-бўш дақиқалар эса йўқлик сари равона бўлади:

*Бўстон сари йўл олди ўшал булбули маст,
Май жомию гул чехрасини топди, абас.
Ул дам унутиб ўзни, қулоғимга деди:
«Қайтмас сира, билгил, ғанимат
ушбу нафас!»*

Шу тариқа, Хайём рубоийлари асосида дунёнинг ўткинчилиги, ўтган лаҳзанинг орта қайтмаслиги, инсонга ҳаёт бир марта берилиши, шундай экан, шод-хуррам яшаш кераклиги каби ғоялар ётади. Бунинг учун у инсоннинг ўлиши, ўлгандан сўнг тупроққа айланиши, бу тупроқдан кулол кўза ясаши, кўзага май қуйилиши сингари тимсол-тушунчалардан кенг фойдаланади. Ҳар қандай мавжудот пайдо бўлиши, ўсиб-униши ва заволга юз тутиши, унинг ўрнини янгиси эгаллаши – ҳаёт абадул-абад шу тарзда давом эти-

ши бу рубоийларнинг моҳиятини ташкил этади. Шу боис ҳаётдаги бир лаҳзалик қувончни қўлдан чиқармасликка, шодон яшашга даъват шоир рубоийларида қизил ип бўлиб ўтади.

*Тонг чоғида ул гулки, кулиб тўкилади,
Ел бирла ҳикоятни қилиб тўкилади.
Ўн кун ичида гул ниш ураб, ғунча тугар
Ҳам очилар ул, ҳидга тўлиб тўкилади.*

Тасаввуф шеърлятида май, ишқ ва бошқа кўплаб тимсол-тушунчалар фалсафий моҳият касб этади. Чунончи, бу таълимотга кўра, олам ҳам, одам ҳам ишқ туфайли яралган, ишқ туфайли барқарор. Бугун биз биламизки, бу дунё оламнинг ўзаро тортишиш кучлари туфайли пойдор. Сўфийлар эса буни Ҳусн ва Ишқнинг бир-бирига интилиши тарзида тасаввур қилишган. Уларнинг ақидасича, оламнинг уйғунлиги, коинотнинг мунтазамлиги ишқ туфайли. Улар «тошнинг ерга тушишини ҳам, сайёраларнинг Қуёш атрофида айланишини ҳам ишқ билан изоҳлашади»¹⁴. Шу сабабли Жалолоддин Румий: «Олам бир вужуд бўлса, ишқ – унинг жони», – деган эди. Зеро, ишқ бўлмаса, одамнинг ўлиқдан, оламнинг қабристондан фарқи йўқ. Ишқнинг дунё, ҳаёт ва инсоннинг бутун мазмун-моҳиятини белгилашини назарда тутиб, Умар Хайём шундай дейди:

*Ишқ – боши жаҳон дафтарининг маъноси,
Ёшлик ғазалин матлаъси – муддаоси.
Эй, англа, хабарсиз юрган ишқ оламидан,
Ишқ бирла яралган бу башар дунёси!*

Мумтоз шеърлятда ишқнинг бунчалик авж пардаларда куйланишига сабаб ҳам аслида шу. Лекин ишқ Умар Хайём рубоийларининг асосий мавзуи эмас. Айтиш мумкинки, соф ишқий рубоийлар унинг ижодида бир нечагина, холос.

Маълумки, мумтоз адабиётда кўнгили улғулини, ҳатто ўрни келганда Каъбадан ҳам юксак қўйилади. Бунинг сабаби: дунё ва нафс

ғуборларидан покланган кўнгилида Худо акс этади. Шунга мувофиқ, синган кўнгилини кўтариш – Каъбани обод қилишга тенглаштирилади. Синиқ кўнгили – рамз: у дунё ва нафс алоийқларидан қутулган ва илоҳий ишқдан бохабар, маърифат сирига ошно бўлган дардли кўнгили. Шоир бу анъанавий ташбеҳнинг миқёсларини кенгайтириб, бир ғариб кўнгилини шод айлаш нафақат Каъбани, балки бутун оламни обод этишдан-да афзал, дейди:

*Билгилки, ғариб кўнгилини бир шод этмоқ –
Создир нечаким – жаҳонни обод этмоқ.
Лутфинг била айласанг асир бир дилни
Ҳеч қошида мингта қулни озод этмоқ.*

Лекин тасаввуфий мазмундаги айрим рубоийларини ҳисобга олмаганда, Умар Хайём олам ва одам муаммоларини умумфалсафа мезони билан ўлчайди. Шу маънода, мутафаккир шоир ижодида биз одамдан ҳам, оламдан ҳам устун турадиган – дунёни қамраб оладиган шафқатсиз фалсафага дуч келамиз. Француз файласуфи Ларошфуко: «Фалсафа ўтмиш ва келажак кулфатлари устидан тантана қилади, лекин бугуннинг қайғуси фалсафа устидан тантана қилади», – дегани каби, Умар Хайём рубоийлари ҳам буюк мутафаккирнинг фалсафий мезонларига бўйсунмаган, уларни ёриб чиққан залворли фикрлар пўртанаси, беором қалбига сиғмаган оташин туйғулар силсиласидир. Агар шундай бўлмаганида, Хайёмнинг исёнкор шеърляти ҳам дунёга келмас эди.

Шарқ адабиётида маънавий-ахлоқий мавзу ҳамisha етакчи ўринда бўлиб келган. Маълумки, панд-насихат қанча ихчам ва ёрқин ифодаланса, шунча таъсирчан ва жозибадор бўлади. Айни шу жиҳатдан рубоийдаги ҳикматли сўзлар фалсафий мазмунни ифодалашда жуда қўл келади: бу ихчам ва лўнда шакл турли-туман панд-насихатларни сингдиришга имконият яратади. Хайёмнинг кўпчилик рубоийлари ҳам ҳикмат каби жаранглайди. Зеро, улар дунё, ҳаёт, инсон устидан ўқилган ўзига хос фалсафий ҳукмлардир.

¹Ғафур Ғулум. Рубоийлар // Асарлар. Ўн жилдлик. 8-жилд. Т., 1976. 412-бет.

²Абдурауф Фитрат. Форс шоири Умар Хайём // Танланган асарлар. 2-жилд (Илмий мақолалар). Т., 2000. 146-бет.

³И.С. Брагинский. 12 миниатюр. М., 1966. С. 147.

⁴Қаранг: А. К. Козмоян. Рубаи в классической поэзии на фарси. Ереван, 1982. С. 79.

⁵Н. Комилов. Хайёмнома // Тафаккур карвонлари. Т., 1999. 194-бет.

⁶Бу ҳақда қаранг: Я. Рипка. История персидской и таджикской литературы. М., 1970. С. 189.

⁷А. Аминов. Жанр рубаи и советская лирико-философская поэзия. Душанбе, 1988. С. 29.

⁸Ўша ерда. 24-бет.

⁹Н. Комилов. Хайёмнома. 189-бет.

¹⁰Қаранг: Р. Хади-Заде. Мир поэзии в четырех строках // Избранные четверостишия персидско-таджикских поэтов-классиков. Душанбе, 1965. С. 17.

¹¹А. Аминов. Жанр рубаи и советская лирико-философская поэзия. С. 10.

¹²И. Брагинский, Д. Комиссаров. Персидская литература (Краткий очерк). М., 1963. С. 33.

¹³Абдурауф Фитрат. Форс шоири Умар Хайём. 171-бет.

¹⁴Радий Фиш. Жалолоддин Румий (Тарихий-биографик роман). Жамол Камол таржимаси. Т., 1986. 86-бет.

ТАЪЛИМ БОСҚИЧЛАРИДА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Боқижон ТҲЛИЕВ,
филология фанлари доктори
Низомий номидаги Тошкент давлатпедагогика
университети профессори

Заҳириддин Муҳаммад Бобур адабиётимиз тарихидан жой олган бетакрор сиймолардан биридир. У нафақат йирик адиб, тарихчи ва олим, балки моҳир саркарда ва буюк давлат арбоби ҳам эди.

Бобурдан бизга улкан мерос қолди. Бу мерос унинг девонлари, «Бобурнома»си, қатор илмий, тарихий, диний-фалсафий ва ахлоқий-таълимий руҳдаги асарларидан иборат. Шоир Хожа Убайдуллонинг «Рисолайи волидия» асарини ўзбек тилига ўғирди, «Мубаййин» маснавийсини яратди, «Хатти Бобурий»ни ихтиро қилди, аруз назарияси ва амалиётига оид «Мухтасар» номли улкан тадқиқотни юзага келтирди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари миллий-маънавий қадриятлар билан лиммо-лим тўлган бадиий кашфиётлар денгизидир. Уларда инсонни эзгулик ва олижанобликка руҳлантирувчи туйғуларнинг такрорланмас жаранги мужассам. Бобур шеъриятида ватанпарварлик, юртсеварлик ғоялари юксак бадиий пардаларда куйланган. Унда халқона руҳнинг, гўзалликнинг, табиий соддаликнинг, туғма самимиятнинг, бадииятнинг гўзал намуналари ўз ифодасини топган.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам самимият, ростгўйлик, фақат ҳақиқат олдидагина бўйин эгиш, ватан ва юрт ҳимояси учун, ўзлик учун курашдаги жасорат Бобур сиймосидаги асосий фазилатлар сифатида гавдаланади.

Бобур идрок этган оламни, юрт ва Ватанни идрок этиш, уларни шоир каби севиш ва ардоқлаш, у тасвирлаган эзгулик ва гўзалликни ҳис этиш ёшларимизнинг маънавий бойликларига айланар экан, бундай ҳолат ҳар қандай жаҳолат, ёмонлик ва тубанликларнинг олдини олади. Ёшлар кўнглига эзгулик уруғларини сочади, ўз юртига, Ватанига муҳаббат туйғуларининг шаклланиши ва такомилга муносиб ҳисса қўшади. Бу эса ёшларга маънавий қадриятларнинг, халқ руҳиятининг ўзаклари, туб илдизларини ҳис этиш, англаш ва улар билан яшаш имконини беради.

Адибнинг кўплаб асарлари шундай руҳга эга. Булар қаторига улкан насрий қомус бўлган

«Бобурнома»ни, «Хазон яфроғи янглиғ...», «Ким кўрубдур, эй кўнгул...», «Қаро зулфунг фиरोқида...» каби ғазаллари, «Беқайдмену хароби сийм эрмасмен», «Толе йўқи жонимға балолиғ бўлди», «Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз», «Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур» сингари рубоийлари, бошқа қатор лирик асарларини киритиш мумкин.

Бобурнинг илмий кашфиётлари ҳам ёшларимизнинг кўнглини фахру ифтихор туйғуларига тўлдирди олади.

Бобур асарлари тилининг табиийлиги, соддалиги, бойлиги, таъсирчанлиги билан ажралиб туради. У ўз асарларини она тилида ёзди. Она тилидаги бой имкониятларни муттасил излаш ва такомиллаштириш натижасида унинг ҳам насрий, ҳам шеърий асарлари такрорланмас қудрат ва жаранга эга бўлди. Бир сўз билан айтганда, у туркий тилни, ўзбек тилини ўз тараққиётининг яна бир юқори босқичига кўтарилиши учун астойдил ҳаракат қилди ва бунга эриша олди. Бобур кашф этган янги сўзлар, истиора ва ўхшатишлар, муболага ва сўз такрорлари ҳам адабиётимизнинг ўзига хос кашфиётлари сифатида эътироф этилади. Унинг лирик қаҳрамонлари бой ички кечинмаларга эга оддий бир инсон сифатида ўз туйғуларининг рангбаранг товланишларини намоён этади. Айниқса, ифода тарзининг бетакрорлиги улардаги жозибадорликни янада оширади.

Бобурнинг услуби содда ва тушунарли. Аммо бу соддалик ҳар қандай мураккабликларнинг оғир халқаларини алоҳида-алоҳида қисмларга ажратган табиийлик тарзида намоён бўлади. Уларнинг барчаси мумтоз адабиётимиздаги «саҳли мумтане», яъни «осону мумкин эмас» дейиладиган шеърий санъатнинг гўзал намуналаридир. У ўз қаҳрамонларидаги ҳис-ҳаяжонларни, оғриқли ва дардчил, ҳузурбахш ва фараҳли лаҳзаларни санъаткорона дид билан муҳрлай олган. Бобур шеъриятида ҳам, «Бобурнома»да ҳам халқ оғзаки нутқидаги кўплаб дурдоналардан жуда ўринли ва моҳирона фойдалана олишнинг сержилло намуналарини кўраимиз.

Бу шоир қалам тебратган барча жанрларда ёрқин намоён бўлган. Улардан бири билан танишайлик:

*Йўқ турур нозингдин озоре менга,
Ноз агар қилсанг манга матлубдур.
Хоҳ кўрсат лутфу хоҳи жавр қил.
Ҳар не воқеъ бўлса сендин хубдур.*

Дастваб қитъанинг шаклий томонига эътибор берайлик. У тўрт қатордан иборат. Қитъанинг иккинчи ва тўртинчи мисралари қофияланмоқда. Биринчи ва учинчи мисралар қофияланмасдан очиқ қолган. Қитъа рамали мусаддаси мақсур вазнида ёзилган:

*Йўқ ту- рур но-зинг-ди н о-зо-ре ме-нга,
Но-з а-гар қил-санг ма-нга мат-лу-б-дур.
Хо-ҳ кўр-сат лут-фу хо-ҳи жав-р қил.
Ҳар не во-қеъ бўл-са сен-дин ху-б-дур.
Фо-и-ло-тун ф-ои-ло-тун фо-и-лун
- V - - - V - - - V -*

Қитъа ишқ мавзусида ёзилган. Лирик қаҳрамон ёрнинг нозидан озор топмайди, аксинча, уни хуш кўради, ёқтиради. Ёрнинг нозини «*матлуб*» дейди. Бу сўз луғатларда «талаб этилган», «орзу этилган нарса», «исталган нарса» деб изоҳланган.

Ёрнинг лутфу карам кўрсатиши ёки жавру ситам қилиши ўз ихтиёрида. Уни кўриб, кузатиб турган қаҳрамон учун ҳар икки ҳолат ҳам «*хубдир*». Хуб – яхши, чиройли, гўзал, дуруст, маъқул маъноларини беради.

*Энди бошқа бир қитъани кўрайлик:
Эй аларким, бу Ҳинд кишваридин
Бордингиз англаб ўзга ранжу алам.
Кобулу хуш ҳавосини соғиниб,
Ҳинддин гарм бордингиз ул дам.
Кўрдингиз – топдингиз экин анда
Ишрату айш бирла нозу ниам?
Биз доғу ўлмадук, биҳамдиллоҳ,
Гарчи кўп ранж эди-ю беҳад ғам.
Ҳаззи нафсий, машаққати баданий
Сиздин ўтти-ю ўтти биздин ҳам.*

Ушбу қитъа беш байтдан иборат. Биз шоир ғазалларининг ҳам аксарият ҳолларда беш байтдан тузилганини биламиз. Аммо бу – қитъанинг доимий белгиси эмас. Олдинги қитъа тўрт мисра – икки байтдан иборат эди.

Қитъанинг қофияларига эътибор берайлик. Улар *алам, дам, ниам, ғам, ҳам* сўзларидан иборат. Қофиялар ҳар бир байтнинг иккинчи мисрасидагина мавжуд. Даствабки мисралар қофияланган эмас. Ҳазалда ҳам шу хилдаги қофия кузатилган эди. Фақат унинг биринчи байтидаги ҳар икки мисра ҳам ўзаро қофиядош бўлар эди. Агар икки жанрнинг қофияланиш тартибини кузатсак шундай шакл ҳосил бўлади.

Ҳазалда: а - а, б - а, в - а, г - а, д - а...
Қитъада: а - б, в - б, г - б, д - б, е - б...

Демак, қофияланишига кўра улар орасидаги тафовут даствабки банд – биринчи байтда экан. Қитъа ҳажмига кўра чегараланмаган. Кўпроқ 2–7 байтли қитъалар учрайди.

Шеърятдаги лирик қаҳрамон, одатда, умумлашма характерга эга бўлади. Ушбу шеър ҳам бундан мустасно эмас. Аммо «*алар*» бу ерда тарихий-конкрет хусусият ҳам касб этмоқда. Бунга Бобур «*алар*»нинг кимлигини очиш билан эришмоқда. Улар – «*Ҳинд кишваридан борганлар*».

Ватандан йироқдаги одам учун ўз юрти, эли билан алоқадор ҳар бир шахс, ҳатто ҳар бир жисм, нарса ардоқли, қадрли. Ундан, шундай ардоқли ва қадрли кишилардан айрилиш ҳар бир киши учун ҳам қайғули, изтиробли. Ҳассос қалбли Бобур учун бу ҳолатнинг нақадар кучли таъсир этганини тасаввур этиш мумкин. Аслида ушбу шеър ҳам фавқуллодда ҳаяжон натижаси.

Бобур «*улар*»ни ҳам тушунишга ҳаракат қилади. «*Кобулу хуш ҳавосини соғиниб*» кетганларини юрак-юрақдан ҳис этади.

Ўзларича ранжу алам кўриб кетганларнинг борган манзилларидан қаноат топганига у ишонмайди. Лирик қаҳрамон ўзини «*алар*»дан ажратмайди. Аммо сабр ва бардошда, чидам ва тоқатда ўзини камситмайди. Ички бир ғурурини, ифтихорини секингина ошкор қилади: «*Биз доғу ўлмадук*» дейди. Бу ўринда «*биз*» фақат кўплик эмас, балки камтарлик маъносини ҳам англатиб келаётгани аён. Синонимлардан иборат сўз ўйини: ранжу алам, ишрату айш, нозу ниам (неъматлар), кўпбеҳад, ўзаро қарши қўйиш: алар – биз, Қобул – Ҳинд, сиз-биз орқали адиб кўзда тутган маъноларини янада аниқроқ, таъсирлироқ ифодалаб бера олган.

Охириги байт – қитъанинг мантикий якуни бўлиб, унда лирик қаҳрамоннинг одил, холисона хулосаси Бобур табиатига хос мардонаворлик билан жаранглайди.

Ҳаззи нафсий – нафс ҳаловатига интилиш, машаққати баданий – жисмонан қийналиш ҳамманинг бошидан ўтган. Аммо адиб ўз шахсий изтиробларига урғу бермайди. Ўзини бу борада «*алар*» билан тенг қўяди. Ҳатто дастваб бу оғриқлар, изтироблар «*сиздан ўтди*» дейди. Шундан кейингина ўзини эслатади: «*ўтти биздин ҳам*».

Бу ҳол қитъанинг ижтимоий мавзуга алоқадорлигини кўрсатиб турибди. Лекин у Бобурнинг бевосита шахсий ҳаёти, ўз кўрган-кечирганлари билан алоқадор тарзда ёритилади. Демак, ушбу қитъа ҳам Бобур шеърятининг ҳаётий асосларини англашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, таълимнинг турли босқичларида, Бобур меросидан ниҳоятда кенг ва унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ЎН ЕТТИ ЁШИДА ДОСТОН ҚАҲРАМОНИ

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
Халқаро Бобур мукофоти лауреати

Соҳибқирон Амир Темур ҳали ҳаётлигидаёқ, унинг шахси, тарихий сиймоси, зафарли ҳарбий юришлари ҳақида ўнлаб тарихий ва бадиий асарлар яратилган. Унинг порлоқ сиймоси ҳатто форсий ва туркий «Хамса»ларни ҳам безаган. Амир Темур сиймоси бадиий образ сифатида дostonчиликда, аввало, Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшан ул-асрор» асарида илк мартаба яратилган. Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» дostonидаги бир ҳикоятни, «Мажолис ун-нафоис» тазкирасидаги ижодкор шоҳ ва султонлар мажлисини Амир Темур ҳақидаги жозибали бир ҳикоя билан бошлаган.

Абдуллоҳ Ҳотифий қаламига мансуб форсий тилдаги «Хамса» асарининг бешинчи досто-

ни тўла-тўқис Амир Темур шахси ва юришларига бағишланган ва у «Темурнома» деб номланган. Бу билан у темурийлар даври дostonчилигидаги анъанавий Искандар образи ўрнини Амир Темурга бўшатиб берган. Ҳатто овруполик забардаст шоир Иоганн Вольфганг Гёте «Ғарбу Шарқ девони»нинг битта фаслини «Темурнома» деб атаган.

Буюк Соҳибқироннинг бу бахтига невараси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам сазовор бўлди десак муболаға бўлмас. Қизиғи, ўн икки ёшида ота тахтига ўтирган бу темурийзода ўн етти ёшидаёқ, Муҳаммад Солиҳнинг 1506 йилда ёзилган «Шайбонийнома» дostonига қаҳрамон бўлиб кирди.

«Бобурнома»нинг тўрт ўрнида муаллиф Муҳаммад Солиҳ шахси, шеърляти ва унинг «Шайбонийнома» дostonи ҳақида сўз юритган:

1496 йили Самарқанд умидида Суғддан Самарқандга келаётиб, Хожа Яҳъё ҳузурида Бобур Муҳаммад Солиҳни бир мартаба кўрган, холос. Дoston муаллифи эса Бобурни Самарқанд шаҳрида кўп кузатган.

«Мулло Биноийни ва Муҳаммад Солиҳни ўшанда Хожа (Яҳъё) хизматида кўрдим. Муҳаммад Солиҳни ўшанда бир мартагина кўрдим».

Иккинчи мартаба Бобур илк севги изтироблари ва туғёнлари пайтида Муҳаммад Солиҳнинг ажойиб бир байтини эслайди ва бу менинг шу пайтдаги аҳволим изҳори бўлган, дея эътироф этиб, шундай ёзади:

«Муҳаммад Солиҳнинг бу байти хотирага келди:
*Шавам шарманда ҳар гаҳ ёри худро дар назар,
бинам,
Рафиқон сўи ман бинанду ман сўи дигар
бинам.*

Мазмуни:
*Ёрима дуч келганимда ҳол хароб,
шармандаман,
Дўстлар кўз тиксалар менга томон,
мен қандаман?
Бу байт айнаи шу ҳолатимга жуда мос келди».*





Учинчи маротаба «Бобурнома»да Муҳаммад Солиҳ исми ва асари Ҳирот адабий муҳити вакиллари ҳақидаги маълумотномада қайд этилган. Бобур душмани жабҳасидаги шоирни ёқтирмаганидек, унинг асарига ҳам жуда паст назар билан қаради: «Яна, Муҳаммад Солиҳ эди. Тотли ғазаллари бор. Бироқ силлиқлиги мазасича эмас. Туркий (ўзбекча) шеърлари ҳам бор. Ёмон ёзмаган. Кейинроқ Шайбонийхон қошига келган эди. Дарҳақиқат, ҳурмат ва эътибор қозонди. Шайбонийхонга атаб... «Субҳа» вазнида бир туркий достон («Шайбонийнома») битган. Анча суст ва бўштобдир. Уни ўқиган кишининг Муҳаммад Солиҳ шеърятидан кўнели совуйди. Бир яхши байти будир:

*Бўлди Танбалга ватан Фарғона,
Қилди Фарғонани танбалхона.*

Андижон вилоятини Танбалхона ҳам дейдилар. У маснавий (достон)да бундан яхши байт йўқ. Ярамас, золим табиатли ва бераҳм киши эди».

Бобурнинг ушбу маълумотларида учта муҳим нуқта бор. Биринчиси: у ўзи кичик бекликдан катта беклик даражасига тарбиялаб етказган Султон Аҳмад Танбалга, гарчи у Бобурнинг ашааддий душманига айланган бўлса ҳам юқори баҳо берган. Салкам ўн йилги уруш-талашдаги Султон Аҳмад Танбал жасорати туфайли Андижон вилояти унинг лақаби билан аталгани ҳазилакам гап эмас-да...

Иккинчи нуқта: Бобур назарида «Шайбонийнома» дуруст асар эмас. Юқоридаги пухта байтдан

бошқа бирор тузук байти йўқ, деган кескин ҳукм берилмоқда. Тўғри: Бобур бунда икки асосга кўра ҳақдир:

а) «Шайбонийнома» Навоий достонлари яратилган замонда бадиий савия жиҳатидан баланд эмаслиги рост;

б) асар буюртмачи савиясига мослаб яратилган. «Шайбонийнома» достони услуби ва тили даштли ўзбеклар диди даражасига мослаштирилган туркона асардир. Унда Ҳирот адабий муҳитига хос нозиклик ва санъатпардозликлар йўқ. Чунки бу воқеий-тарихий достон. Бу маснавийни агар таъбир жоиз бўлса, шеърый очерклар тўплами дейиш мумкин. Воқеа-ҳодисалар ҳаққонияти шу даражадаки, мулоҳазали одам достонни ўқиса, васф этилаётган халифатур раҳмон (Худонинг ердаги ноиб) Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳр халқи бошига фожиалар ёғдирувчи қирғинбарот қотиллигини аниқ идрок эта олади. (Биргина Хузор (Ғузор)да 30 минг киши қатл этилади... Самарқандда ўликлар кўплигидан ерда оёқ қўйишга жой қолмаган.)

Учинчи нуқта: Бобурнинг Муҳаммад Солиҳ шахсига нисбатан ўта салбий муносабати. Бунда ҳам Бобурнинг икки асоси бор:

I. Муҳаммад Солиҳ Ҳирот адабий муҳитида ўсиб, етилиб, темурийларга вафосизлик қилиб ёвга томон ўтди. II. Шайбоний томонида туриб, Бобур ва бошқа темурийларга қарши қилич ва қалам билан курашди.

Холис киши сифатида биз отасининг қасосини олувчи фарзанд дея шоирга ён босишимиз мумкин: Аммо достонда Муҳаммад Солиҳнинг Самарқанд халқига нисбатан «нодон эл, ҳайвон эл» деганини кечириб қийин:

«Самарқанд эли Бобур Мирзо била аҳду шарт қилғонлари

*Ушбу сўзлар била ул нодон эл,
Қойси нодонки, бўлак ҳайвон эл.*

Шартлар айладилар мустаҳкам,

Қилдилар қалъаларни маҳкам.» («Шайбонийнома», 83-бет.)

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасидаги Муҳаммад Солиҳ ҳақидаги маълумотларини бунга қиёслаб кўрсак, Бобурнинг бироз нохолислигини тан олишга тўғри келади.

«Муҳаммад Солиҳ – исми муносабати била, «Солиҳ» тахаллус қилур. Нур Саидбекнинг ўғли-дурким, кўп вақтлар Чаҳоржўй навоҳисидин Адоқ навоҳисига қадар амирлик қилди ва Султон Абу Саид Мирзо эшигида, Улуғбек ва Жўғи Мирзо эшигида соҳиб ихтиёр (бош вазир) ва жумлат ул-мулк (бутун мамлакатга ҳукми ўтадиган киши) эрди. Аммо бағоят бадфеъл ва бадхулқ киши эрди. (Бу гап отаси ҳақида – В.Р.)

Ўзи мулойим йигитдур. Атворининг отаси атвориға нисбати йўқтур. Унда ҳам ғалати ха-

толик бўлдимки, Султон Соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) куллуғини тарк қилди. Баъзи дедиларким, беҳудлиг оламида ёмон суҳбатдошлар уни бу йўлга солгандирлар. Таъбида хейли диққат бирла чошни бор. Хатқа ҳам қобилияти кўпдур. Бу матлаъ анигдурким:

*Наям ошуфта гар пўшида кокул моҳи тобонаш,
Чи ғам аз тирагии шаб, чу бошад субҳ поёнаш?!
Мазмуни:*

*Кокили ойдек юзини ёпиб турар экан
паришон эмасман.*

*Охири оппоқ тонг бўладиган тун қоронғисидан
не ғам?!»*

Айрим шоирлар ҳақида бир-икки гап-маълумот билан чекланадиган Алишер Навоий Муҳаммад Солиҳ ҳақида бунчалик батафсил маълумот бергани бежиз эмас. Балки инсонпарвар даҳо Муҳаммад Солиҳ шахсини тарих ва бизнинг олдимизда оқловчи бўлиб чиқаётгандир?

Чунки Бобур Муҳаммад Солиҳни умрида бир маротаба расмий учрашувда кўрган. Навоий эса, 1469 йилдан 1500 йилгача уни Ҳиротда ҳамиша кўриб юрган, учрашган. Муҳаммад Солиҳ Алишер Навоий кўз ўнгида камол топиб, Ҳирот адабий муҳитида жавлон урган зуллисонайн шоир эди.

«Шайбонийнома»даги Бобур тимсоли талқинига келсак, дostonда Бобурнинг Самарқанд халқига айтган юрак сўзларини Муҳаммад Солиҳ худди кўриб, эшитиб, қулоғи ва қалбига жойлаган сўз санъаткори сифатида жуда аниқ талқин эта олган: Бобурнинг шайхулислом Абулмакорим бошлиқ шаҳар халқи олдида қамал пайтидаги нутқи жуда ҳаққоний берилган. Бобур ўз аскарларининг озлигини айтиб, шаҳар халқидан уни қўллаб-қувватлашларини илтимос қилган; буюк Соҳибқирон Амир Темур ва бобоси Абу Саид Мирзо, амакиси Султон Аҳмад мирзонинг Самарқандни бошқарганликларини эслатиб, ўзининг уларнинг вориси эканлигини таъкидлайди:

*Отоларимни кўриб қолгонсиз,
Иззу жоҳимға назар солгонсиз.
Авбоком шоҳи жаҳондор Темур,
Хусрави маъдалатосор Темур...
Ким не турлук эди Султон Саъид,
Ким Қаробог аро бўлди шаҳид.
Ул менинг жаддиму бечора отом,
Андижон мулкида хунхора отом.
Шоҳу сардор Умаршайх эрди,
Тиғи хунбор Умаршайх эрди.
Абоғом эрди топиб фазли Аҳад,
Шоҳи динпарвари Султон Аҳмад...
Қирқ йил шоҳ эрди бу кишварда,
Шоҳи огоҳ эрди бу кишварда...
Истабон руҳларидин ҳиммат,
Тортингиз банда учун бир заҳмат.*

*Ҳам алар руҳларини шод қилинг,
Ҳам мени қайғудин озод қилинг.*

Илтимосини айтган Бобур минг чоғлиғ навқаригина борлиги, бу куч билангина шаҳарни мудофаа қилиш қийинлигини эътироф этади; агар шаҳар эли каттау кичик бир ёқадан бош чиқарса, қалъани сақлаш мумкинлигини уқтиради. Муҳими, шаҳар шайхулислом Абулмакоримдан бошлаб ҳамма Бобур нутқидан таъсирланадилар, унинг атрофига уюшадилар.

Дostonнинг икки сарлавҳаси бу жиҳатдан диққатга сазовордир: «Бобур мирзо сўзидин мутаассир бўлиб, шайхулислом ва шаҳар эли қалъани беркитганлари»; «Самарқанд эли Бобур Мирзо била аҳду шарт қилгонлари»

*Шартлар айладилар мустаҳкам,
Қилдилар қалъаларни маҳкам.*

Кўриняптики, дoston муаллифи Бобур мирзо билан Самарқанд халқининг бир тан, бир жон бўлганликлари ва шаҳар мудофаасини уюштирганликларини ҳаққоний талқин этган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурга «Шайбонийнома» дostonининг бутунлай ёқмагани боиси шундаки, асарда Шайбонийхон ғалабаси мадҳ этилган ва Бобурнинг шикаст топгани муҳолиф томон тили билан айтилган.

Айниқса, мана бу сарлавҳа: «Ҳазрати имом-уззамон ва халифат ур-раҳмон (Шайбонийхоннинг) Бобур Мирзони босиб қувлағони» ва қуйидаги байт Бобурга ёқиши мумкин эмасди:

*Чу Самарқандни олди Бобур,
Халқ аро тафриқа солди Бобур...*

Шунинг учун ҳам шоҳ ва шоир Бобур Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» дostonига салбий баҳо беради.

Аслида эса бу дoston нафақат бадий асар, балки ҳужжатли тарихий асар сифатида ҳам ўша замон воқеаларининг ҳаққоний берилиши билан жуда қимматлидир.

«Шайбонийнома» дostonи Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг – ўн етти яшар ҳукмдорнинг бадий ҳаққоний сиймосини яратган биринчи эпик асар сифатида диққатга сазовордир.

Дostonдаги Бобур тимсолида Самарқанд мудофаасига куюнган ворис темурийнинг ички ва ташқи туғёнлари, мулоҳаза ва андишалари кенг бўлган шоҳ сиймоси мужассамланган. Унинг нутқидаги қатъият ва самимиятга, тарихий ҳаққониятга ҳар қандай китобхон ҳам тан беради.

Бугун биз «Шайбонийнома»ни мутолаа қилиб, Бобурнинг Самарқандга бўлган меҳри, самарқандликлар билан шаҳар мудофаасини уюштиргани, ўн етти ёшли шаҳзоданинг сўз ва жасорати шайхулисломдан бошлаб, бутун шаҳар аҳлига ёққани, самимиятини аниқ тасаввур этамиз.

ЎЗБЕК ЭКОЛИНГВИСТИКАСИНING ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Бекмурод ЙЎЛДОШЕВ,
филология фанлари доктори,
Самарқанд давлат университети профессори

Аннотация. Ушбу мақолада жаҳон тилшунослигида эколингвистика соҳасининг шаклланиши, унинг асосий муаммолари ҳақида фикр-мулоҳаза юритилади. Муаллиф ўзбек эколингвистикасининг юзага келиши, уни ўрганишнинг аҳамияти, бу соҳада амалга оширилган айрим тадқиқотларни кўздан кечирадиган ҳамда ушбу соҳани ривожлантиришнинг галдаги вазифаларига тўхталади.

Калит сўзлар: экология, экологик муаммо, эколингвистика, тил мафқураси, экобилим.

Annotation. In this article it has been discussed about the reforming of ecolinguistic sphere as well as its main problems in linguistics. The author looks the advent of uzbek ecolinguistics, the importance of its learning and some researches which have been done in this field throughly and gives some ideas about its further developments.

Key words: ecology, ecological problems, ecolinguistics, language idea, eco-knowledge.

Фан ва техниканинг ривожланиши табиий ресурсларни ўзлаштириш имкониятини кенгайтди. Аммо бу табиатга ортиқча озор етказиб ўзининг салбий оқибатларини бера бошлади. Натижада, жамиятда экологик муаммоларни аниқлаш ҳамда тадқиқ этиш муаммоси вужудга келди. Бу эса «экология» сўзининг кундалик ҳаётимизда тез-тез қўлланилишига сабаб бўлди. Ҳозирги глобаллашув даврида экология ва экологик муаммолар барча фанларга, жумладан, тилшунослик фани доирасига ҳам кириб келди ҳамда унинг таркибиде эколингвистика соҳасининг шаклланишига олиб келди.¹

М.А.Ковязинанинг таъкидлашига кўра, замонавий илм-фанда «экология» тушунчаси жуда кенг планда талқин қилинмоқда. Бугунги кунда экология фани юзлаб соҳа ва йўналишларни ўз ичига қамраб олган комплекс фанлар тизимига айланиб бормоқда. Эътиборлиси, унинг энг камида ўттиздан ортиқ тури ва бўлими биология фанига тааллуқли эмас. Натижада, экология XXI аср бошларига келиб интегратив характер касб эта бошлади. У табиий ижтимоий-гуманитар ва бошқа қатор фанлар билан ўзаро араллашиб, ўнлаб тармоқларга бўлиниб кетиши натижасида ва ўз



ичига 12–14 мингга яқин тушунча ва атамаларни қамраб олди². Масалан, биргина «экология» сўзи ёрдамида сўнги йилларда *экологик мувозанат, экологик бурчак, экологик таълим, экологик муаммо, экологик кузатишлар, экологик маданият, экологик тоза ёқилғи, экологик фожиа, экологик хавфсизлик* сингари бир қанча бирикмали атамалар кундалик ҳаётга кириб келди ҳамда бу атамалар тилимиз луғавий тизимидан мустақкам ўрин олди.

Аёнки, фан-техника соҳасидаги узлуксиз тараққиёт сабаб табиат ва турли жамиятда экологик муаммолар вужудга келди. Натижада, тилимизда *экологик хавф, экологик кулфат, экологик танглик, экологик яроқсизлик* каби бирикмали атамалар пайдо бўлди. Тилшунослик фани, шу жумладан, эколингвистика терминологик тизимини тартибга солишда экология фанига яқиндан ёрдам бериши лозим бўлади.

Эколингвистика ҳам социоллингвистика, психоллингвистика, лингвокультурология, гендер тилшунослиги йўналишлари сингари тилшунослик фанининг янги соҳаларидан бирidir. Е.В.Иванованинг фикрича, эколингвистика фани бирор жамиятдан ёки инсон онгидан кичик тилларни сиқиб чиқариш ёки уларни алоқа во-

ситаси сифатида жамиятда сақлаб қолиш жараёнлари билан шуғулланадиган фан»дир³. Албатта, мазкур таъриф ҳам бу фан соҳасининг табияти-ю моҳиятини тўла белгилаб беролмайди.

Умуман олганда, эколлингвистика социоллингвистиканинг таркибий қисми бўлиб, у ёки бу тилнинг дунё тиллари билан экологик нуқтаи назардан муносабатини, ўша тилнинг жамият экологик тизимида тутган ўрнини ўрганиш билан шуғулланади. Г.Я.Солганикнинг фикрича, тилдаги андроцентризм, мулоқот жараёнида вульгар сўзлар, жаргонлар ва арголардан фойдаланиш меъёрлари, тилнинг ахлоқий-маданий омилларини тадқиқ этиш билан социоллингвистиканинг таркибий қисми бўлган эколлингвистика ҳам шуғулланиши лозим.⁴

Сўнги йилларда жаҳон тилшунослигида Э.Хауген, У.Маккей, А.Филль, П.Финке, В.П.Григорьев, С.И.Виноградова, Ю.Н.Караулов, В.К.Журавлев, В.Г.Костомаров каби олимлар эколлингвистика соҳасида салмоқли ишларни амалга оширдилар. Шу орқали жаҳон тилшунослигида ўзига хос эколлингвистик концепциялар ҳам вужудга келди. Шулардан бири француз тилшуноси Л.Ж.Кальвенинг «Тил галактикаси» номли назариясидир. Бу назарияга кўра, дунё тиллари гипермарказий, супермарказий, марказий ва перифериядаги тилларга бўлинади. Жамиятда вужудга келадиган ўзаро лисоний, эколлингвистик зиддиятлар давлат, жамият, халқаро ташкилотларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида ҳал эти-

лиши лозим. Шундай қилинганда, жамиятда супермарказий ва марказий тиллар билан бир қаторда перифериядаги тилларнинг ҳам жамият иқтисоий-сиёсий ҳаётидаги салмоғи ортиши мумкин.

Ҳозир дунё тилшунослигида эколлингвистиканинг асосий муаммолари сифатида қуйидагилар кўрсатилмоқда:

- жамиятдаги лисоний турли-туманлик, унинг сабаблари;
- йўқолиб кетаётган кичик тиллар ва уларни сақлаб қолиш билан боғлиқ муаммолар;
- жамиятдаги тилларнинг ўзаро биологик, экологик ва лингвистик муносабатлари;
- жамиятнинг экологик тизими билан боғлиқ ҳолда тилда янги экологик элементларнинг вужудга келиш омиллари;
- жамият аъзоларини экобилимга ўрганиш шакллари ва кўринишлари;
- тил мафкураси ва жамият аъзоларининг мулоқот жараёнини экологик жиҳатдан мувофиқлаштириш муаммолари⁵.

Бу ўринда тил экологияси муаммоларининг ташқи ва ички омиллар билан боғлиқ жиҳатлари ҳам инobatга олинishi лозим. Масалан, ҳозирги ўзбек адабий тилида қариндошлик муносабатини билдирувчи «ота» маъносини англатиш учун учта сўз (ота, дада, ада) қўлланади. Булардан «ота» сўзи илгари кўпчилик диалект ва шеваларда, жумладан, қипчоқ лаҳжасида ҳам фаол қўлланар эди. Ҳозирги адабий тилда худди шу маънони ифода-



лаш учун «дада» сўздан ҳам тез-тез фойдаланилади. Бу сўз адабий тилга шаҳар ёки шаҳар тип шеваларидан кирган. Ҳозирги адабий тилда «ада» сўзи ҳам мавжуд бўлиб, асосан, Тошкент шаҳар шевасида фаол қўлланади.

Ёки қипчоқ диалектларидан адабий тилга чорвачилик, пахтачилик, ғаллачилик соҳаларида пайдо бўлган жуда кўплаб лексик, фразеологик бирликлар кириб келган. Масалан, ҳозирги адабий тилимизда, жумладан, вақтли матбуот саҳифаларида дастлаб чорвачилик ёки от билан боғлиқ бўлган шундай турғун бирикмалар учрайди: *отни қамчиламоқ, отга қамчи босмоқ, улоқни олиб чиқмоқ, совринни эгалламоқ, маррага етмоқ, от айланиб қозиғини топар, от солмоқ, қоралаб бормоқ, бостириб ўтмоқ, ўзиб кетмоқ, жиловини бўш қўймоқ, от изини той босар, от – йиғитнинг қаноти, қўй келади қўзи билан, семизликни қўй кўтаради, чилвирни бўшатмоқ, тушов бўлмоқ* кабилар.⁶ «Зоминнинг тил қомуси» муаллифлари ҳам ўша ҳудуддаги нутқий мулоқот учун характерли бўлган «*желка томири жувон*», «*желкасида мўри очиш*», «*жони ҳайгалак отиш*», «*дабгиридан одошиш*», «*гудрдаси жўқ*», «*бели бувувли*», «*болтаси тошқа тийди*» сингари бир қанча диалектал ибораларни келтириб, уларни асраб-авайлаш, ҳудудий иборалар луғатини тузиш ҳақидаги амалий таклифларни ўртага ташладилар.⁷ Шунингдек, «сув», «ҳаво», «тупроқ», «ер», «сўз», «тил», «нутқ одоби» каби сўзлар билан алоқадор бирикмали атамалар, иборалар, мақоллар ҳам тилимизда фаол қўлланади ҳамда уларнинг барчаси ўзаро мулоқот жараёнида тилни соф, тоза сақлаш, ундан ўринли, мақсадга мувофиқ фойдаланишга доир ўзига хос эколингвистик қарашларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Мазкур қарашларнинг тарихи жуда узоқ бўлиб, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон

Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур сингари буюк алломалар меросига бориб тақалади. Масалан, адабиётшунос Х.Жабборов ва С.Олимовнинг кузатишлари шуни кўрсатадики, тилимизда «сув» асоси билан ясалган 468 та лексема, 60 дан ортиқ ибора, 420 та мақол ва матал фаол қўлланади ҳамда улар мулоқот жараёнида сувдан тежамли, оқилона фойдаланиш билан боғлиқ экологик қарашларни ифодалаш учун хизмат қилади.⁸

Ана шундай тил бойлигини асраб-авайлаш, уларни адабий тил мулкига айлантириш, луғатлар таркибига киритиб, изоҳлар билан таъминлаш ҳар бир тилнинг, жумладан, ўзбек эколингвистикасининг ички экологик муаммолари қаторига киради.

Машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов ҳам ўз чиқишларидан бирида тил экологияси муаммоларига эътибор қаратиб, шундай деган эди: «Халқнинг абадийлиги унинг тилидир. Биз ҳеч қайси тилни, у қайси халқники бўлишидан қатъий назар, ҳеч вақт камситмаслигимиз керак, бундай қилишга ҳаққимиз йўқ. Ҳар биримиз бизни дунёга келтирган ва бизга ўзининг энг муқаддас бойлиги – тилини ҳадя қилган халқимиздан бир умрга қарздор эканлигимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз шарт. Агар биз ўз она тилимиз, унинг ривожи ҳақида жиддийроқ ўйламасак, бора-бора унинг йўқолиб кетиши ҳеч гап эмас. Тарихдан шу нарса маълумки, тилнинг йўқолиши осон, йўқолган тилнинг эса қайта пайдо бўлиши амримаҳол. Янги тиллар вужудга келадиган замонлар аллақачон ўтиб кетган. Шунинг учун ҳам мавжуд тилимизни асраб авайлашимиз, уни ривожлантиришимиз керак. Тил экологияси худди табиат экологияси сингари мўрт ва мураккабдир».⁹

Бундан кўринадики, энг камида алоқа воситаси сифатида беминнат хизмат қилувчи тил ҳам парваришга, алоҳида ғамхўрликка жуда муҳтождир.¹⁰

¹Е.В.Иванова. Цели, задачи и проблемы эколингвистики // Прагматический аспект коммуникативной лингвистики и стилистики (Сборник научных трудов). Отв.редактор Попова Н.Б. Челябинск: Изд-во ИИУМЦ «Образование», 2007. С. 41–47; А.Собиров, З.Жўрабоева. Эколингвистиканинг долзарб муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. № 1. 43–47-бетлар.

²М.А.Ковязина. Экология: наука и терминология // Языки профессиональной коммуникации. Материалы международной научной конференции. Челябинск, 2003. С. 116–121.

³Е.В. Иванова. Кўрсатилган асар. 46-бет.

⁴Г.Я.Солганик. О новых аспектах изучения социоллингвистики // Вестник Московского университета. Серия 10. Журналистика. М., 2000. № 3. С. 21–23.

⁵Н.Н. Кислицина. Эколингвистика – новое направление в лингвистике. http://www.crimea.edu/tnu/magazine/culture/culture_37/part1/zip/kislitsina.zip.

⁶Х.Дониёров. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. Т.: Фан, 1979. 102–104-бетлар.

⁷Б.Тўйчибоев, Қ.Қашқирли. Зоминнинг тил қомуси. Т.: Akadernashr, 2012. 108–134-бетлар.

⁸Х.Жабборов. Ўзбек тилида сув лексемасининг луғавий-маъновий хусусиятлари. Қарши: Насаф, 2005. 135–140-бетлар; Султонмурод Олим. Сув – илоҳий неъмат. Т.: Akadernashr, 2009. 4–77-бетлар.

⁹«Совет Ўзбекистони санъати» журнали. 1987. № 7. 22-бет.

¹⁰Бу ҳақда яна қаранг: А.Собиров, З.Жўрабоева. Она тилининг софлиги – миллат равнақининг мезони // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Андижон: «Андижон нашриёт-матбаа», 2012. 65–70-бетлар.

MUMTOZ ADABIY ASARLAR TILIDA O'LCHOV ATAMALARINING QO'LLANILISHI

Nazokat JYANOVA,
O'zbekiston davlat jahon tillari
universiteti dotsenti

Annotatsiya. Mazkur maqolada mumtoz adabiy asarlar tilida uchraydigan forscha hisob so'zlari haqida so'z yuritilgan bo'lib, muallif mazkur so'zlarning qo'llanishini Alisher Navoiy va Zahiriddin Muhammad Bobur asarlari misolida tahlil etgan.

Kalit so'zlar: forscha hisob so'zlari, farsax, gaz, jerib, muzd.

Bugungi kungacha yetib kelgan yozma manbalar tilida qo'llanilgan hisob so'zlarini lisoniy jihatdan o'rganish til tadqiqotida muhim vazifalardan hisoblanadi. Chunki tarixiy manbalarda uchraydigan hisob so'zlari orqali o'sha davrda ilm-fan, madaniyat va kishilik jamiyati nechog'liq rivojlangani anglashiladi. Bunday hisob so'zlarining qiymat ifodalashiga ko'ra hududlararo va davrlararo qo'llanishidagi ma'lum farqlarning mavjudligi esa tadqiqot dolzarbligini oshiradi.

Qadimda o'lchov birliklari shakllanmagan davrlarda ham odamlar o'z ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda ma'lum predmetlarning o'lchovini aniqlikda ifodalashga harakat qilishgan. Bunda dastlab aholi yashash tarziga ko'ra inson sochi va otning yoli qadimda uzunlik o'lchovi birligi sifatida ishlatilganligi tarixiy manbalardan ma'lum. O'z vaqtida yshbu o'lchov birliklari ayni davri va hudud uchun aniq qiymatga ega bo'lgan. Bunday holatni barcha mumtoz adabiy asarlar tilida qo'llanilgan hisob so'zlari misolida ham ko'rish mumkin. Ammo mazkur hisob so'zlarining ayrim o'rinlarda qiymatni ifodalashiga ko'ra farqlar mavjudligi ularni ma'naviy guruhlariga bo'lib o'rganishni taqozo etadi. Mumtoz adabiy asarlar tilida qo'llangan forscha hisob so'zlarini quyidagi turlarga bo'lish mumkin:

- uzunlik;
- og'irlik;
- vaqt;
- hajm;

Annotation. This article refers to persian words denoting number, which often occurs in the language of classical works of art. The author explains such persian words in detail on the example of works of Alisher Navai and Zakhiriddin Muhammad Bobur.

Keywords: persian words denoting number, farsakh, gaz, zherib, muzd.

- pul qiymatini ifodalovchi hisob so'zlari;
- yer o'lchovini ifodalovchi hisob so'zlari kabi.

Quyida Alisher Navoiy va Zahiriddin Muhammad Bobur asarlari tilida qo'llanilgan forscha hisob so'zlarining ayrimlari haqida fikr yuritamiz.

SIR//SER//SAR (f.). Bu so'z Navoiy asarlarida uchramaydi. Bobur asarlarida esa quyidagi matnda uchraydi: *O'n to'rt to'la bir ser.*¹ Yoki: *Boqi shig'ovul borg'onda bu ikki ko'hna bedavlatning boshig'a birar ser oltun va'da qilib edim. Bu inoyatlardin boshqa, bir ser oltun o'shal va'da yo'suni bila Mirhamag'a berildi.*²

Sir//ser// sar forscha so'z bo'lib, man³ning 1/40 bo'lagiga teng bo'lgan. 1935-yilgacha 1 ser – 74,24 gramm deb qabul qilingan. Ammo Eronda ushbu o'lchov hozirgi 75 grammga teng deb belgilangan.⁴

O'rta Osiyoning shahar va viloyatlarida **sir//ser** so'zi ko'p qo'llangan. YE.A.Davidovichning yozishicha, **sir//ser** amalda qo'llanilgan og'irlik o'lchov birligi bo'lib, Movoraunnahrning shahar va viloyatlarida asosiy qiymat ifodalovchi hisob so'zi vazifasini o'tagan. O'rta asrlarda esa manning (botmon) 1/40 bo'lagiga teng bo'lib, Samarqand va Buxoroda ko'proq amalda bo'lgan.⁵ A.Ishayevning yozishicha, **sar//ser** hindlarda 933,1 grammga, Panjob va Tamilda 600 grammdan 1 kilogrammgacha, forslarda 74,24 grammga, Afg'o-nistonda 7,066 kilogrammgaga tenglashtirilgan.⁶ O'z o'rnida **Sir//ser//sar** Xuroson davlatida 15 misqolni anglatgan. Hozirgi kunda u Tehronda 16 misqolni bildiradi. Xullas, og'irlik o'lchovi bo'lgan ser 14 misqol,

ya'ni 41 Tabriz maniga teng.⁷ 1970-yilda Moskvada chop etilgan «Persidsko-russkiy slovar» kitobida mazkur o'lchov birligi 7,5 gramm deb hisoblangani qayd etilgan.

Og'irlik o'lchovi hisoblangan **sir//ser//sarning** hududlar va davrlarda qo'llanish qiymati turlicha bo'lsa-da, bu so'zni aniq qiymat ifodalovchi hisob so'z deyish mumkin.

FARSAX//FARSANG (f.) atamasi Bobur asarlarida uchramaydi, Navoiy asarlarida keltiriladi. Bu o'lchov birligi haqida ham olimlarning turlicha qarashlari mavjud. A.Matg'oziyev **farsaxni** forscha **sang** va **farsang** kabi sinonimlarga ega ekanligini ko'rsatib o'tadi.⁸ Ye.A.Davidovichning yozishicha, bir **farsax** – 12 ming qadamga teng uzunlik o'lchovi atamasi bo'lgan.⁹ XIX asrda Buxoro, Samarqand, Toshkent, Farg'ona, Xorazm viloyatlarida бир farsax – 8,5 ba'zan 9 kilometr ga teng bo'lgan uzunlik o'lchovini ifodalagan. Buxoro bilan Samarqand oralig'i 27 sang degan ma'lumotlar ham bor. «Boburnoma»da esa Buxoro bilan Samarqand oralig'i 25 yig'och yo'l deb ta'riflangan. M.Ibragimov bir **farsaxni** 9 ming qadam, ya'ni 6 kilometr deb izohlaydi. «G'iyos ul-lug'ot»da esa bir **farsax** – 3 mil miqdoridagi uzunlik o'lchovi birligi ekanligi qayd etilgan.¹⁰ Bir mil – 4 ming gaz va har gaz – 6 musht tenglashtirilishi hisobga olinsa, bugun umumjahon miqyosida qabul qilingan o'lchov birliklariga ko'ra ushbu o'lchovlar qanchaga teng bo'lishi barchani qiziqtirishi tabiiy. «G'iyos ul-lug'ot» kitobida yana shunday yozilgan: «3 mil har mil 4 ming gaz, har gaz 24 angusht, ba'zilar 12 ming zar va har zar 24 angusht. Har angusht 6 jav, har jav ot dumi muyining 7 tasi. Har mil 4 ming tuya qadamiga teng». «Persidsko-russkiy slovar»da ham bir **farsax** 6 kilometr ga teng deb keltirilgan.¹¹

Kuzatishlarimiz shuni ko'rsatdiki, **farsax** bilan yig'och qiymati deyarli bir xil. O'rta Osiyoda uzunlik o'lchovi birligi sifatida ko'proq **yig'och** so'zi qo'llangan. Boshqa hududlarda esa farsax uzunlik o'lchovi birligi sifatida ishlatilgan.

GAZ (f.). Bu so'z Bobur asarlarida o'lchov birligi sifatida qo'llanilib, asosan, birikma shaklida uchraydi: *Darlarkim, yig'ochdin-yig'ochg'a nishabga boqa bir gaz otimi uchar.*¹² Navoiy asarlarida esa bu so'z ikki xil ma'noda qo'llangan: 1. Yulg'un (yilg'in) o'simligi. 2. Kamonning parsiz o'qi. Ushbu termin O'rta Osiyo va Qozog'istondagi turkiy (o'zbek, turkman, qoraqalpoq, qirg'iz, qozoq), shuningdek, tojik, kurd, fors, hind tillarida **gaz//gez//gez//kez** ko'rinishlarida mavjud bo'lib, o'lchov birligi sifatida qo'llangan.¹³

V.Xinsning yozishicha, **gaz** (**gez, gyaz**) fors tilida bilak ma'nosini beradi. **Gaz** Eronda **zar, zera, arash** deb ham atalgan. O'rta asrlarda **1 gaz** 62

santimetr ga, XVII asrda esa Basrada 94 santimetr ga teng deya hisoblangan. Kichik o'lchamdagi gaz termini ham qo'llanilgan bo'lib, u asosan, gilamlarni, shoyi va qimmatbaho materiallarni o'lchashda ishlatilgan. Bugungi kunda bir gaz atamasi 63,16 santimetr ga teng o'lchov birligi sifatida qabul qilingan. Hozirgi davrda Eronda gaz o'lchov atamasining yana bir turi qo'llanilib, u 104 santimetr ga teng hisobda yuritiladi.¹⁴

Agarda yana 1970-yilda Moskvada nashrdan chiqqan «Persidsko-russkiy slovar» kitobiga murojaat qilinsa, unda bir gaz 150 santimetr ga teng deb qabul qilingani oydinlashadi.¹⁵

Manbalar tahlilga tortilsa, **gaz** va **zar** terminlari O'rta Osiyoda sinonim sifatida qo'llanilgani ma'lum bo'ladi. Etnografik ma'lumotlarga qaraganda, xo'jalik ishlarida ko'proq gaz qo'llanilgan. Yuridik hujjatlarda ikkala termin baravar qo'llanilgan. Ammo, gaz zarga qaraganda ko'proq ishlatilgan. O'rta Osiyoda gaz o'lchov atamasi 3 xil o'rinda qo'llanilgan:

1. Barmoq uchlaridan yelkaga qadar, barmoq uchidan ko'krak o'rtasigacha (yoki burun to'g'risigacha) bo'lgan masofa, barmoq uchidan ikkinchi yelkagacha.

2. Barmoq uzunligidagi o'lchov birligi bo'lib, bir gaz – 24 barmoqqa teng.

3. Musht o'lchoviga asoslangan. Bunda bosh barmoq tik ko'tarilgan holatda bo'lib, 1 gaz 7 mushtga teng. Ba'zi hollarda faqat yettinchi mushtning barmog'i ko'tarilgan bo'ladi.

Xorazmda XIX asrlarda gaz atamasi ikki xil o'rinda qo'llanilgan: biri yer maydonini, ikkinchisi matolarni o'lchashda foydalanilgan. Yer maydonini o'lchashda qo'llanilgan bir gaz – 101,822 santimetr ga, matolarni o'lchashda ishlatiladigan bir gaz o'lchov birligi esa 58,184 santimetr ga teng sifatida qabul qilingan.

XVIII asrda Buxoro amirligida bir gaz – 49,875 santimetr ga teng deb belgilangan.¹⁶

Mumtoz adabiy asarlar tilida yer o'lchovi (sathi)ni ifodalovchi numerativlar ham qo'llanilgan bo'lib, ular ma'lum yer o'lchovining aniq qiymati uchun ishlatilgan. Ammo ular ham davrlar va hududlar asosida solishtirilganda aniq qiymat ifodalashda farqlanadi.

JERIB//JARIB (f.). Bu so'z Navoiy va Bobur asarlarida keltirilgan bo'lib, asosan, yer o'lchovi ma'nosida qo'llangan. V.Xinsning fikricha, o'rta asrlarda 1 jarib – 100 kvadrat kasabaga aniqrog'i, hozirgi hisobda 1592 kvadrat metr ga teng bo'lgan. Bir kasaba – 399 santimetr.

Jarib termini forslarda ikki xil o'lchov birligini ifodalagan. Ya'ni kichik jarib 60–70 tirsak uzunlikni anglatrsa, katta jarib 3 ta kichik jaribning 2/3 qismiga teng hisoblangan.¹⁷ Ye.A.Davidovichning yozishicha, jarib tanob bilan parallel qo'llangan va O'rta Osiyoda bir

jarib – 3600 kvadrat gazga teng bo'lgan.¹⁸ Eronda esa ushbu o'lchov hozirgi 1 gektar maydonni ifodalagan. Forslar, asosan, kichik jaribni qo'llaganlar.

X.Sultonovning «Boburnoma» asarida jarib – eni 60, bo'yi 80 metrdan iborat maydon, deb qayd etilgan. «Boburnoma» asarida bu so'z quyidagi matnda uchraydi: *Va har biriga sakson jarib (yer) berurlar: mundin qirq tanobni mazru' qilib hosili xud bari o'zlari tasarruf qilurlar va yaxshilar alarning ulufasig'a hisob qilurlar va qolg'on qirq tanobdan ortuq eksalar mol berurlar.*¹⁹ Navoiyning «Vaqfiya» asarida mazkur atama jarib shaklida qo'llangan: *Va mahdudotkim, shahr tavobi'dadur – Olinjon bulukida Farroshon mavziida yigirmi besh jarib bog'...*²⁰.

Eronda jaribi shoh 1200 kvadrat metrni, jaribi rasm esa 760 kvadrat metrni ifodalagan²¹. Agar biz yuqoridagi fikrlarga suyangan holda, jaribni 1200 kvadrat metrga teng desak, unda sakson jarib 96000 kvadrat metrga teng bo'ladi. «Navoiy asarlari lug'ati»da bu so'z taxminan 1 tanobga teng ekanligi qayd etilganligini hisobga olsak, Ye.A.Davidovichning fikrlari haqiqatga yaqinroq ko'rinadi. Chunki «G'iyos ul-lug'ot»da ham bir jarib bir gazga teng qiymatga ega ekani qayd etilgan.²² Hindlarda esa 1 jarib 29 gattxan, ya'ni 50 metrga teng bo'lgan.

MUZD (f.). Bu so'z Navoiy asarlari tilida muzd shaklida, Bobur asarlari tilida esa mizd shaklida

qo'llangan. Qadimda muzd har-xil to'lov birliklarini anglatgan: a) muzdi ujrak – ish evaziga, og'ir jismoniy mehnat evaziga beriladigan mukofot; b) muzdi dandon – faqir-u g'urabolarga taomlar yedirib, shu taom uchun qancha pul sarflangan bo'lsa yana shuncha pulni o'shalarga taqsimlab berish; v) muzdi toat – savob uchun beriladigan haq; g) jazo uchun to'lanadigan haq; d) ijara uchun to'lanadigan haq; e) badal uchun to'lanadigan haq.²³ Bu so'z Navoiy asarlarida ham, Bobur asarlarida ham, asosan, ish haqi, mehnat haqi, to'lov ma'nosida qo'llangan: *Ushbu kun mag'fur devonning bir navkarin yuz ellik qahorg'a muzd berib, qovun va uzum va meva uchun Kobulg'a yiborildi.*²⁴

Bu so'z Xorazm yozma yodgorliklari tilida ham ish haqi ma'nosida ishlatilishi qayd etilgan.²⁵

Ko'rinadiki, mumtoz adabiy asarlarda turli o'lchov atamaları iste'foda etilib, ularning ifoda qiymati ham o'z davri va hududi uchun muhim ahamiyat kasb etgan. Bu esa o'rganilayotgan davr xalq mulki sifatida qo'llanib kelinganligidan dalolat beradi. Bugungi kunda mumtoz adabiy asarlar tilida qo'llangan hisob so'zlarining etimologik tahlilini o'rganish va davrlar asosida solishtirib aniq qiymatini berish zarurdir. Bu esa bugungi kun o'quvchisida qadimdan qo'llangan hisob so'zlari haqidagi nazariy va ilmiy qarashlarining shakllanishiga, mumtoz asarlar tilini tushunishiga yordam beradi.

¹Z.M. Bobur. Boburnoma. T.: Yulduzcha, 1989. 266-bet.

²O'sha asar, 284-bet.

³O'rta asrlarda Xorazm, Samarqand, Buxoro kabi joylarda og'irlik o'lchovi sifatida foydalanilgan o'lchov birligi; hisob so'zi.

⁴V. Хинц. Мусульманские меры веса с переводом в метрическую систему. М.: Наука, 1970. С. 39.

⁵E.A. Давидович. Материалы по метрологии Средневековой Средней Азии. М.: Наука, С.103.

⁶A. Ishayev. O'zbek shevalaridagi metrologik so'zlar//O'zbek shevalar leksikasi. T.: Fan, 1966. 331-bet.

⁷Lug'atnoma. 14 jildli. Tehron universiteti nashriyoti, hijriy 1334. 2239-bet.

⁸A. Matg'oziyev. XIX asr o'zbek tilining morfologiyasi. T.: Fan, 1977. 78–90-betlar.

⁹E.A. Давидович. Материалы по метрологии Средневековой Средней Азии. С. 120.

¹⁰Персидско-русский словарь. Т. 1. М., 1970. С.510.

¹¹O'sha asar, 810-bet.

¹²Z.M. Bobur. Boburnoma. T.: Yulduzcha, 1989. 123-bet.

¹³A. Ishayev. O'zbek shevalaridagi metrologik so'zlar//O'zbek shevalari leksikasi. T.: Fan, 1966. 345-bet.

¹⁴V. Хинц. Мусульманские меры веса с переводом в метрическую систему. М.: Наука, 1970. С. 63.

¹⁵Персидско-русский словарь. Т. I, 1970. С. 1395.

¹⁶E.A. Давидович. Материалы по метрологии Средневековой Средней Азии. С. 144.

¹⁷V. Xins. Ko'rsatilgan asar. 73-bet.

¹⁸E.A. Davidovich. Ko'rsatilgan asar. 122-bet.

¹⁹Z.M. Bobur. Boburnoma. T.: Yulduzcha, 1989. 149-bet.

²⁰A. Navoiy. TAT. 10-jildlik. 9-jild. T.: G'.G'ulom nomidagi nashriyat-matbaa ijodiy uyi, 2011.

²¹V. Xins. Ko'rsatilgan asar. 73-bet.

²²Muhammad G'iyosiddin. G'iyos ul-lug'ot. Dushanbe: Adib-Tarj, 1988. 416-bet.

²³Lug'atnoma. 14 jildli. Tehron universiteti nashriyoti, hijriy 1334.

²⁴Z.M. Bobur. Boburnoma. T.: Yulduzcha, 1989. 247-bet.

²⁵Э.Фазылов. Хорезмские памятники XIV века. Т. I-II. Ташкент, Фан, 1971. С.780.

Mamlakatimizda ma'naviy-ma'rifiy islohotlar davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi deb e'lon qilingan bugungi kunda nutq madaniyati masalalari, farzandlarimizning nutqiy madaniyat ko'nikmalari va malakalarini oshirish, ta'lim jarayonida madaniy nutq muammolarini yetarli darajada nazarda tutish har qachongidan ham dolzarblik kasb etganligi bejiz emas.

Ma'lumki, ona tili chuqurlashtirilib o'qitiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim maktablarida o'quv rejaga ko'ra, nutq madaniyati fani ona tili faniga yondosh dasturi asosida o'qitilishi rejalashtirilgan. Ixtisoslashtirilgan maktablar o'quv rejasiga nutq madaniyati kursining kiritilishi yoshlarimizning madaniy nutq ko'nikmalarini shakllantirishga qaratilgan dolzarb vazifa ekanligidir. Ona tili dasturiga yondosh bo'lgan nutq madaniyati dasturini haftasiga 1 soatdan o'tish rejalashtirilgan bo'lib, yoshlarimizning madaniy nutq malaka va ko'nikmalarini shakllantirishga yo'naltirilgan.

Quyida ixtisoslashtirilgan maktablar uchun «Nutq madaniyati» dasturi va mavzuiy rejalashtirish havola etildi.

ONA TILINI CHUQUR O'RGANISHGA IXTISOSLASHTIRILGAN UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARI UCHUN «NUTQ MADANIYATI» DAN DASTUR (V–IX sinflar)

Uqtirish xati

Bizning asrlarni allalagan yurtimizda axloq benihoya serqamrov, mag'zi to'q, qiyosi yo'q tushuncha sifatida ardoqlab kelinadi. Ma'nili va bejirim gapira bilish, nutq daryosidagi maqbul va nomaqbul ohanglarni ilg'ay olish, so'zning orqa-o'ngini, munosib o'rnini farqlay bilish, nutqiy fahm-u farosat kabi fazilatlar Turonda inson axloqining, ma'naviy rasoligining tayanch ustunlaridan sanalgan.

To'qqiz asrdan buyon G'arb-u Sharq mutafakkirlarining e'tiboridan tushmay kelayotgan «Qobusnoma»da Kaykovus farzandiga shunday nasihat qiladi: «Ey, farzand, so'zning yuzin va orqasin bilgil va ularga rioya qilg'il, har na so'z desang, yuzi bilan degil, to'xungo'y bo'lg'aysan. Agar so'z aytib, so'zning nechuk ekanin bilmasang, qushga o'xsharsanki, uni to'ti derlar, ul doim so'zlar, ammo so'zning ma'nosini bilmas. Suxungo'y shul kishi bo'lg'ayki, ul har so'zni desa, xalqqa ma'qul bo'lg'ay. Bunday kishilar oqillar qatoriga kirg'ay, yo'q ersa, ul inson suratida mavjud bo'lg'on bir hayvondur».

Ulug' ajdodimiz Yusuf Xos Hojib «Odobning boshi tildir» deb bejiz aytmagan. Xalqimizning og'zaki va yozma so'z xazinasidagi nutqiy xalqqa oid bunday purma'no hikmatlarning sanab sanog'iga yetish mushkul. Notiqlik, voizlik bizda qadim zamonlardan san'at darajasiga ko'tarilgan.

Milliy jamiyat va umuminsoniy qadriyat, milliy o'zlik, ijodkorning sobitligi, milliy ong va tafakkur, milliy g'urur va iftixor, Vatanga muhabbat va istiqloлга sadoqat

kabi ma'naviy kamolotning o'zligini tashkil etuvchi tushunchalarni ona tilidan ayri holda tasavvur ham etib bo'lmaydi. Shuning uchun ham tushunchalarni inson shuuriga muhrlamoqning eng ta'sirchan vositasi deb bilganlar.

Shuni alohida ta'kidlamog' joizki, tabiat va jamiyatda inson tiliday murakkab, serqirra, serqatlam, servazifa, shakl va mazmun mutanosibliigi kabi hodisa kamdan-kam topiladi. Til dunyoni bilish, bilimlarni to'plash, saqlash, keyingi avlodlarga yetkazish, ruhiy munosabatlarni aks ettirish, go'zallik kategoriyalarini voqelantirish kabi bir qancha vazifalarni bajarishga qaramasdan, asosiy e'tibor uning kishilar o'rtasidagi aloqani ta'minlash vazifasiga qaratib kelinadi. Tilni faqat kishilar o'rtasidagi aloqa vositasi sifatidagina talqin etish insonning tabiiy tilini, bu benihoya murakkab va muhtasham hodisani, eng kami, jo'nlashtirishdan, aniq bir milliy qiyofa yoki milliy-ruhiy zamindan mutlaqo mosuvo bo'lgan sun'iy tilga tenglashtirishdan, yo'l harakatini tartibga solish maqsadida yaratilgan shartli «til»ga baravarlashtirishdan boshqa narsa emas. Agar til faqat aloqa vositasigina bo'lganda edi, u juda oddiy, sodda va qashshoq bir narsaga aylangan bo'lardi. Holbuki, til bemisl boy, sehr-u sinoatga, ruh-u ruhoniyatga, ko'rk-u komillikka limmo-lim bir xilqatdir.

Chinakam nutq madaniyati esa tilni ana shunday zangin va rangin xilqat tarzida idrok etish asosida shakllanadi.

Aniqki, nutq madaniyati jamiyat madaniy-ma'rifiy taraqqiyotining, millat ma'naviy kamolotining

muhim belgisidir. Haqiqiy ma'nodagi madaniy nutq shaxs umummadaniy saviyasining favqulodda muhim unsurlaridan biridir. Shuning uchun ham mamlakatimizda ma'naviy-ma'rifiy islohotlar davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi deb e'lon qilingan bugungi kunda nutq madaniyati masalalari, farzandlarimizning nutqiy madaniyat ko'nikmalari va malakalarini oshirish, ta'lim jarayonlarining barcha bosqichlarida madaniy nutq muammolarini yetarli darajada nazarda tutish har qachongidan ham dolzarblik kasb etganligi bejiz emas.

Respublikamizning «Davlat tili haqida»gi, «Ta'lim to'g'risida»gi Qonunlari, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi», «2004–2009-yillarda maktab ta'limini rivojlantirish Davlat umummilliy dasturi» va boshqa juda ko'plab hujjatlarda ma'naviy-ma'rifiy tarbiya, til masalalariga alohida ahamiyat berilgan. Jamiyatimizning har bir a'zosi, har qanday mutaxassis, zamon bilan hamqadam shaxs, eng avvalo, o'z ona tilining sobit sohibi bo'lmog'i lozim. Prezidentimiz I.Karimov O'zbekiston Respublikasi

Oliy Majlisining 1997-yil 29-avgustdagi IX sessiyasida so'zlagan nutqida shunday deb ta'kidlagan: «O'z fikrini mutlaqo mustaqil, ona tilida ravon, go'zal, lo'nda ifoda eta olmaydigan mutaxassisni, avvalambor, rahbar kursisida o'tirganlarni bugun tushunish ham, oqlash ham qiyin» (Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. Toshkent. «Sharq» nashriyoti-matbaa konserni bosh tahririyati, 1997. 9-bet)

Fikrni ona tilida mustaqil, ravon, go'zal va lo'nda ifoda eta olmoq uchun odamda nutqiy madaniyat yetarli darajada bo'lmog'i lozim, busiz, zotan, ona tiliga sohiblik degan tushuncha ham ma'noga ega emas. Zero, nutq madaniyati tildan bimalol va maqsadga o'ta muvofiq tarzda foydalana olishni ta'minlaydigan ko'nikma, malaka va bilimlarning jami demakdir.

Ixtisoslashtirilgan maktablar o'quv rejasiga nutq madaniyati kursining kiritilishi yoshlarimizda madaniy nutq ko'nikmalarini shakllantirish bugungi ta'lim tizimi oldidagi eng dolzarb vazifa ekanligining e'tirof etilishi natijasidir.

D A S T U R

V SINF

Til va nutq (9 soat)

Nutq madaniyati dasturining maqsad va vazifalari. Til va nutq. Nutq turlari. Ichki va tashqi nutq. Og'zaki va yozma nutq. Nutqning individualligi, cheksizligi, qisqaligi. Og'zaki nutqning vaqt va o'rin bilan bog'liqligi. Nutqning harakatchanligi. Tafakkur va nutq.

Nutq madaniyati tushunchasi (7 soat)

Madaniy nutq tushunchasining mazmuni, mezon va o'lchovlari. Nutq madaniyatida milliy o'ziga xoslik. O'zbek adabiy tilining vosita va imkoniyatlari. Adabiy til me'yorlarining nutqni shakllantirishdagi o'rni. Til birliklari (tovush, bo'g'in, so'z va hakoza).

Nutq madaniyati va nutq ko'rinishlari (17 soat)

Nutq madaniyatining amaliy asoslari. Individual nutq. Ommaviy nutq. Sahna nutqi. Badiiy nutq. Rasmiy nutq. Og'zaki so'zlashuv nutqi. Nutq ko'rinishlari o'rtasidagi mushtaraklik va farqli tomonlari.

Nutq madaniyati va notiqlik san'ati. So'zlashuv nutqi tarkibi. Nutqiy muloqot.

Takrorlash (1 soat)

VI SINF

Muloqot uzvlari (a'zolari) (9 soat)

Vaqt, makon, vaziyatga ko'ra muloqotning o'ziga xos tomonlari, nutqda nutq a'zolarining o'rni, vazifasi, so'zlovchining muloqot jarayonidagi o'rni, vazifasi, kattalar va kichiklar bilan muloqotning o'ziga xos jihatlar.

Muloqot jarayonining bosqichlari (11 soat)

Muloqot jarayonining bosqichlari haqida ma'lumot. Salomlashish va vaziyatga ko'ra murojaat ko'rinishlari. Murojaat bosqichi. Tanishishning milliy, hududiy va ijtimoiy xususiyatlari. Xayrlashuv odobi va bosqichlarining o'ziga xos tomonlari.

Tinglash va nutq madaniyati (11 soat)

Tinglovchining muloqot jarayonidagi o'rni, vazifasi, nutqni o'stirishda madaniy nutqning o'rni, nutq vaziyatiga ko'ra tinglash odobining turlari, tinglash odobining nutq madaniyatida tutgan o'rni.

Takrorlash (3 soat)

VII SINF

Nolisaniy vositalar va nutq madaniyati (10 soat)

Yuz, ko'z ifodalari va nutq madaniyati. Qo'l va boshqa tana a'zolari harakatlarining muloqot jarayonidagi o'rni. Takrorlash.

Nutqning to'g'riligi. Nutq ohangi va ulardan o'rinli foydalanish (12 soat)

Nutq va adabiy me'yor. Nutqning muayyan davr adabiy tili me'yorlariga, uning orfoepik, orfografik, lug'aviy hamda grammatik qonun-qoidalariga qat'iy va to'la mos kelishi. Ohang va uning unsurlari. Urg'u va nutqda undan to'g'ri foydalanish.

Nutqda so'zdan o'rinli foydalanish (8 soat)

Nutqda so'z tanlay bilish mahorati. Nutqda ma'nodosh, shakldosh, zid ma'noli so'zlardan foydalanish. So'z qo'llashdagi xatoliklar va ularning oldini olish.
Takrorlash (4 soat)

VIII SINF

Nutqning grammatik me'yorlari (12 soat)

Nutqda so'z yasovchi, shakl hosil qiluvchi va so'z o'zgartiruvchi qo'shimchalardan o'rinli foydalanish.

Nutqni tekis va yozishli qilishda qo'shimchalarning o'rni.

So'z birikmalarini to'g'ri tuzish qonuniyatlari.

Gapni to'g'ri tuzish qoidalari. Kuchli va kuchsiz me'yorlar.

Nutqning aniqligi (8 soat)

Nutq izchilligi. Nutqiy aniqlik(tinglovichga aniq yetkazish)ni ta'minlovchi vositalar.

Nutqning mantiqiyligi (10 soat)

Nutq va mantiq. Nutqni shakllantirishda mantiqning o'rni. Nutqni shakllantirishda so'z va gaplarning mantiqiy bog'lanishlarini hisobga olish.

Nutqda shakl va mazmun birligi.
Takrorlash (4 soat)

IX SINF

Nutqning tozaligi (8 soat)

Nutqiy soflilik. Nutqda arxaik, tarixiy, dialektal, kasb-hunarga oid so'zlardan o'rinli foydalanish.

Dag'al va yot so'zlarni, iboralarni ishlatmaslik.

Parazit so'zlardan qochish. Nutq sofligi, tozaligi uchun kurashish. Nutqda milliy o'ziga xoslikni saqlash.

Nutqning ifodaviyligi (7 soat)

Nutqiy chechanlik. Suxandonlik. O'z fikrini ifoda etishda rang-barang vositalardan foydalanish. Nutqni go'zallashtiruvchi va buzuvchi vositalar.

Nutqiy ifoda imkoniyatlarining kengligi.

Nutq ifodaviyligini ta'minlovchi san'atlar (10 soat)

Nutqda tajnis, tazod, iyhom, talmeh, tajohuli orif, tashxis, mubolag'a, anafora kabi san'atlardan ustalik bilan foydalana bilish.

Askiya san'ati. Payrov. Ulardagi so'z qo'llash mahorati. Nutqning boyligi va jo'yaligi, ta'sirchanligi, jozibadorligi.

Nutq uslublari va nutq madaniyati (6 soat)

Nutq uslublari bilan nutq madaniyati o'rtasidagi munosabat. Nutqiy uslublardan foydalanish.

Nutq uslublariidan noo'rin foydalanishning madaniy nutqqa ta'siri.

Takrorlash (3 soat)

**«Nutq madaniyati»
o'quv dasturi bo'yicha mavzuiy rejalashtirish**

**V sinf
(haftasiga 1 soat)**

**I chorak
(9 soat)**

T\r	Bo'lim va mavzular	Soat
Til va nutq		
1	Nutq madaniyatining maqsad va vazifalari	1
2.	Nutqning shakllanishida tilning o'rni (vazifasi)	1
3.	Nutqning vaziyatga ko'ra turlari	1
4	Og'zaki va yozma nutqning vazifasi, o'xshash va farqli tomonlari, ijtimoiy hayotdagi o'rni	1
5.	Ichki va tashqi nutqning o'ziga xos jihatlari	1
6.	Amaliy mashg'ulot	1
7	Har bir shaxs nutqining o'ziga xosligi	1
8	«Sen ham, Siz ham bir og'izdan chiqadi» mavzusida matn yaratish va tahlil	2

**II chorak
(7 soat)**

T\r	Bo'lim va mavzular	Soat
Til va nutq		
1	Og'zaki nutqning vaqt va makon bilan bog'liqligi	1
2	Nutqning shakllanishida tafakkurning o'rni	1
3	«Tafakkur nima?» mavzusida bahs-munozara darsi	1
Nutq madaniyati tushunchasi		
4	Nutq madaniyati tushunchasi	1
5	Nutq madaniyatida milliy o'ziga xoslik	1
6	Amaliy mashg'ulot (Telefonda gaplashish odobi va h.k.)	1
7.	Mustahkamlash darsi	1

**III chorak
(10 soat)**

T\r	Bo'lim va mavzular	Soat
Nutq madaniyati tushunchasi		
1	O'zbek adabiy tilining vosita va imkoniyatlari	1
2	Adabiy til me'yorlarining nutqni shakllantirishdagi o'rni	1
3	Til birliklari, (tovush, bo'g'in, so'z va hakoza)	1
4.	Amaliy mashg'ulot (badiiy asardan tanlangan matn asosida)	1
Nutq madaniyati va nutq ko'rinishlari		
5	Nutq madaniyatining amaliy asoslari	1
6	«So'zlashuv odobi» mavzusida ijodiy bayon va tahlil	2
7	Ommaviy nutq, sahna nutqi, ularning bir-biridan farqi	1
8	Nutq turlari bo'yicha amaliy mashg'ulot	1
9	Test sinovi	1

**IV chorak
(8 soat)**

T\r	Bo'lim va mavzular	Soat
Nutq madaniyati va nutq ko'rinishlari		
1	Badiiy nutq va rasmiy nutq, uning o'ziga xos jihatlari	1
2	Og'zaki so'zlashuv nutqi (so'z va grammatik vositalarning so'zlashuv nutqida ishlatiladigan jihatlari ko'rsatish masalan: avf eting, kechiring)	1
3	Nutq ko'rinishlari o'rtasidagi mushtaraklik va farqli tomonlari (bir xil so'zlar barcha uslublarda, bir xillari bitta uslubda qo'llanilishi) (A. Qahorning "Notiq" hikoyasiga asoslangan telenovella)	1
4	Nutq madaniyati va notiqlik san'ati	1
5	«Muomala odobi» mavzusida matn yaratish va tahlil	2
6	Test sinovi	1
7	Takrorlash	1

**VI sinf
(haftasiga 1 soat)**

**I chorak
(9 soat)**

T\r	Bo'lim va mavzular	Soat
Muloqot uzvlari (elementlari)		
1	Vaqt, makon, vaziyatga ko'ra muloqotning o'ziga xos tomonlari	1
2	Nutqda nutq a'zolarining o'rni, vazifasi	1
3.	Amaliy mashg'ulot	1
4	So'zlovchining muloqot jarayonidagi o'rni, vazifasi	1
5	«So'zlash odobi» mavzusida ijodiy bayon va tahlil	2
6	Kattalar bilan muloqotning o'ziga xos jihatlari	1
7	Kichiklar bilan muloqotning o'ziga xos jihatlari	1
8	Mustahkamlash darsi	1

**II chorak
(7 soat)**

T\r	Bo'lim va mavzular	Soat
Muloqot jarayonining bosqichlari		
1	Muloqot jarayonining bosqichlari haqida ma'lumot	1
2.	Salomlashish odobi	1
3	«So'z boshi kalom» mavzusida matn yaratish	2
4	Vaziyatga ko'ra murojaat ko'rinishlari	1
5	Salomlashish va tanishuv odobi mavzusida amaliy mashg'ulot	1
6	Mustahkamlash darsi	1

III chorak
(10 soat)

T/r	Bo'lim va mavzular	Soat
Muloqot jarayoni bosqichlari		
1	Tanishishning hududiy va ijtimoiy xususiyatlari	1
2	Tanishishning milliy o'ziga xos jihatlari	1
3	Xayrlashuv odobi	1
4	Xayrlashuv bosqichlari	1
5	Amaliy mashg'ulot	1
Tinglash va nutq madaniyati		
6	Tinglovchining muloqot jarayonidagi o'rni, vazifasi	1
7	«Tinglash odobi» mavzusidagi ijodiy bayon va tahlil	2
8	Nutqni o'stirishda madaniy nutqning o'rni	1
9	Mustahkamlash darsi	1

IV chorak
(8 soat)

T/r	Bo'lim va mavzular	Soat
Tinglash va nutq madaniyati		
1	Nutq vaziyatiga qarab tinglash odobining turlari	1
2	Tinglash odobining nutq madaniyatida tutgan o'rni	1
3	«Darsni (musiqani, ma'ruzani, radioni, suhbatdoshni) tinglash» mavzusida suhbat darsi, matn yaratish	2
4	Test sinovi	1
Takrorlash		
1	Matn tahlili asosida murojaat odobini singdirish	1
2	Ifodali o'qish mashg'uloti	1
3	O'rganilgan mavzular bo'yicha savol-javob darsi	1

VII sinf
(haftasiga 1 soat)I chorak
(9 soat)

T/r	Bo'lim va mavzular	Soat
1.	6-sinfda o'tilgan mavzularni takrorlash	1
2.	«Yozgi ta'til taassurotlari» mavzusida dialogik matn yaratish	1
Nolisoniy vositalar va nutq madaniyati		
3	Muloqot jarayonida yuz, ko'z ifodalarning o'rni	1
4	Qo'l va boshqa tana a'zolari harakatlarining muloqot jarayonidagi o'rni	1
5	Shaxsiy taassurotlari asosida teatr va kino san'atidagi muloqotda yuz va ko'z ifodalarning o'rni yuzasidan suhbat	1
6	Dialogik matn asosida amaliy mashg'ulot	1
7	«Mehmonda o'zni qanday tutish kerak» mavzusida ijodiy bayon va tahlil	2
8	Mustahkamlash darsi	1

II chorak
(7 soat)

T/r	Bo'lim va mavzular	Soat
1	Birinchi chorakda o'tilgan mavzularni takrorlash va mustahkamlash	1
Nutqning to'g'riligi		
1	Nutq madaniyatini shakllantirishda adabiy me'yorning o'rni	1
2	Nutqning to'g'riligi (talaffuz, so'z urg'usi, so'z yasalishi, morfologik, sintaktik, uslubiy me'yorlar)	2
3	Talaffuz me'yorlari (orfoepik)	
4	«Har qanday to'g'ri nutqni madaniy deyish mumkinmi?» mavzusida bahs-munozara darsi	1
5	Mustahkamlash darsi	1

III chorak
(10 soat)

T/r	Bo'lim va mavzular	Soat
Nutqning to'g'riligi		
1	Leksik me'yor	1
2	So'z yasalishi me'yori	1
Nutq ohangi va ulardan o'rinli foydalanish		
3	Ohang va uning logik-emotsional grammatik vazifalari	1
4	Urg'u va nutqda undan to'g'ri foydalanish	1
5	Amaliy mashg'ulot	1
Nutqda so'zdan o'rinli foydalanish		
6	Nutqda so'z tanlay bilish mahorati	1
7	Madaniy nutqda ma'nodosh, shakldosh va zid ma'noli so'zlarning o'rni	1
8	Nutq madaniyatini shakllantirishda o'zbek tili boy ifoda vositalarining o'rni	2
9	Mustahkamlash darsi	1

IV chorak
(8 soat)

T/r	Bo'lim va mavzular	Soat
Nutqda so'zdan o'rinli foydalanish		
1	O'tilgan mavzular bo'yicha suhbat	1
2	So'z qo'llashdagi xatoliklar va ularning oldini olish	1
3	Madaniy nutq millat ma'naviy kamolotining belgisidir	1
4	«Tilingni avayla, omondir boshing» mavzusida suhbat va matn yaratish	1
Takrorlash		
1	«Madaniy nutqning shakllanishida badiiy adabiyotning o'rni» mavzusida suhbat	1
2	«Go'zal va nafis nutq deganda nimani tushunasiz?» mavzusida suhbat	1
3	«Ma'nili va bejirim gapirish» mavzusida matn yaratish	1
4	Mustahkamlash darsi	1

VIII sinf
(haftasiga 1 soat)I chorak
(9 soat)

T/r	Bo'lim va mavzular	Soat
Nutqning grammatik me'yorlari		
1	Nutqning grammatik me'yorlari haqida tushuncha	1
2	Nutqda qo'shimchalardan to'g'ri va o'rinli foydalanish	1
3	Madaniy nutq va til birliklari	1
4	Nutq ifodaliligini oshirishda so'z birikmalarining o'rni	1
5	Gapni to'g'ri tuzish qoidalari	1
6	Amaliy mashg'ulot («Gap tuz» o'yini asosida)	1
7	«Madaniy nutqda uslubiy savodxonlikning o'rni» mavzusida bayon va tahlil	2
8	Mustahkamlash darsi	1

II chorak
(7 soat)

T/r	Bo'lim va mavzular	Soat
Nutqning grammatik me'yorlari		
1	Adabiy til me'yorlari	1
2	Kuchli me'yor va kuchsiz me'yorlarning nutqni rivojlantirishdagi o'rni yuzasidan amaliy mashg'ulot	1
3	Nutqning grammatik me'yorlari bo'yicha mustahkamlash darsi	1
Nutq aniqligi		
1	Nutq aniqligi haqida umumiy tushuncha	1
2	Aniqlik nutqning madaniyligini ta'minlovchi omillardan biri	1
3	«Aniq va tushunarli gapirish sirlari» mavzusida suhbat	1
4	Mustahkamlash darsi	1

III chorak
(10 soat)

T/r	Bo'lim va mavzular	Soat
Nutq aniqligi		
1	Birinchi chorakda o'rganilganlar yuzasidan suhbat	1
2	Nutq izchilligi haqida tushuncha	1
3	Nutqni tinglovchiga aniq yetkazishni ta'minlovchi vositalar	1
4	Ifodali o'qish mashqi	1
Nutqning mantiqiyliigi		
1	Mantiq haqida tushuncha	1
2	Nutqning shakllanishida mantiqning o'rni	1
3	Nutqni shakllantirishda so'z va gaplarning mantiqiy bog'lanishini hisobga olish	1
4	Badiiy matn tahlili orqali mantiqiy nutqni shakllantirish	1
5	«Jozibali nutq» mavzusida matn yaratish	1
6	Mustahkamlash darsi	1

IV chorak
(8 soat)

T/r	Bo'lim va mavzular	Soat
Nutqning mantiqiyliigi		
1	Uchinchi chorakda o'rganilgan mavzular bo'yicha suhbat	1
2	Nutqda so'z va gaplarning mantiqiy bog'lanishi	1
3	Nutqda shakl va mazmun birligi	1
4	Ifodali o'qish	1
Takrorlash		
1	Badiiy matn tahlili	1
2	Dialogik matn tuzish	1
3	«So'zda sehr bor» mavzusida suhbat	1
4	Mustahkamlash	1

IX sinf
(haftasiga 1 soat)I chorak
(9 soat)

T/r	Bo'lim va mavzular	Soat
Nutqning tozaligi		
1	Nutqiy soflik tushunchasi	1
2	Nutqda arxaik, tarixiy, shevaga, kasb-hunarga oid so'zlardan o'rinli foydalanish	1
3	Badiiy asarlar ustida ishlash	1
4	Dag'al va yot so'zlarni ishlatishdan saqlanish	1
5	Iboralardan o'rinli foydalanish	1
6	Parazit so'zlar, ularning nutqqa salbiy ta'siri	1
7	Amaliy mashg'ulot. Nutq sofligi, tozaligini saqlash	1
8	Nutqda milliy o'ziga xoslik	1
9	Mustahkamlash	1

II chorak
(7 soat)

T/r	Bo'lim va mavzular	Soat
Nutqning ifodaviyligi		
1	Nutqiy chechanlik	1
2	Fikr bayon etishda ifoda vositalarining o'rni	1
3	Nutqni go'zallashtiruvchi vositalar	1
4	Nutqni buzuvchi vositalar	1
5	Nutqiy ifoda imkoniyatlarining kengligi	1
6	Suxandonlik. Suxandonlik haqida mutafakkirlarning qarashlari	1
7	«Suxandonlikni men qanday tushunaman» mavzusida ijodiy bayon va tahlil	2

III chorak
(10 soat)

T/r	Bo'lim va mavzular	Soat
Nutq ifodaviyligini ta'minlovchi san'atlar		
1	Nutqda tajnis, iyhom, tazod, talmeh, tajohuli orif, tashxis, mubolag'a, anafora kabi san'atlardan foydalanish	2
2	Askiya san'ati. Payrov. Ulardagi so'z qo'llash mahorati	2
3	Madaniy nutqning shakllanishida badiiy asarlarning o'rni	1
Nutqning boyligi va jo'yaligi		
4	Nutqning boyligi	1
5	Nutqning jo'yaligi	1
6	Nutqning ta'sirchanligi va jozibadorligi	2
7	Mustahkamlash	1

IV chorak
(8 soat)

T/r	Bo'lim va mavzular	Soat
Nutq uslublari va nutq madaniyati		
1	Nutq uslublari bilan nutq madaniyati o'rtasidagi munosabat	1
2	Nutq uslublari bilan noo'rin foydalanishning madaniy nutqqa ta'siri	1
3	Amaliy mashg'ulot: nutq uslublari bilan o'rinli foydalanish	1
4	«Nutq ravonligini ta'minlovchi vositalar» mavzusida matn yaratish	2
Takrorlash		
1	Nutqning ifodaviyligi va uni ta'minlovchi san'atlar	1
2	Test sinovi	1
3	Mustahkamlash darsi	1

Tuzuvchilar: f.f.d., prof. Nizomiddin Mahmudov, f.f.d., prof. Abduhamid Nurmonov, f.f.d., dots. Abdulhay Sobirov, f.f.d., dots. Siddiqjon Mo'minov, M. Tolipova – XTVTFIDUM ona tili va adabiyoti fani o'qituvchisi.

Adabiyotlar

1. E.Begmatov, A.Boboyeva, M.Asomiddinov. Adabiy norma va nutq madaniyati. T.: Fan, 1983.
2. E.Begmatov, A.Boboyeva va bosh. O'zbek nutqi madaniyati ocherklari. T.: Fan, 1988.
3. Васильева А.Н. Основа культура речи. М.: Русский язык, 1990.
4. Головин Б.Н. Основа культура речи. М.: Высшая школа, 1980.
5. Головин Б.Н. Как говорит правильно. М.: Высшая школа, 1988.
6. N.Mahmudov. Madaniy nutq muammolari. «Ta'lim jarayonida nutq madaniyatini shakllantirish masalalari» O'zbek tili doimiy anjumani V yig'ini materiallari. T., 1999, 7–19-betlar.
7. Nutq madaniyatiga oid masalalar. T.: Fan, 1973.
8. Скворцов Л.И. Основа культура речи. М.: Высшая школа, 1984.

ЎЗБЕКНИНГ ЎЗ СЎЗЛАРИ

Жўра МАМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт
институтининг илмий ходими

Сўз халқ ҳаётининг кўзгуси бўлиб, у халқ ўтмиши, тарихи, тақдири, моддий ва маънавий ҳаётини ўзида акс эттиради. Сўзлар амалий талаб, эҳтиёж натижаси маҳсулидир. Шу нуқтаи назардан, сўз ҳаммаша шу тил эгаларининг ардоғида бўлган. Маълумки, сўзлашув нутқи азал-азалдан адабий тилни бойитувчи асосий манбадир.

Ўзбек тили бошқа тиллар сингари шева сўзлари ҳисобига ҳам бойиб боради. Ўзбеклар халқ сифатида шаклланишида ўз бошидан мураккаб этногенетик жараёни кечирган. Ўзбек тилининг кўп шевалилиги бу тилнинг ўзига хос тараққиёт йўли бўлиб, шу билан ҳам бошқа туркий халқлардан ажралиб туради.

Шуни ҳисобга олиб, кенг халқ оммаси тушунадиган луғатларда ўз ўрнини ҳали топмаган баъзи

сўзлар ва сўз маънолари изоҳини келтиришни лозим топдик.

Лочира – тандирда ёпиладиган юпка нон.

Машак – сариғдан келган одамга нисбат.

Машак, мактабга бормайсанми?

Ойкулча – думалоқ кулча.

Том ортида тоғолча,

Бошингдаги ойкулча.

Орқовул – қуёшга тескари томон, ғарб.

Орқовулдан келаётгандим анқайиб...

Пиндиқ – ток, бута, мева дарахти новдаларидаги куртак.

Пиндиқламоқ – дарахтларнинг куртаклаш ҳолати, куртакламоқ.

Пўрим – башанг, олифта.

Жуда пўрим бўлиб кетибсанми?

Davomi 48-betda

СЎЗ ЎЙИНИДА ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Диловар ФАЙЗИЕВА,

Самарқанд давлат университети магистри

Маълумки, тилнинг луғат таркиби сўзлардан ташқари фразеологизмлардан ҳам иборат. Тилимиздаги *оғзи қулоғида, боши осмонга етди, терисига сиғади, тарвузи қўлтиғидан тушди, ичига чироқ ёкса ёришмайди, ёғ тушса ялағудек, тирноқ остидан кир қидирмоқ* каби турғун шаклдаги иборалар *фразеологизмлар* номи билан юритилади. Тилшуносликнинг ана шу фразеологик бирликларни тадқиқ этувчи соҳаси фразеология дейилади. Фразеология (грекча *phrasis* – ифода, нутқ, ўрама ва *logos* – таълимот) атамаси икки маънода ишлатилади: 1) тил фразеологик таркибини ўрганувчи тилшунослик соҳаси; 2) шу тилнинг фразеологизмлари мажмуи.¹

Фразеологизмлар нутқ жараёнида фикрни образли ифодалашга хизмат қилади ва тузилишига кўра камида икки мустақил сўздан таркиб топади ҳамда бир бутун ҳолда кўчма маъно ифодалашга хизмат қилади. Демак, икки ёки ундан ортиқ сўздан таркиб топган ва яхлит бир маъно ифодалайдиган тил бирлиги фразеологизм ёки ибора деб айтилади. Масалан, тилимизда *пашшадан фил ясамоқ* ибораси мавжуд бўлиб, *у муболаға қилиб, бўрттириб юбормоқ* маъносини ифодалайди.² Қуйидаги парчада шу ибора асосида сўз ўйини ҳосил қилинган: *Филлар тўдаси қуюқ ўрмон ора-лаб кезиб юрар, улардан бири эса тинимсиз ра-вишда ғинғилларди. Бу ғинғиллаш йўлбошчи фил-нинг ҳам жонига теғди шекилли, хартуми билан бояғи филни туртди: – Ҳой, қанақа филсан ўзи? Ғинғиллайвериб жонга теғиб кетдинг-ку. – Мен... мен... пашшадан ясалган филман-да.* (Пашшадан ясалган филман. 5-бет)

Фразеологизмлар услубий восита сифатида сўз ўйини ҳосил қилишга хизмат қилганда, кўпинча, уларнинг ифода семаларида образлилик бўртиб туради: – *Судланувчи, айтинг-чи, «Заргарлик» дўконини ўмаришга сизни нима ундади? – Витринадаги ёзув, ўртоқ судья. «Жаноблар, имкониятни қўлдан бой берманг», деб ёзиб қўйилган экан. Дарров ишга киришдим.* Парчада қўлланилган «имкониятни қўлдан бой бермоқ» иборасининг сўз ўйини ҳосил қилувчи восита сифатида қўлланиш имконига эгаллигини ва уни осонгина бутунлай бошқа маънода қўллана олиши унинг турли вазифавий услубий имкониятларга эгаллигини кўрсатади.

Фразеологизмлар нутқ жараёнидан анча олдин юзага келганлиги, яъни сўз ўйини ҳосил қилувчи

восита сифатида қўлланилмасдан олдин оғзаки ва ёзма нутқда барқарор бирикма сифатида мавжудлиги билан нутқ бирлиги бўлган сўз бирикмаси ва гапдан фарқ қилади.

Фразеологизмларнинг грамматик қурилиши ўзига хос. Ибора компонентлари синтактик жиҳатдан ҳар хил йўллар билан боғланган. Фразеологик ибораларнинг аксарият қисми бирикмага тенг иборалардир.

Тилшуносликка оид дарслик ва қўлланмалардан маълумки, иборанинг семантик таркиби икки ҳодисани – фразеологик маъно ва қўшимча оттенкани, яъни қўшимча маъно нозиклигини қамраб олади. Фразеологизмларнинг ниманидир номлаши, ифодалаши – белги, ҳаракат кабилар ҳақидаги маълумоти фразеологик маъно дейилади. Масалан, *кўзини сузмоқ* ибораси *ноз-ишва билан қарамоқ*³ маъносини, *боши осмонга етмоқ* ибораси эса *ғоят хурсанд бўлмоқ*⁴ маъносини англатади.

Сўз ўйини ҳосил қилишда фразеологик бирликларда иборадан яхлитлигича англашилладиган маъно билан таркибидаги сўзлар англадиган лексик маънолар орасидаги муносабат турлича кўринишда бўлиши мумкин.

Иборанинг сўз ўйини ҳосил қилишдаги вазифасини белгилашда сўзловчининг фикр ифодалашдан кўзлаган мақсади ва ибора таркибидаги сўзларга хос лексик маънолар ҳисобга олинади. Бундай ибораларнинг яхлит маъносидан таркибидаги сўзларга хос маънолар ҳам сезилиб тургани сабабли бундай ибораларнинг маъноси кўп қиррали, турли маъно нозикликларига бой бўлади. Сўз ўйини ҳосил қилишда қўлланувчи кўплаб ибораларда бундай хусусиятлар бўртиб туради. «Одатда, коммуникатив вазиятнинг уч асосий унсури мавжуд бўлади, яъни сўзловчи, тингловчи, мавзу ёки ахборот. Сўзловчи муайян ахборотни тингловчига етказиш учун, албатта, восита – тегишли канални танлайди. Табиийки, асосий канал тилнинг ўзидир. Аммо ахборотни тўла етказишда умумий вазият ва мақсадга мувофиқ бошқа каналлар ҳам ишга туширилади. Бу ўринда паралингвистик ва экстралингвистик воситалар назарда тутилади. Чиндан ҳам турли жестлар, юз ифодаси, бошни қимирлатиш, гавда ҳаракатлари, овоз табиати, кийимлар, сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий мақоми каби хилма-хил омиллар коммуникация жараёнида алоҳида қимматга эга. Узатилмоқчи

TA'LIMI

бўлган ахборотнинг мазмуни, мақсади ва табиати-га уйғун тарзда коммуникация канали танланади».⁵

Айрим ибораларнинг маъноси, гарчи улар сўз ўйини ҳосил қилишда иштирок этса-да, таркибидаги сўзларнинг маъносига боғлиқ бўлмайди. Бундай ҳолларда сўз ўйини ҳосил қилувчи иборанинг маъноси таркибидаги сўзларга хос маънолар асосида изоҳланмайди, иборалардан англашиладиган маънони тушунишда қандайдир ўзига хос шартлилик мавжудлиги сезилади. Тилшуносликда бундай ибораларга фразеологик чатишмалар сифатида қаралади.

Ибораларнинг семантик таркибида фразеологик маънодан ташқари, қўшимча оттенка ҳам мавжуд бўлади. Қўшимча оттенка ҳиссий бўёқ ва услубий белгидан иборатдир. Масалан, куйидаги матнда *отнинг қулоғи бўлмоқ* ибораси маълум даражада сўз ўйинини юзага келтирган ва баҳо ифодаси сифатида намоён бўлган.

Ҳиссий бўёқ ибораларда воқеликни баҳолаш, унга муносабат билдириш орқали рўёбга чиқади. Масалан, айрим фразеологизмлар турли қарашлар, тушунчалар асосида ҳам шаклланади. Машҳур Юсуфжон қизиқ билан боғлиқ ушбу хотирада шу ҳолат кузатилади: Шокир ота беш яшар ўғли Юсуфжонни домлага олиб бориб дебди:

– *Тақсир, шу гўдакни одам қилиб берсангиз, гўшти сизники, суяги бизники!*

Ўшанда ёш Юсуфжон домлага қараб туриб, дадасига гапирган экан:

– *Дада, бу киши кабобпазмилар?!*

Матнда қўлланилган *гўшти сизники, суяги бизники* иборасидан юсак даражада *иззат-хурмат қилмоқ, ардоқламоқ* маъноси англашилади. Аммо суҳбат жараёнида Юсуфжон қизиқ томонидан берилган савол сўз ўйинини, кулгили вазиятни юзага келтирган.

Бирдан ортиқ маънони англата олиш фразеологик бирикларга ҳам хос хусусиятдир. Ибораларнинг талай қисми кўп маъноли эканлиги сўз санъаткорларига сўз ўйини ҳосил қилишда кенг имкониятлар яратади. Масалан, тилимизда *ишдан чиқмоқ* ибораси *яроқсиз ҳолга келмоқ* маъносини билдиради.⁶ Қуйидаги парчада шу иборани қўллаш билан Ғафур Ғулумнинг ажойиб сўз ўйини ҳосил қилганлиги сезилади:

Ғафур Ғулум йигитлардан сўрабди:

– *Иўл бўлсин энди?*

– *Ишдан чиқдик, уйга қайтыпмиз.*

– *Ие, мен шу ёшга кириб, ҳали ишдан чиққанам йўқ-ку, сизлар дарров ишдан чиқиб қолдингларми?*

Фразеологик синонимлар маъно қирраси ва нутқий хосланиш жиҳатидан ўзаро фарқли хусусиятга эга бўлади. Бадиий матнларда сўз ўйини

ҳосил қилишда бундай ибораларнинг нутқий вазиятга мос кўриниши танлаб олинади.

Сўз ўйини фразеологизм таркибидаги бир сўзнинг кўчма маънода, бошқасининг ўз маъносидан қўлланилиши натижасида ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, *ишга шўнғимоқ* иборасида *иш* сўзи ўз маъносидан, *шўнғимоқ* сўзи эса кўчма маънодадир:

Доктор, мен тушкунликка тушиб қолдим.

– *Энг яхши давоси, бош билан ишга шўнғиш.*

– *Лекин мен бетон аралаштирувчи бўлиб ишлайман-да!*

Маълумки, фразеологик иборалар маъноси улар таркибидаги сўзларнинг тўғри маънолари умумлашмасидан иборат бўлмайди, балки фразеологик маъно мазкур сўзлардан бири ёки бир нечасини муайян бир образ асосида кўчма маънода қўллаш орқали юзага келади. Ижодкорлар ибора таркибидаги сўзларнинг тўғри маъноларини ҳаракатлантириш ва уларни фразеологик маъно билан қаршилантриш йўли орқали кулги чиқариш, ўзига хос образлиқни яратишга ҳам ҳаракат қиладилар. Ёзувчи Саид Аҳмаднинг «Чучвара» ҳажвиясидан олинган ушбу парчада буни кўриш мумкин:

Мажлисда унга:

– *Сен бола, чучварани хом санаб юрибсан.*

Шошма ҳали, жўжани кузда санаймиз. Бу қанақаси, сиркаси сув кўтармайдиган бўлиб қопти, – дейишди...

Энди менга навбат! Менинг шаънимга жуда кўп ножўя гапларни айтдинглар. Ҳаммасига жавоб тайёр: чунончи, сиркаси сув кўтармайди, деддинглар. Нимага шама қияпганларингени билман. Узумчилик звеносида ишлаганимда сирка солганман. У сув кўтарадим, йўқми, ўзим билман. Иккинчи масалага ўтайлик: жўжани кузда санаймиз, деддинглар. Бундан икки йил олдин парранда фермасини учма-уч қилиб топширганман. Жўжаси ҳам, хўрози ҳам тўппа-тўғри чиққан. Энди учинчи масала: чучварани хом санайди, дейсизлар. Мана шу гап менга оғир ботди. Қани айтдинглар-чи, менинг чучвара санаётганимни ким кўрипти? Кимнинг уйига кириб, чучварасига қўл теккизибман? Вообше, мен чучвара емайман...

Парчада сўзловчининг фразеологик бирикмалар маъносини тўғри қабул қилиши унинг дунёқараши, фикрлаш савияси пастлигидан далолат беради. Бу эса айтилган нутқий вазиятда кулгили ҳолатни юзага келтирган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, фразеологизмлар услубий восита сифатида сўз ўйини ҳосил қилишга хизмат қилади ва нутқнинг таъсирчанлигини оширади.

¹А.Ҳожиёв. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи, 1985.165-бет.

²Ш. Раҳматуллаев.Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Т.: Ўқитувчи,1978. 206-бет.

³ЎТИЛ. III жилд. Т., 2007. 583-бет.

⁴ЎТИЛ. I жилд. Т., 2006. 336-бет.

⁵Н.Маҳмудов. Ўқитувчи нутқи маданияти. Т., 2007. 40-бет.

⁶Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати.Т.:Ўқитувчи, 1978. 119-бет.

Davomi. Bishi 45-betda

ЎЗБЕКНИНГ ЎЗ СЎЗЛАРИ

Серпимоқ – қўли ёки қўлидаги нарса билан урмоқ.

Бир серпидим, йиқилди.

Сирилмоқ – оч қолмоқ.

Бола овқатдан сирилган.

Сонсиз – уқувсиз, пала-партиш.

Келиним сонсиз, ишлари пала-партиш.

Туваламоқ – иссиқхоналардаги сабзавотларнинг гулларини тез ҳосил бериши учун махсус дори билан дорилаш.

Тўрвақоқди – кўп фарзандли оилада энг кейин туғилган бола.

Хуррак – дутор, рубоб каби чолғу асбобларининг симларини кўтариб туришга мўлжалланган мослама.

Хўрон – овқатни кўп ейдиган.

Хотининг хўрон бўлса, урди худо,

Молинг хўрон бўлса, берди худо.

Тоғпиёз – анзур, тоғли ерларда ўсадиган доривор пиёз.

Фаранг – шойи рўмол тури.

Ўсма, сурма қошида,

Фаранг рўмол бошида.

Чил – кураш усули. *Оёғига чил солди.*

Чов – чангал(изоҳли луғатда бу маъно йўқ).

Қарчиғайнинг эркаги човли бўлар.

Чори –1. Уч ёшдан ўтиб тўрт ёшга ўтган қўй.

2. Учтинчи ўғилдан кейин туғилган ўғил.

Чўқир – қиррали тош ёки қиррали нарса.

Оёғига чўқир тикан кирди.

Шавил – кўкат номи.

Шамак – донли экинлар майдонида ўсадиган, дони курмакка ўхшаган ёввойи ўсимлик.

Ширхўра – икки совлиқни эмиб улғайган қўзи.

Ўзакламоқ – сабзи, пиёз каби сабзавотларнинг уруғлаб, ёввойилаб кетиши.

Ўйнама – сал қалтисроқ ҳаракат натижасида оёқ, қўл кабиларнинг тез-тез чиқиб кетиш ҳолати.

Ўкса – ташқаридан бўладиган таъсирни қабул қилиш ҳиссининг йўқлиги.

Ёмон ўксаси қаттиқ, раҳм нималигини билмайди.

Ўрама – совуқда қотмаслиги ва терлаганда совуқ ўтмаслиги учун отнинг гавдасини ёпадиган катта ёпинчиқ.

От устида ўрама,

Ўрамани бурама.

Қовочоқ – пахтани териб олинган чаноқнинг пўчоғи, қуруқ чаноқ.

Қайроқи – картошка нави.

Қайтарма – кураш усули.

Қашқатаёқ – тарбияси кам, кўп дайдиб юридиган бола.

Қилтомир – энг ингичка, нозик томир.

Қирқтош – тошларни сочиб, уларни тезликда йиғиб олиш, қиз болалар ўйини.

Қовус – кузнинг охири қишнинг боши – 21 ноябрь 20 декабрга тўғри келади.

Қораталоқ –1. Танаси олхўрига ўхшаш доривор ўсимлик.

2. Тол дарахти нави.

Қорақилтиқ – пишганда қилтаноғи қора бўладиган буғдой нави.

Қориқ – бўкиб қолган мол қорнидаги ел, дамни чиқариш, кавш қайтариш учун мол оғзига солинадиган тол навдаси.

Қоқтирмоқ – табибга бориб қамчи, хивич билан урдириб, ирим қилдирмоқ.

Қўзикуйруқ – майда баргли ўсимлик.

Қўқим – истеъмолга яроқсиз бўлиб қолган. Масалан, узум, чой қолдиғи.

Ғанак – уйилган беда ёки пичан ғарами, уюми.

Ғўччоқ – бақувват, кучли, баҳодир.

Алла, болам, тўпчоғим,

Қўчқордайн ғўччоғим.

Хапдори – уйқу дори.

Ҳаққалам – бир оёқда сакраб болаларни ушлаб олиш ўйини.

Ёзувчи Ўткир Ҳошимов айтганидек, тил – денгиздаги покиза чиғаноқ. Сўз эса чиғаноқ ичидаги гавҳар. Унга эхтиром билан қараш, ақл билан фойдаланиш, қўлдан келса бойитиб бориш маънавий такомилнинг ўзак масаласига тақалади. Шу сабабли халқимизнинг сўзга бўлган муносабати юксалиб бораверади ва улар авлодлар оша яшаб, тил ҳазинасида сақланиб қолаверади. Буюк бобомиз Алишер Навоий ёзганидек:

*Жисм бўстониға шажар сўздурур,
Рух ашжориға самар сўздурур.*

Сўз энг азиз маънавий қадриятларга бориб тақаладиган буюк бир неъматдир. Ўзбек халқининг неча минг асрлик ҳаёти, турмуш тарзи, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий фаолияти билан боғлиқ бўлган тушунча ва унинг ҳосили сўз ўзбек тилининг луғат таркибида ўз аксини топиши лозим. Чунки ўзбек халқининг турмуши, маънавияти узоқ даврлар мобайнида юз берган турли ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга қарамай, ўзига хос ва мос миллийликни сақлаб қолган. Бу, аввало, унинг тилида, сўзлигида ўз аксини топган. Биз шу жиҳатдан шева деб қарамай келинаётган баъзи сўзларни миллий тил сўзлари деб ҳисоблаймиз.